

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

БИБЛИОГРАФИЯ ВА ҲУЖЖАТШУНОСЛИК
КАФЕДРАСИ

ШАМСИЕВ ШУҲРАТ МУРОДОВИЧ

ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР БИБЛИОГРАФИЯСИ

(Дарслик)

Тошкент – 2007

ТАҚРИЗЧИ:

Давлатов С.Х. –

Кутубхонашунослик кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди, доцент.

:

Турапов М.М. - Библиография ва
хужжатшунослик кафедраси мудири,
пед.фан. ном., доцент

МАСЪУЛ МУХАРРИР

Бекмуродов М.Б. – соц.фан.доктори,
профессор

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият
институтининг Илмий Кенгаши томонидан тавсия этилган.

КИРИШ

XXI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек халқи Чоризм мустамлакасида, сўнгра XX асрнинг бошларида қизил империянинг мустабид тузумида оғир аҳволда кун кечириб келди. Фақат XX асрнинг сўнгига келиб қизил империя парчаланганидан сўнг миллионлаб одамлар тафаккури устидан ўрнатилган коммунистик мафкура диктатураси барҳам топди. Деярли бир ярим аср мобайнида мустабид тузум зулми остида эзилган, мислсиз хурликлар, кулфатлар ва йўқотишларни бошидан кечирган ўзбек халқи озодликка эришди.

Тарихат ўта қисқа муддат мобайнида янги Ўзбекистон давлати ташкил топиб, жаҳон сахнасидан муносиб ўрин эгаллади. Ҳуқуқий, демократик ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олган кенг кўламли ислохатлар амалга оширилди. Биз ўзлигимизни англадик, ўзбек деган муборак ном дунёда ўз қадрини топди.

Халқимиз тарихининг буюклиги, аввало, маънавияти ва маърифатининг юксаклиги билан белгиланади. Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Наср Фаробий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом ал Бухорий, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимиз инсоният тараққиётига, хусусан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан хисса қўшганлар. Алишер Навоий, Муқимий, Абдулла Қодирий ва уларнинг ворислари томонидан яратилган бадиий ва илмий асарлар жаҳон адабиётининг беқиёс наъмуналаридир. Амир Тему рва темурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, уларнинг раҳнамолигида барпо этилган мухташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин дурдоналари сифатида Дуне аҳлини хайратга солиб келмоқда. Хуллас, ўзбек халқининг обрўсини юксакликка кўтарган мисолларнинг чеки-чегараси йўқ. Улар ватандошларимизнинг Дунеқараши, характери, тафаккури ва менталитетида, урф-одатлари, анъаналари ва удумларида ўз ифодасини топган.

Умуммиллий бир ватан, бир келажак онгини қарор топтириш учун бугунги кунда мамлакатда давлат инсонпарварлик қонунларига асосланган ҳолда миллати, ижтимоий аҳволи, дини, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни ўз зиммасига олади.

Давлатимиз олдида турган вазифа- мустақилликни мустаҳкамлаш ва бу борада янада жадалроқ ҳаракат қилишда ижтимоий фанларнинг янада ривожланиши, мафкуравий ва ижтимоий ишлаб чиқариш ишларининг самарадорлигини ошириш, социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида, тинчлик учун кураш ва социал тараққиёт борасида кишиларни онгли равишда иштирок этиши асосий роль ўйнайди.

Гоявий-тарбиявий иш соҳасида Президентимиз айтгандек – "Ҳар бир Ватанимизнинг фуқароси миллий мафкурани чуқур тушуниши, ўз сиёсий маданиятларини оширишлари, давлатимиз сиёсатини тарғибот қилишда онгли иштирок этишлари ва уни фаоллик билан ҳаётга тадбиқ қилишлари зарур. Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳатларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб боришдан иборатдир"¹. (Президент И.Каримовнинг 1995й. Феврал ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан).

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга катта ёрдам беради.

Мамлакатнинг социал – иқтисодий ривожини жадаллаштириш жараёнида ижтимоий фанлар ахборот тизимининг шу билан биргаликда унинг таркибий қисми бўлмиш иқтисодий- сиёсий библиографиянинг роли янада ошиб боради.

Жамиятимизнинг ахборотга бўлган талабларини кондирришнинг негизида режали равишда ижтимоий-сиёсий библиографиясини тайёрлаш, кенг кўламда тарқатиш ва ундан ҳар томонлама фойдаланиш ишини олиб бориш, илмий текшириш ишлари ва амалий фаолиятни библиографик ахборот билан мунтазам таъминлаб бориш васифаси ётади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг янги ютуқлари, унинг назарий, услубий ва ташкилий масалаларига эътиборни ошириш, кутубхоналар, китоб палаталари, илмий ахборот муассасалари, нашриётлар ва китоб савдо ташкилотлари, оммавий тарғибот воситаларининг мазмуни ва иш олиб бориш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқдир. Шу билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси билан шуғулланувчи малакали мутахассисларга бўлган талаблар ҳам ошиб боради.

Бундай кадрларни тайёрлаш, асосан, маданият институтлари ва маданият касб- хунар коллежларининг кутубхонашунослик факультетларида олиб борилади.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагош каби му=аддасдир: Маърузалар, нут=лар, сушбатлар.- Т.: Ўзбекистон, 1995.-бет.183-184

Мутахассисларни библиографик тайёрлаш жараёни талабаларни ижтимоий–сиёсий адабиётлар библиографияси ишининг назарияси, ташкил этилиши ва услубияти билан таништиради. Шу билан бирга бу курсда талабаларга ахборот библиографик оқимдан фойдалана олиш, ижтимоий –сиёсий библиографик фаолиятни ўрганиш, ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини кутубхона маълумот-библиографик аппаратига киритиш, улардан фойдалана билиш ва китобхонларни ҳар томонлама шу адабиётларга бўлган талабларини қондириш ишлари ўргатилади.

Ижтимоий –сиёсий адабиётлар библиографиясининг мазмуни жамиятшунослик борасида олиб бориладиган библиографик фаолиятларининг асосий жараёнлари ва натижаларидан иборатдир.

I-боб. ИЖТИМОЙ – СИЁСЙ АДАБИЁТ-БИБЛИОГРАФИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Мафкуравий ишларнинг асосий вазифаларини бажаришда, турлича ғоявий – тарбиявий формалар ишлатилади. Улар қаторига халқ маорифи тизими, матбуот, телевидение, радио ва бошқалар киради. Мафкуравий ишда китобга энг муҳим ўрин ажратилиб, жамиятда аҳолини сиёсий ва маданий тарбиялашда асосий восита ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда китоб ва китоб нашриётчилиқ иши бир мунча йўлга қўйилган. Собиқ Шўролар даврида китоблар 145 тилда нашр этилиб, шу жумладан 89 МДХ халқлари ва 56 чет эл халқлари тилларида чиқарилган. Ижтимоий-сиёсий адабиёт мамлакатимизда чиқадиған китобларни тўртдан бир қисмини ташкил этарди.

Жами 80 йил ичида яъни 1917-1997 йилларда ижтимоий-сиёсий ва социал – иқтисодий китоблар ва брошюралар 470 минг номдан ортиқ бўлиб уларнинг тиражи 9 млн. нусхадан кўпроқ нашр этилгандир.

Ижтимоий-сиёсий адабиёт ўз тематикаси ва вазифаси бўйича турлича бўлади. Бу адабиётлар ичида атоқли файласуфлар, иқтисодчилар, жамоат арбоблари асарлари, давлат хужжатлари, юридик ва тарихий фанларга оид адабиётлар етакчи роль ўйнайди. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ўз даврини долзарб масалаларига бағишланиб чиқарилган ва чиқиб келмоқда.²

Ижтимоий-сиёсий адабиётларни китобхонларга мўлжалланиши ва бу китобларда материалларни ёритилишига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Бош манба асарлар.
2. Илмий – тадқиқот ишлари.
3. Ўқув адабиётлар.
4. Оммавий адабиётлар.
5. Амалий қўлланмалар.
6. Маълумот адабиётлар.

Бош манбалар адабиётлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу манбалар негизида давлатимизнинг олиб бораётган барча ғоявий, мафкуравий, сиёсий, тарбиявий ишлари ётади. Бу материаллар ижтимоий фанлар асосини ташкил этади.

² Нашриётларнинг фаолияти шаънида тыларо= " Китобшунослик ва китоб тарихи" курсида мукаммал ытилади.

Илмий – тадқиқот ишлари якка шахс, ёки бир гуруҳ олимлар томонидан ижтимоий фанлар юзасидан олиб борилган илмий ишларини йиғиндисидир.

Илмий тадқиқот ишларининг хажми, мазмуни ва сифати ижтимоий фанларни ривожига боғлиқ бўлади. Илмий тадқиқот ишлари икки хил бўлади:

А) монографиялар,

Б) умумлаштирилган илмий тадқиқот ишлари.

Ижтимоий-сиёсий ўқув адабиётлари энг муҳим нашр турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Китобхонларнинг кўп миллионли армияси, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, бошқа маориф билим юртларининг турли тизимларида ижтимоий-сиёсий ўқув адабиётларини ўрганадилар. Шунинг учун барча ўқувчиларни ўз вақтида дарсликлар ва ўқув адабиётлар билан таъминлаб, турли юқори малакали кадрларни тайёрлашда, уларни сиёсий онгини оширишда, маданий ва умумтарбиявий даражасини ўстиришда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Охирги йилларда ўқув адабиётларни сифатини яхшилаш борасида жуда катта ва сермахсул ишлар қилинди. Ўқув адабиётлари қуйидаги хилларда нашр этилади:

а) дарсликлар, б) ўқув қўлланмалар, в) программа материаллар, кўргазмали қуроллар

Кенг китобхоналар гуруҳига мўлжалланган оммабоп китоб ва брошюралар оммавий ижтимоий-сиёсий адабиётлар деб номланади.

Улар ҳажми катта бўлмай содда ва китобхонларга тушунарли бўлган тилда ёзилади.

Оммавий-ижтимоий – сиёсий адабиётлар: а) илмий – оммабоп б) тарғибот-оммабоп адабиётларга бўлинади.

Илмий – оммабоп адабиётлар ижтимоий фанлар ютуқларнинг оммалаштирувчи, турли назарий ва тарихий мавзуларга бағишланган китоб ва брошюралардан иборат.

Тарғибот – оммабоп адабиётлар – давлат қурилишининг долзарб масалаларига доир, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига, халқаро муносабат масалаларига, яъни ҳозирги замон ижтимоий амалиётга доир китоб ва брошюралардир.

Тарғибот – оммабоп адабиётлар кенг китобхоналар аудиториясига мўлжалланади. Унинг мавзуси ҳозирги давр долзарб масалаларига бағишланган бўлади. Тарғибот – оммабоп адабиётларни нашрлаш ва тарқатилиши тезкорликни талаб этади.

Амалий қўлланмалар – ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида ёрдам берувчи ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўзига хос хусусиятига эга бўлган турларидан биридир. Амалий қўлланмалар ижтимоий фанларнинг ҳаммасига ҳам мансуб эмас. Амалий қўлланмалар

қаторига давлат, қасаба уюшма, қамолот ёшлар жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг амалий фаолиятига бағишланган, уларни иш тажрибаларини ёритадиган китоб ва брошюралар қиради.

Амалий характердаги адабиётларнинг таркибий қисмини, саноат ва қишлоқ хўжалиги иқтисодига доир илғор тажрибаларни ёритувчи китоб ва брошюралар ташкил этади. Амалий қўлланмалар қаторига тарғибот ишларининг услубиятига доир қўлланмалар ва бошқа шунга ўхшаш иш тажрибаларини тарғибот қиладиган адабиётлар қиради.

Ижтимоий сиёсий маълумот адабиётлари деганда турлича энциклопедиялар, луғатлар, маълумотномалар, воқеалар солномаси ва бошқа шунга ўхшаш адабиётларни тушунмоқ лозим. Маълумотнома адабиётлар турлича назарий, тарихий, фактик ва рақамли материалларни қисқа баёнидан иборат бўлиб, керакли материалларни тез ва осон топишга ёрдам беради.

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги маълумотнома адабиётлар қуйидаги турларга бўлинади:

а) тармоқ энциклопедиялар ва луғатлар б) справочниклар в) статистик тўпламлар г) воқеалар хроникаси д) муҳим саналар календари е) тарихий жойлар йўлномалари.

Юқорида келтирилганлар ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг турлари уларнинг барча кўринишларини албатта тўлиқ акс эттирмайди. Бу адабиётларнинг турлари орасидан бир-бирларини ажратиб турувчи кескин чизиқни ўтказиб бўлмайди. Чунки баъзи пайтларда бир тур адабиёт иккинчи тур адабиётига ўтиб кетиши мумкин ёки бир тур адабиётда бошқа мазмундаги материаллар ҳам акс эттирилиши мумкин. Албатта бундан келиб чиқиб ижтимоий-сиёсий адабиётларни танлаш, уларни характерини аниқлаш ва китобхонларга тўғри тавсия этишда катта ёрдам беради.

Ижтимоий сиёсий вақтли матбуот.

Газета ва журналлар матбуот маҳсулотининг муҳим формаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Уларни саҳифаларида юқорида келтирилган барча тур адабиётларга мансуб материаллар нашр этилади. Ҳозирги кунда фақат «Шарқ» матбуот – полиграфия концернини ўзи 20 номда газета ва 18 номда журнал нашр этади. Республикамизда жами Вақтли матбуотнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг тезқорлиги ва барча аҳоли ўртасида тарқатилишидир.

Давлатимиз вақтли матбуот асарларини ривожлантиришга доим ғамхўрлик қилиб келади. Президентимиз И.А.Каримов «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири саволларига берган жавобларида «Тараққиёт ва ўзгаришларга тўлиқ бўлган бизнинг давримизда оммавий ахборот воситаларининг роли ошиб бормоқда» - дедилар.

Газета ва журналларининг саҳифаларида ҳаёт ютуқлари ва зиддиятлари жўш ура бошлади, аналитик ва гражданлик туйғуси

янада ошди, муаммолар жиддий равишда қўйилиб, камчиликлар ва нуқсонлар аниқ танқид қилинадиган бўлиб қолди.

Ҳозирги оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанглиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Президентимиз уларни яратувчанлик воситаси деб, тор маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка мурасасиз бўлган умуминсоний нуқтаи назарнинг ифодачиси деб билади.

Оммавий ахборот воситаларида чуқур мулохаза, тезкорлик қанча кўп бўлса, тасодифий, сенсацион хабарлар кетидан қувиш қанча кам бўлса уларнинг иши шунчалик самарали бўлади.

Газеталар матбуотнинг энг тезкор ва энг кўп тарқалган формаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Газеталар-давлат, турли ташкилотлар, касаба уюшмалар, Камолот ва бошқа жамоат органлари бўлиб улар оммавий нусхаларда Ўзбекистон халқларининг турли тилларида нашр этилади. Марказий газета Республиканинг барча аҳолисига мўлжалланиб чиқарилади.

Чиқиш жойига қараб газеталар марказий ва маҳаллий бўлади. Маҳаллий (ўлка, вилоят, шаҳар, туман, маълум ташкилот ва муассасалар) газеталари турли уюшма, жамоат ташкилотлари томонидан нашр қилинади. Газеталар ўз мазмуни ва китобхонларга мўлжалланишига қараб умумсиёсий ва маълум ихтисосга мос чиқарилади.

Умумсиёсий газеталар мазмуни анча кенг ва китобхонларнинг барча қатламларига мўлжалланади. Улар орасида ўз моҳияти билан муҳим «Халқ сўзи» газетасида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини акс эттирувчи сиёсий, давлат, хўжалик ва маданий масалаларига доир долзарб материаллар нашр этилади.

Махсус газеталар одатда китобхонларнинг маълум гуруҳига мўлжалланиб уларнинг тематикаси ҳам ўзига мосдир. (Масалан, «Маърифат», «Адабиёт ва санъат» ва бошқалар). Улар тегишли министрликлар, кўмиталар ва ташкилотлар органи бўлиб ҳисобланади. Барча юқорида келтириб ўтилган газеталарда ижтимоий-сиёсий мавзудаги материаллар асосий ва салмоқли ўринни эгаллайди, шунинг учун уларнинг ҳаммасини ижтимоий-сиёсий адабиётларни таркибий қисми деб ҳисоблаш мумкин. Ижтимоий-сиёсий журналлар, газеталар давлат, илмий ва жамоат ташкилотлари нашрлари бўлиб ҳисобланади. Булар ҳам чиқиш жойига қараб марказий ва маҳаллий нашрга бўлинади.

Тематикасига (ёки мазмунига) қараб умумсиёсий ва тармоқли журналларга бўлинади.

Китобхоналарга мўлжалланиши бўйича ижтимоий-сиёсий журналлар қуйидагича бўлинади:

а) давлат ва жамоат нашрлари б) илмий в) оммавий г) ишлаб чиқариш касбкорларига мўлжалланган.

Илмий журналлар – юқори малакали китобхоналарга мўлжалланган бўлиб, уларни марказий органи илмий ташкилот бўлиб, уларда илмий мақолалар чоп этилади. Бу журналлар йирик илмий ташкилотлар ва муассасалар томонидан нашр этилади.

Масалан: «Ўзбекистон ижтимоий фанлари», «Фалсафа масалалари», «Давлат ва ҳуқуқ» ва бошқалар.

Оммавий журналлар – оммабоп сиёсий журналларга ва илмий оммабоп журналларга бўлинади.

Оммабоп - сиёсий журнал намунасида Ёшлар ҳаракати органи «Ёш куч» ни мисол қилиш мумкин.

Илмий-оммабоп журналларни сони жуда кўп ва уларни аудиторияси ҳам анча кенгдир.

Оммабоп журнал қаторига иллюстрациялаштирилган ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабий, «Гулистон» «Саодат», «Муштум» кабилар мансубдир. Ишлаб чиқариш касбкорларга мўлжалланган журналлар орасида, «Библиотекарь», «Китоблар олами» ва бошқалар мавжуд.

II-боб. ЖАМИЯТНИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МАЗМУНДАГИ БИБЛИОГРАФИК АХБОРОТГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖИ

1-Ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўқиш важлари ва библиографик ахборотга бўлган мурожаатлари

Жамиятни ахборотга бўлган талабини қондиришда, инсоният томонидан жамғарилган социал ахборотни кўп қисмини ўзида мужассамлаштирувчи ижтимоий-сиёсий адабиётларга асосий ўрин ажратилади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларни ўрганиш турлича социал институтлар, меҳнат жамоалари ва айрим шахсларни, ўсиб келаётган ёш авлодни турли фаолиятига боғлиқдир. Асосий йўналишга қараб ижтимоий-сиёсий адабиётларни иш юзасидан ўрганувчилар ёки мустақил билим олиш учун ўрганувчиларга ажратиш мумкин.

Иш юзасидан китоб ўрганувчилар гуруҳи одатда, ўқиш жараёнида, касбий ёки ижтимоий-сиёсий фаолиятларида ахборотга бўлган эҳтиёжлари пайдо бўлади.

Кишиларни иш фаолиятида ўқиладиган китобни мазмуни ва сонини такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра улар уч асосий китобхонлар гуруҳига ажратилади.

1.Ижтимоий-сиёсий адабиёт - ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлган китобхонлар;

2.Ўқиш мақсадида ижтимоий-сиёсий адабиётларга мурожаат этадиган китобхонлар;

3.Жамоат ишларини олиб бориш жараёнида ижтимоий-сиёсий адабиётларга мурожаат этувчи китобхонлар.

Китобхонларнинг юқорида келтирилган гуруҳи орасида уларни илмий, ишлаб чиқариш, ўқув ва жамоат ишларини муайян фаолиятига қараб яънада алоҳида китобхонлар гуруҳига ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ китобхонлар орасида қуйидаги гуруҳларни: илмий ходимлар, олий, ўрта, умум таълим ва махсус мактаблар ўқитувчилари, ёшлар кўмитаси ва касаба уюшмалари ишчилари, халқ - хўжалиги ва маданият ходимлари, маъмурий-бошқарув кадрларини.

Иккинчи гуруҳ китобхонлар орасида эса қуйидагиларни келтириш мумкин: олий ўқув юрти ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, ўрта мактаб юқори синф, лицей ва коллежлар ўқувчиларини, иқтисодий билимлар маориф тизимининг тингловчилари, буларни китобга бўлган эҳтиёжлари уларнинг ўқишларини типи ва мазмунидан; ўқув режалари ва дастурлардан ва умум тайёргарликларидан келиб чиқади.

Учинчи гуруҳ китобхонларини бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин: ташвиқотчилар, ёшлар ижтимоий ҳаракати ва касаба уюшма фаоллари ва мураббийлар, давлат бошқарув ва жамоат бошқарув органларида иштирок этувчи шахслар, халқ ноиблари, маҳалла кўмита фаоллари ва бошқаларга ажратиш мумкин.

Турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларидан бири кенг халқ оммасини замонасининг долзарб муаммоларидан кенг ахборотга эга бўлишлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатларидан хабардор бўлишларидан иборатдир. Бу эса китобхонларни мустақил билим олиш йўлидаги китобга бўлган эҳтиёжларини пайдо бўлиши ва ривожланишида мустаҳкам пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Мустақил билим олувчи китобхонлар гуруҳини типларга бўлиш асосида ўрта махсус, умумий ўрта маълумотга ва тугалланмаган ўрта маълумотга эга бўлган китобхонларга ажратиш мумкин. Бундай гуруҳларга бўлиниш албатта шартли. Уларни яна социал-демографик хусусиятларга қараб бўлиш мумкин: ёши, миллати, жинси, ва х.к.

Ишлаб чиқариш фаолияти ва мустақил билим олиш учун китобларга бўлган эҳтиёжлар кўриниши бўйича ҳар хил бўлишига қарамай, улар меҳнаткашларни дунёқарашларини шакллантириш, ахлоқийликни тарбиялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини такомиллаштиришда бир бирларини тўлдириб бориб, бир вазифани бажарадилар.

Ташқи ва ички факторлар таъсири остида китобхонлар фаолиятининг маълум поғонасида уларни библиографияга бўлган эҳтиёжлари пайдо бўлади. Бу талаблар жамоа ёки якка ахборот талабларини тузилишига мансуб бўлиб, тобора ўсиб борадилар.

Шундай қилиб кутубхоналарда ўқишга бўлган қизиқишларни ҳисобга олиб айрим гуруҳларни ажратилишига қараб библиографик қўлланмаларни ҳам шу китобхонлар гуруҳига мўлжаллаб чиқариш ва уларга библиографик хизмат кўрсатиш мумкин.

Жамиятшунослик бўйича библиографик ахборотга бўлган жамоа ва якка (якка шахс) талабларининг тузилиши

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотга бўлган жамоа ва якка шахс талаб ва эҳтиёжлари бутун жамиятни библиографик эҳтиёжларининг ёрқин ифодасидир.

Мазмунига қараб жамоа ва якка шахс библиографик эҳтиёжларни икки типга бўлиш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ китобларга бўлган талаблар.
2. Мустақил билим олиш билан боғлиқ китобга бўлган талаблар

Биринчи тип библиографик талаблар ташқи кўриниши бўйича ёрқин бир-бирига ўхшаш, деярли турғун ва интенсив, жамоа ва якка талаблар бирлигига эга бўлиб ишлаб чиқариш ва ўқув жамоаларни, меҳнаткашларнинг жамоа бирлашмалари ва жамиятнинг айрим шахсларини бир хил талабларини қондиришга қаратилганлик хусусиятига эга. Бу библиографик талабларни қондириш: 1) кишиларни дунёқарашини шаклланиши ва меҳнаткашларни ватанпарварлик ғоялар руҳида тарбиялашга, 2) халқ хўжалиги ва маданият ходимларини, халқ маориф тизими ходимларини тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш, 3) белгиланган аниқ илмий ва ишлаб чиқариш режаларини бажаришга, 4) меҳнаткашларни ижтимоий-сиёсий фаолиятини жадаллаштиришга ёрдам беради.

Юқорида келтирилган библиографик талаблар қуйидаги мақсадларни кўзда тутиб қондирилади:

- а) илмий-тадқиқот олиб бориш жараёнида,
- б) ўқитувчиларни библиографик эҳтиёжларини қондириш,
- в) давлат бошқарув, уюшма ходимларининг талабларини қондириш (ИРИ, ДОР),
- г) давлат режаларини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш органлари, хўжалик раҳбарлари, ишлаб чиқармайдиган шахобчаларининг талабларини қондириш,
- д) ўқиш мақсадини кўзда тутиб, библиографик талабларни қондириш,
- е) жамоат ишлари билан шуғулланувчи китобхонларни библиографик талабларини қондириш (тарғиботчилар)

Мустақил билим олишдаги библиографик эҳтиёжлар мавзуи тузилиши, чуқурлиги ва интенсивлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Улар узок йилларга мўлжалланган ёки тез ўзгарувчан, мавзуи ранг-баранг ёки бир мазмунда бўлишлари мумкин. Бу эса китобхонларни умумтаълим ва малакали савиясига, инсоннинг сиёсий маданияти ва сиёсий активлигига, жамоат, ўқув муассасаларида, оилада китобхонлик муҳити ва бир қатор факторларга боғлиқдир. Ушбу типдаги библиографик эҳтиёжларни шаклланиши ва ривожланишига турмуш тарзи, нашриётчилик сиёсати, оммавий ахборот ва тарғибот воситаларини ривожланганлиги, кутубхона ва библиографик хизмат билан аҳолини таъминлаш даражаси салмоқли таъсир этади.

Олий малакага эга бўлган, фаол жамоатчи, сиёсий ва иқтисодий китобларни доимо ўрганиб борувчи китобхонларни мустақил билим олишга мўлжалланган библиографик қўлланмаларга эҳтиёжлари янада кучлироқ бўлади. Улар кўпинча жорий библиографик ахборот органларига тармок, мавзули, шахс, мамлакатшунослик ва

ўлкашунослик тавсия библиографик қўлланмаларига мурожаат қиладилар.

Ўрта ва тўлиқ маълумотга эга бўлган китобхонлар ўз библиографик эҳтиёжларини кўпинча дўстларини, оила аъзоларини, кутубхона ходимларини маслаҳати ва тавсияга кўра қондирадилар. Улар вақтли матбуот саҳифаларидаги библиографияларга ва гоҳи тавсия библиографик қўлланмаларга мурожаат қиладилар.

Барча гуруҳ китобхонлар орасида ҳоҳ улар касблар учун библиографиядан фойдалансинлар, ҳоҳ мустақил билим олишдан қатъий назар ўсмирлар алоҳида китобхонлар гуруҳини ташкил қиладилар. Уларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Жамиятни жамоа ва якка библиографик эҳтиёжлари доимо ўзгарувчан бўлади, улар бойиди, мураккаблашади. Уларни доимий ўрганиш жараёнидагина ишлаб чиқаришни янги библиографик ахборот билан таъминлаш жамият қўл остида мавжуд бўлган библиографик жамғармалардан тўлиқ фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжларини мамлакатимизнинг илмий универсал маҳсус кутубхоналари ўрганиб боради.

Бу ишда оммавий кутубхоналар, маданият институтлари ҳам иштирок этади.

60-80 йиллар бизнинг мамлакатимизда бундай илмий текшириш ишларни Россия давлат кутубхонаси, Россия миллий кутубхонаси, Россия оммавий тарихий кутубхонаси ва бир қатор республика, вилоят кутубхоналари ҳам олиб борган. Олинган натижалар, илмий мақолаларда, жамоа монографиялари, илмий ҳисоботлар ва ўқув адабиётларида ёритилган.

III-боб. ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ БИБЛИОГРАФИЯНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси библиографик билимларни муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳисобланади. Унинг асосий мақсади, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотга бўлган талабларини ҳар тамонлама қондириш, шу билан биргаликда ижтимоий-сиёсий библиографияни ташкил қилиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш. Бундай хусусият ижтимоий фанларнинг ривожланиши ва жамиятшунослик буйича ҳужжатлар тизимини таъминлашдир.

Ижтимоий фанлар юзасидан қилинган библиографик ишлар жамиятда муҳим давлат аҳамиятига эга. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли ривожланишида ва халқнинг дунё қараши ўзгаришида асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Олимларимиз томонидан қилинган бир қатор ишларда бутун мамлакат бўйлаб социал-иқтисодий адабиётнинг библиографиясини ташкил этиш масаласи ва шунингдек иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган чет эл адабиёти библиографиясини ташкил этиш масаласи кўтарилмоқда.

Биринчи иқтисодий библиографиянинг пайдо бўлиши 1922-1925 йилларга мансуб СТО «Меҳнат ва муҳофаза кенгаши» муассиси бўлиб ҳисобланган «Экономическая газета» саҳифаларида «Иқтисодий масалалар бўйича материалларнинг тизимли кўрсатгичи» мунтазам равишда нашр этилган.

Сиёсий ва иқтисодий долзарб масалалар бўйича тавсия библиографик кўрсатгичларни ташкил этишга жуда ҳам муҳим аҳамият берилган. Масалан, 1922 йил « Жаҳон ҳўжалигини ўткинчи босқичида РСФСРнинг электрофикациялаштириш» номли брошюрада тавсия адабиётлар рўйхати илова қилинган.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини янада яхши йўлга қўйиш ва услубий даражасини оширишга Президентимизнинг кўрсатмалари муҳим роль ўйнади. Ижтимоий фанлар бўйича библиографик фаолиятнинг асосида илмийлик принципи ётади. Бу принцип библиографиянинг асосий принципларидан бўлиб, ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан бирга бошқа ҳужжатларни акс эттирувчи социал-ахборот иши билан шуғулланувчи библиография фаолияти асосида чуқур идеалогик мазмун ётади. Бу ғоя адабиётларни танлашда, уларни таснифлашда ҳужжатларни, библиографик

қўлланмаларни мавзуси бўйича ажратишда, библиографик тарғиботнинг форма ва усуллари қўлашда замон тақозо этган сиёсат борасида ёндошишни назарда тутди.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг ахлоқий, тарбиявий принциплари билан бирга унинг илмийлиги, демократлиги мавжуддир. Ахлоқий принципни тарбиявийлиги, илмийлиги ижтимоий сиёсий адабиётлар библиографиясини ижтимоий фанлар билан бирга боғлаб олиб боришдадир.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларни демократик характери бу библиографияни жамиятнинг барча синф ва социал табақалари орасида тарқатилишида ва библиографияни меҳнаткашларни социал шароити, касбий, миллий, хусусиятлари, ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб боришида ифодаланади. Ижтимоий-сиёсий адабиётларни давлат аҳамиятига эга бўлган характери бу библиографияни давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосида олиб борилишида ифодаланади. Давлат режа асосида библиографик ишни йўлга қўяди, уни координациялаштиради ва библиографик ахборот ишларини сифатини оширишда ёрдам беради.

Жамиятшунослик борасида ижтимоий ҳаёт ва библиографик фаолият ўртасида диалектик ўзаро муносабат мавжуддир. Шунинг учун ҳам ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси жамият тараққиётига қараб ривожланади ёки турғунликка учрайди.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг функциялари қуйидагилар:

1. Илмий ёрдамчи функция.
2. Идеалогик функция.
3. Ахлоқий функция.
4. Ташкилий - бошқарув функция.
5. Касбий ишлаб чиқариш функцияларидир.

Бу функциялар библиографик фаолият жараёнида бир-бирлари билан боғланиб кетади. Бундай ҳолат ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини иккита йирик бўлимларга бўлиниши ва шу тариқада кўриб чиқишни талаб этади: а) илмий ёрдамчи, б) тавсия библиографияси.

Илмий ёрдамчи библиографияда идеалогик, ташкилий бошқарув, маълум миқдорда малакали ишлаб чиқариш функциялари акс этади. Шундай қилиб илмий ёрдамчи библиография ахборот талабларини қондириб бориб улар илмий-текшириш, идеалогик, бошқарув фаолияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш амалий фаолиятини бу ахборот билан таъминлаб боради.

Тавсия библиографияларда ахлоқий ва идеалогик функциялар бирга олиб борилиб, бунда шунингдек касбий ишлаб чиқарув функцияси ҳам қисман акс этади.

Ижтимоий-сиёсий тавсия библиографияси меҳнаткашларни умумтаълим даражасини, сиёсий маданиятини, ижтимоий-сиёсий

фаоллигини ошириш, иқтисодий билимлар доирасини кенгайтириш, малакали билимларни такомиллаштириш ва бошқа хусусиятларни тарбиялашда хизмат қилади. Илмий ёрдамчи ва тавсия библиографияларини бир-бирларидан ташкилий структураси бўйича, библиографик фаолиятларининг форма ва усуллари билан, библиографиянинг аниқ объекти ва библиографик хизмат қилиши билан фарқ қилади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясида фалсафа библиографияси, сиёсатшунослик, сиёсий тарих, иқтисод, умумтарих, давлат ва ҳуқуқ, сиёсий фанлар, халқаро муносабат ва мамлакатшунослик, ахлоқшунослик, ҳарбий иш каби библиографик турлари ташкил топди ва ривожланди.

IV-боб. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МАЗМУНДАГИ БИБЛИОГРАФИК МАНБАЛАРНИНГ ТАСНИФИ, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАРҚАТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси фаолиятининг воситаси ва сўнгги натижаси ижтимоий-сиёсий мазмундаги ахборот бўлиб ҳисобланади. Бу иш ҳужжатларни ёзма ёки оғзаки йўллари орқали ҳисобга олиш билан бирга олиб борилади. Бундай ахборотлар бошқа тур ахборотлар орасида таркибий қисми ва табиати бўйича энг мураккаб библиографик қўлланмаларда акс этган ахборотдир.

Ижтимоий фанлар, ғоявий-тарбиявий ишлар, ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти мустақил билим олишларини библиографик таъминлашда библиографик қўлланмалар марказий ўринни эгаллайди.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар барча тармоқ библиографик - қўлланмаларга ҳам киритилади, аммо ижтимоий-сиёсий мавзуга оид библиографик қўлланмалар бундай адабиётлар ҳақидаги маълумотни узлуксиз равишда ҳар томонлама тўлиқ акс эттиради. Бундай кўрсаткичларни тузиш таснифи турли хусусиятларига қараб ажратилади. Мақсади ва китобхонларга мўлжалланиши бўйича бундай библиография илмий-ёрдамчи, касбий-ишлаб чиқариш, тавсия қўлланмаларига бўлинади. Илмий ёрдамчи библиография: илмий ходимлар, олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчилари, тарғиботчиларга, давлат, ёшлар иттифоқи, касаба уюшма раҳбар ходимлари, хўжалик раҳбарларига мўлжалланган бўлади. Касбий ишлаб чиқариш библиографияси юқори малакали амалий иш билан шуғулланувчи мутахассисларга мўлжалланади. Тавсия библиографик қўлланмалар ўқув жарёнини олиб боришга, маъруза ва бошқа жамоат ишларини олиб боришга ва шунингдек оммавий ахборот ишини ва мустақил билим олишга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Ёшлар учун мўлжалланган тавсия библиографик қўлланмалар алоҳида бўлимни ташкил этади. Фаол мақсадига кўра булар кундалик, ретроспектив ва переспектив библиографияга бўлинади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси орасида ретроспектив библиографик қўлланмалар салмоқли ўрин эгаллайди, чунки бундай библиографияга жамиятшунос олимлар талаби кўпроқдир.

Библиографиялаш объектининг мазмунига қараб соҳалараро, умумтармоқли мавзули (соҳа ичидаги), муаммо-мавзули (соҳалараро), персонал (бир шахсга бағишланган) мамлакатшунослик ва ўлкашунослик библиографик қўлланмаларга ажратилади.

Библиографик қўлланмаларни тузиш пайтида уларнинг объекти сифатида китоблар билан бир қаторда нашр этилмаган, экран ва товуш ахборот воситаларининг намоёндалари ҳам киритилади. (Кино,

магнитофон ёзувлари, граммпластинка ва бошқ.) Булар билан бир қаторда мавзуни тўлароқ очиб беришга ёрдам берувчи библиографик қўлланмалар ҳам киритилади.

Библиографиялаш объектига қараб ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- йирик файласуф, иқтисодчи, давлат арбобларининг кўрсаткичлар (обзорлари, рўйхатлари).
- Давлат ҳужжатлари кўрсаткичлари:
- Давлатнинг кўзга кўринган арбоблари асарларининг кўрсаткичлари:
- Тарихий манбалар кўрсаткичлари:
- Справка адабиётлари кўрсаткичлари:
- Ижтимоий фанлар бўйича диссертациялар кўрсаткичлари:
- Депонирование қилинган қўл ёзмалар кўрсаткичлари:
- Кўргазмали куруллар, экран ва товуш ахборот воситаларининг кўрсаткичлари.

Булар библиографик кўрсаткичлар шаклида ёки китоблар ён бағрида, журналлар, газеталар ичида библиографик материал сифатида нашр этилиши мумкин. Бу кўрсаткичлар бирор кутубхонанинг фонди билан боғлиқ бўлиши шарт эмас. Улар маълум фондни тўлдириш ёки тўлмаслиги билан боғлиқ бўлмайди. Қимматбаҳо китоблар йиғиндилари, вақтли матбуот, (кутубхоналарга келган янги ижтимоий-сиёсий адабиётлар рўйхатлари ва шунингдек, нашриёт ва китоб савдо библиографик қўлланмалари булардан истиснодир).

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақидаги маълумотларни кутубхона, илмий ахборот муассасалари, китоб палаталари, архивлар, китоб савдо ташкилотларининг каталог ва катотекаларидан олинади. Бизнинг мамлакатимизда чиқариладиган библиографик қўлланмаларда Ватан адабиёти ва шунингдек чет эл адабиёти ҳам кенг акс эттирилади: кўпгина кўрсаткичлар бир, икки ва бир неча тиллардаги адабиётларни ёритиб беради.

Жамиятни ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси олдида қўйган асосий мақсадлари уларни характери, мазмуни, мавзуси-давлатнинг стратегияси ва тактикасига жавоб бера оладиган бўлишга, ҳаётимизнинг ички ва ташқи долзарб масалаларини ёрита оладиган, ижтимоий фанларни ривожлантирган меҳнаткаш халқ ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, миллий истиқлол ва миллий мафкуравий тарбиялаш ишига жавоб бера олишдадир.

Библиографик қўлланмалар тизими шулардан келиб чиқиб ташкил топади. Лекин бундай ривожланиш, назарий ва услубий ўзаро муносабатлардан келиб чиқади. Шунини айтиб ўтиш керакки, илмий – ахборот ва тавсия библиографиясининг ривожланиши бир ҳил бўлмайди. Илмий-ёрдамчи библиография ривожланиш жараёнида

Ўзидан олдин мавжуд бўлган кўрсаткичлар орқали бойиди. Олдин чиққан илмий – ахборот библиографиялари одатда эскирмайди, балки маълум вақт ўтиши билан уларни қиммати ошади. Шунинг учун ҳам кутубхоналар ўзларининг справка - библиографик аппаратларида кўпроқ олдин чиққан (10-20й. илгари чиққан) кўрсаткичларни киритадилар. Бу кўрсаткичлар асосан олимлар томонидан фойдаланилади. Эски кўрсаткичларда акс эттирилган кўпгина адабиётлар янги кўрсаткичларда бўлмаслиги мумкин.

Олимлар назарига тушган олдин нашр этилган кўрсаткичлар вақт ўтиши билан тўлдирилиб қайта нашр этилади. Бир-бирини тўлдириб боровчи янги библиографик кўрсаткичлар тизимини тузишда мавжуд бўлган кўрсаткичларда ишлатиладиган услубий принциплардан кенг фойдаланилади.

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги тавсия библиографик қўлланмалар тизими доимо янгиланиш хусусиятига эга. Буларни тез-тез янгиланиб туришига жорий давлат ҳужжатларини қаблул қилиниши, йирик сиёсий ва ҳўжалик компаниялари ўтказилиши, халқаро ҳаётдаги муҳим воқеалар ва тарихий воқеаларни нишонланиши кабилар асосий сабаб бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси мазмуни, функцияси, жойлашган жойи, типи, ташқи кўриниши ва бошқаларга қараб шаклланади. Унинг муваффақиятли мақсадга эришиши библиографик қўлланмаларни тузишда унга фақат комплекс ёндашгандагина амалга оширилиши мумкин, чунки системанинг барча элементлари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Бу эса библиографик ишларни жиддий координациялашга боғлиқ бўлади. Фақат шу масалаларга риоя қилинган пайтдагина библиографик қўлланмаларни мазмуни ва услубий аспектиларини асосий бўлинмалари ва айрим элементлар бирлигига эришиш мумкин. Шу асосида ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг намунавий «Модел»ни яратиш мумкиндир. Бинобарин, шу йўл билангина библиографик фаолиятини яънада кўпроқ автоматлаштириш йўлига ўтишга эришилди. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақида тўлароқ ахборот олиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақидаги баъзи етарли бўлмаган маълумотларни бошқа тармоқ библиографиялардан ва шунингдек универсал библиографик манбалардан ҳам олиш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳақидаги маълумотларни библиографик қўлланмалардан ташқари, аналитик-синтетик обзорлардан, тарихшунослик тақризлардан, ва манбаашунослик ишларидан вақтли матбуот асарларининг тарихига оид китоблардан ҳам олиш мумкин. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотни-салмоқли қисми кутубхоналарнинг кутубхона-

библиографик ва илмий ахборот фаолияти натижасида яратилади ва тарқатилади.

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотни олиб бориш ишида ва меҳнаткашлар, ўқувчилар ва ёшларни библиографик таъминлашда етакчи ролни мамлакатимизнинг универсал ва махсус кутубхоналари, ҳужжат ресурслари марказлари олиб борадилар. 1970 йиллардан бери ижтимоий фанлар бўйича илмий-ахборот органлари ҳам шу билан шуғуллана бошлади.

Кутубхоналар аҳолининг барча табақаларига кутубхона хизматини кўрсатадилар. Улар ижтимоий-сиёсий адабиётларни жорий ахборотини олиб борадилар, маълумот библиографик фаолиятни маркази бўлиб ҳисобланадилар, ижтимоий-сиёсий масалаларга доир энг яхши Ватан ва чет эл адабиётларини тавсия библиографик методларидан фойдаланиб тарғибот қиладилар.

Илмий ахборот органлари олимлар, олий ўқув юрти ўқитувчилари, раҳбар ходимлар, мутахассислар ва амалий фаолият билан шуғулланувчи ходимларни иш соҳаларига қараб тегишли библиографик ахборот билан таъминлаб борадилар. Уларни ўзига ҳос хусусиятларидан бири китобхонларни ижтимоий-сиёсий мазмундаги барча нашр этилган ва нашр этилмаган манбалар билан аналитик-синтетик обзор ва рефератлар орқали таништиришади. Бутуниттифок ва халқаро тармоқли автоматлаштирилган тизимларни ташкил этилиши библиографик эҳтиёжларни тўлиқ ва тезкор таъминотига имкон яратади.

Махсус тармоқли ва универсал нашриётлар олдиндан ҳабар берувчи библиографик – ахборот ишларини олиб борадилар. Бунинг учун улар чиқишга мўлжалланган адабиётлар рўйхатини ўқув режаларини вақти-вақти билан нашриёт каталогларини нашр этиб турадилар.

Китоб савдо шохобчалари ҳам ўз вақтида янги чиққан ёки фондида мавжуд бўлган олдинги нашрлар ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб борадилар. Оммавий ахборот ва тарғибот органлари бўлиб ҳисобланган радио, телевидение, вақтли матбуот компьютер сайтлари библиографик ахборотнинг эффектив каналларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини ривожлантиришдаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бир қатор олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари керакли кадрларни, турли соҳа мутахассисларини тайёрлаб боради.

Боб V. Ижтимоий фанлар библиографиясининг тарихи

Фан тарихи ўзининг илдизлари билан инсоният фаолиятининг қадим давларига боғланади. Оддий жисмоний меҳнатдан бошланган фаолият аста-секин қоғозга тушиб, аввало сода шаклда, сўнгра эса мураккаблашиб бораверди. Фанлар ўзининг бошланишида фақат аниқ далилларга таянган ҳолатда маълум воқеа ва ҳодисаларни ёритиб берган. Шунинг учун дастлабки маълумотлар фақат амалий характерга эга бўлган. Бу фанлар инсонга услубий ёрдам бериб, уларнинг ҳаётий фаолиятини бошқариб боради. Шундай, келгусида бўлажак фанларни асосини ташкил этувчи билимдар қадимги шарқ (Вавилония, Хитой, Миср, Хиндистон) мамлакатларида тўпланган бўлади. Фан пайдо бўлиши учун бир қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлиши, яъни ишлаб чиқаришни ва ижтимоий муносабатларни юқори даражада бўлиши (бундай ҳолат жисмоний кўл меҳнати ақлий меҳнатга аста-секин айлантириб боради ва ўзидан ўзи мунтазам равишда ўз устида ишлашни талаб этади), шунингдек, турли халқ ва элатларни орттирган анъаналарни ўзлаштириш учун юқори маданиятга эга бўлиши керак.

Бундай шарт-шароитлар эрамыздан аввалги 6 асрда қадимги Грецияда пайдо бўлди. У ерда табиат, жамият ва тафаккур ривожланиш қонунларини шакллантирувчи дастлабки тизими ишлаб чиқилди. Бу давларда таълимнинг маълум шакллари (геометрия – Евклид, механика- Архимед, астрономия-Фтолмей) пайдо бўлди. Ўрта асрлар даврида Фан ривожига Шарқ ва Ўрта Осиё олимлари жуда катта ҳисса қўшганлар (Ибн-Сино, Беруний, Ибн рушт ва бошқалар).

Фан тўғрисидаги ҳозирги тушунча XVI-XVII асрларга келиб шаклланади ва фан соҳалари маълум фанлар тизимини ташкил этади. Ва уларни уч асосий йирик гуруҳга шартли бўлиш мумкин. Яъни табиий, ижтимоий ва техникага доир фанлар.

Тармоқ библиографиясини яратишда эса маълум соҳа мутахассисликларини бўлиниши асосий ўринни эгаллайди. Бундай ҳоллар ўрта аср олимларига ҳам маълум эмас ва уларнинг билимлари турли соҳа манбааларига таянар эди. Олимлар тор доирадаги билимларга қизиқиши кучайиши билан манбааларни кўпайиши ва бу манбаалар орасидан кераклигини топиш учун соҳа библиографияси пайдо бўлади. Ўрта аср олимлари ўз давларида турли фанлардан иборат маълумотларни ўқитар эдилар. Бу фанлар йиғиндиси «Етти эркин санъат» фанлари деб аталган бўлиб, булар қаторига: грамматика, риторика, логика, ер ўлчовига монанд геометрия асослари, арифметика, мусиқа, астрономия, физика, метофизика, этика кабилар кирар эди. Ўрта асрларда ташкил этилган университетларда санъат ва теология факультетлари мавжуд бўлиб, бу ерда бир бирлари билан боғлиқ бўлмаган турли фанлар асоси ўқитилар эди ва бу билимлар

фанлар фанларнинг мураккаб ва мунтазам тизимини ташкил қила олмас эди. Биринчи, энг паст даражада бажарилган ҳуқуқ бўйича библиография Иоанн Невицуанно томонидан тузилган "Роспись книг по обоим правилам [каноническому и гражданскому доселе напечатаннѹх, составленная преславнѹм докторам обоим прав", деб номланган. Росписида Навитино мингдан ортиқ юридик соҳага оид китобларни ҳисобга олиб, уларни ўн беш бўлимда жойлаштирган ва бўлимлар ичида майда бўлимчалар ташкил этилган. Тузувчи Рим, Венеция, Падуя, Болонья, Милан ва бошқа кутубхоналар фондидан кенг фойдаланган ва библиографияга киритилган ҳар бир китобни «*de visu*» асл нусхасини кўрган. Бу росписни кейинчалик Тодвик Голес, Фихард Дон Дзеллетилар тўлдиришади ва бу библиография бир неча бор қайта нашрдан чиқади. Натижада XVI-XVII асрда юридик библиография XVI-XVII асрларнинг биринчи ун йилликларида. Уша пайтда ҳукм сураётган, кенг маънолик фалсафа фанининг ютуклари акс эттиради. Чунончи, фалсафа фанига илохий фанлар «черновиши» ва бошқалар ҳам мансуб бўлган. Биринчи шу мазмундаги иш Иоганн Яков Фризий томонидан «Хронолигическая библиотека классических авторов по философии» номи билан тузилган. Материалларни маълум бўлимларга ажратиш қийин бўлганлиги учун Фризий тасвирларни хронологик (асарни ёзганлигига қараб) тартибда жойлаштирган. «Хронолигическая библиотека...» 2 қисмдан иборат, биринчи қисмида 1500 файласуфларнинг ишларини акс эттиради, иккинчи қисмида 600 га яқин руҳонийларнинг ишларини ёритиб беради. 1598 йили Израэль Шпах «Именной указатель философских писателей» деб номланган кўрсаткични чиқарди ва 400 га яқин рубрикалар остида 4000 дан ортиқ муаллифларнинг асарларини жойлаштирган. XVI асрда тармоқ библиографияси суст ривожланган, бунга турли фанлардаги айниқса руҳоний фанлардаги келишмовчиликлар асосий сабабчи бўлди.

Тармоқ библиографияси хусусан XVII асрнинг иккинчи ярмида ва XVIII асрда ўз ривожини топди ва асосий икки йуналишда: китоб савдо фаолиятига ёрдам бериш; илмий ходимларга кўмаклашиш шаклида таркиб топади. Тарихий ва юридик фанларни ривожланиши шу йўсиндаги библиографияни тараққий этишига олиб келади. XVII асрда умумжаҳон ва бир мамлакатнинг тарихига оид талай ретроспектив библиографиялар пайдо бўлади. Бу қўлланмаларда тарих фани билан бир қаторда тарих фанига ёндошган манбаашунослик, манбааларни танқидига доир адабиётлар ҳам ёритиб берилган. Биринчи тарихий библиография Лейпциг шаҳрида 1620 йил Павел Болдуш томонидан «Историческая библиотека» номи остида чиқарилган. Библиографияда хрониклар рўйхати картографик материаллар, яъни манбаашунослик ва тарихий фанга ёрдамчи материаллар, сўнгра географик хусусиятга қараб тарихга доир ишлар,

айрим шаҳарлар тарихига, ҳудудларга доир ишлар, таниқли шахсларнинг таржимаи ҳоллари, турлича урушлар солномалари каби материаллар келтирилган. XVIII асрнинг бошларида Йен университетининг профессори Бурхард Струве томонидан тузилган яна битта «Избранная историческая библиотека...» номли кўрсаткич чоп этилади. Тузилиши бўйича библиографик обзорга ўхшаш бўлиб, уч мингга яқин муаллифлар рўйхати келтирилади.

Бир давлатнинг тарихига доир дастлабки кўрсаткич Францияда Андрей Дюжен ташаббускорлигида нашр этилиб, «Библиотека авторов и топографии Франции» номи остида нашр этилган. Кўрсаткич икки қисмдан иборат, биринчи бўлимида қадимги Галляга (Франциянинг аввалги номи) доир барча адабиётларни имкони борича тўлиқ акс эттирган. Иккинчи қисмида Франциянинг Рим ҳудудлари тарихига доир адабиётлар ёритилган. XVIII асрнинг энг кўзга кўринган йирик библиограф кўрсаткичи Жан Лелонг қаламига мансуб бўлган «Историческая библиотека Франции» деб номланади. Муаллиф 18 минг асарнинг тасвирини бериб, материалларни черков тарихи, сиёсий ва фуқаролик тарихи бўлимларида жойлаштирган. Тарихга доир библиография бу даврда Швейцарияда ҳам пайдо бўлади. Дастлабки кўрсаткич юрист, нумизмат, кутубхоначи Готлиб Эммануэль фон Халер томонидан «Библиотека по истории Швейцарии» номи остида (1785-1788) нашр этилади. XVII-XVIII асрларда тарихдан ташқари ҳуқуққа доир, фалсафага доир библиографик ишлар ҳам пайдо бўлади. Булар орасида юқорида қайд қилинган Бурхард Струвенинг «Избранная библиотека по праву» номли библиографияни, Италияда Августин Фонтаннинг «Обширнейшая юридическая библиотека» (1688-1699) Францияда Армун Комюннинг «Письма о профессии адвоката ...», Англияда Томас Бассеннинг «Каталог юридических книг по общему праву», Джон Уорролнинг «Библиотека законов» каби библиографияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Россияда ижтимоий фанлар библиографияси Петр 1 даврида граждан шрифти кашф этилгандан сўнг пайдо бўлди. Биринчи тарихий библиография фанлар академияси ходимлари томонидан тузила бошлади. Адам Селий (1679-1745) 1736 йилда «Каталог книг писателей сочинениями своими объясняющими гражданскую и церковную Российскую историю» номли библиографияни латин тилида чиқаради. 1815 йилда уни рус тилига таржима қилиб, чоп этилади. Библиографияда рус ва чет эл муаллифлари асарлари ҳисобга олинган. XVIII асрнинг иккинчи ярмида нашр этилган энг йирик иш Новиковнинг «Опѣт исторического словаря о российских писателях» (1772) номли библиографияси бўлиб ҳисобланади.

Н.И.Новиков X асрдан XIII асргача яшаб ижод этган рус тарихчиларининг асарларини акс эттирган. Ижтимоий фанлар

библиографияси борасидаги янги давр XIX асрдан бошланади. XIX-XX асрларда ижтимоий библиография анча интенсив даврни бошидан ўтказди. Бу даврларда ижтимоий фанлар библиографиясининг асосий бўғинлари жорий, ретроспектив библиографиялар тизими ташкил топади, ижтимоий фанлар библиографиялар борасида марказлар шаклланади. «Фалсафа» тушунчаси XVII-XIX асрларда хали аниқ бир маънога эша бўлмаган ва чегараланмаганлиги учун фалсафа фанларнинг фани деб ҳисобланганлиги ҳам бу борадаги библиографиянинг жуда сустривожланишига олиб келади. Гегель фалсафаси ташкил топгандан кейин бу фанга аниқлик киритилади ва фалсафа библиографияси ҳам ташкил топади. XX асрнинг бошларида Россияда йирик фалсафага доир библиография пайдо бўлади. Ренд муаллифлигида чиққан «Фалсафа ва психология ва уларга яқин бўлган фанлар бўйича луғат»да йирик библиографик бўлим жойлаштирилган. Фалсафаша доир жорий библиография ҳам жуда сустривожланади. XIX асрнинг 60 йилларида «Фалсафага доир ойлик дафтар»да китоб ва мақолалар рўйхати келтирилади. Бу «Дафтар»лар 1893 йилгача нашр этилади, сўнгра «Фалсафа тарихи борасида янги эълон қилинган ишлар тўғрисида йиллик ҳисобот» (1888) чиқа бошлайди. «Ҳисобот» саҳифаларида китоблар ва тақризларни аннотацияланган рўйхати эълон қилиб борилади.

XX аср бошларида фалсафага доир жорий библиография бир қатор Европа мамлакатларида ташкил этилади, хусусан, Бельгияда, Францияда, Олмонияда, Россия ва бошқа давлатларда, аммо бундафй уринишлар вақтинчалик бўлиб, бу рўйхатлар бир неча йиллардан сўнг беркитилади.

XIX асрнинг ярмига келиб психология юридик фанлар библиографиялари пайдо бўлади. Психология алоҳида фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида шаклланган бўлишига қарамай, фақат шу асрнинг охирларига келиб унинг библиографияси тузилади. Биринчи библиографиялар журналларнинг саҳифаларида рўйхатлар шаклида келтирилади. Сўнгра 1894 йил Парижда «Психологический ежегодник», Америкада психологик Ассооция органи «Психология бўйича кўрсаткич», «Психология бўйича рефератлар» номлари остида библиографиялар эълон қилинади. Юридик фанлар (ҳуқуқ, ҳуқуқ юристпруденция) ижтимоий нормалар алоҳида тизими ҳисобланиб, давлатнинг ва жамиятдаги сиёсий тизимнинг ташкилий формаларини ўлчови бўлиб ҳисобланади. Юридик фанлар ўзида граждан ҳуқуқи, давлат ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ каби фанларни мужассамлаштирган. Юридик фанлар тарихи бевосита ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ўз илдизи билан қадим даврларга бориб тақалади. Қадим Юнон фалсафасида юридик фанларнинг назарий муаммолари кўтарилади ва Рум юристлари ҳуқуқий

тушунчалар ва уларни тузилишини ишлаб чиққанлар-ки, улар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Юридик фанлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, миллийлик унга мойилдир. Шунинг учун ҳар бир давлат ва миллатнинг ўзини ҳуқуқи мавжуд. Бир миллатда мавжуд бўлган ҳуқуқ бошқа миллатда бўлмаслиги мумкин ёки бир миллатга мансуб бўлган ҳуқуқ иккинчига тўғри келмайди. Шу боисдан ҳар бир мамлакатнинг, (халқаро ҳуқуқ бундай истисно) ўзининг юридик библиографияси мавжуд.

Бошланғич даврда юридик библиография амалий хусусиятга эга бўлади ва фақат амалиётчи юристларга дастқўл бўлиб хизмат қилади. Юридик библиографиянинг иккинчи хусусияти тор доира мутахассисларига мўлжалланади, илмий тадқиқотчиларга ёрдам бера олмайди. XIX асрда Олмония тарқоқ библиографиясини чиқаришда, айниқса, ижтимоий-сиёсий библиография борасида бошқа мамлакатларга нисбатан биринчи ўринни эгаллайди. Мамлакатда ретроспектив библиография билан бир қаторда жорий библиография ҳам чиқарилиб келинади. 1824 йил Берлинда «Юридическая библиотека» номи остида кўрсаткич нашр этилади. Айнан шу номда 1849-1876 йил фақат Германияда нашр этилган китобларни ҳисобга олувчи бир қатор кўрсаткичлар чиқарилади. 1869-1915 йиллар китоб савдо хусусиятига эга бўлган «Обзоръ всей литературъ по науком о государстве и праве за ... год» номи остида йиллик библиография нашр этилади.

Францияда XIX асрнинг бошида ҳуқуқни янгилаш даври бошланади. Бундай ўзгариш Наполеон тузукларини (кодексларини) қабул қилиш билан боғлиқ ягона йирик библиография 1800-1826 йилларда нашр этилган китобларни акс эттирувчи Гренден томонидан тузилган уч жилдлик «Обхая библиография юридический, политический и некоторѹх других наук» (Юридик, сиёсий ва баъзи бир бошқа фанларнинг умумий библиографияси) номи остида нашр этилади. Ҳисобга олинган адабиётлар фақат француз тилида нашр этилган китобларни ташкил этади. Кейинчалик 1952 йилгача бу библиография давом эттириб келинади.

Англияда биринчи юридик библиография китоб савдолари Бассет ва Уорреллар томонидан чиқарилиб, бу анъана узоқ йиллар давом эттирилади. Хусусан, китоб савдогари Джон Кларк 1810 йили «Библиотека закона» (Қонунлар кутубхонаси) номи остида китоб савдо библиографиясини чиқаради. 1925 йил 6 жилдда «Полнѹй каталог английских книг по праву Суита и Максвелла» (Суит ва Максвеллнинг ҳуқуқ бўйича инглиз китобларининг тўлиқ каталоги) номли библиографияси чиқарилади. Бу иш ўзининг хронологик ва жўғрофий қамрови бўйича жуда катта ва кенг ҳудудларни ёритган, яъни 600 йил

англосакслар қонунлардан тортиб то 1925 йилгача бўлган давр қонунларини тўплаган.

АҚШда юридик библиографияси 1888 йилдан Леонард Джонснинг «Указатель к периодической литературе юридического содержания» (Юридик мазмундаги вақтли матбуот асарларининг кўрсаткичлари) номи остида чиқарилган 6 жилдлик библиографиядан бошланади.

Россияда юридик фанлар библиографияси XIX асрнинг биринчи ярмидан пайдо бўлади. Бу даврда юридик масалаларга қизиқиш кучаяди ва бу борадаги китоблар мунтазам чиқа бошлайди. XIX асрнинг биринчи чорагида рус қонунларининг айрим кўрсаткичлари чоп этилади. Рус юридик матбуотининг янги даври 1830 йилдан бошланади, бунга сабаб 46 жилдлик «Полное собрание законов Российской империи» (Россия империясининг тўлиқ қонунлар мажмуи)ни нашрдан чиқиши ҳисобланади.

Юридик библиографиянинг биринчи ютуғи ҳам шу билан боғлиқ. Мажмуанинг икки жилд (42, 43) кенг кўламда тузилган ёрдамчи алифболи ва хронологик кўрсаткичлардан иборат.

V-1. Иқтисодий фанлар. Ижтимоий муаммолар.

Иқтисодий жараёнларни ўрганиш қадимиятда фанларнинг ягона парчаланмаган тизимида пайдо бўлади. Алоҳида фан сифатида шаклланиши XVIII-XIX асрларга тўғри келади. Шу сабаблардан сиёсий иқтисодга доир библиографиялар ҳам бошқа фанларга нисбатан кейинроқ пайдо бўлади. Россияда бу фанга доир биринчи библиография XIX асрнинг бошларида вужудга келади. 1817 йил К.Ф.Герман «История обозрение литературѣ статистики в особенности Российского государство» (Асосан Россия давлатига доир статистика адабиётига тарихий назар ташлаш) номли биринчи иқтисодий библиографияни тузади кўрсаткич уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида 1536-1809 йил статистиканинг пайдо бўлиши ва тарқалишига доир адабиётларнинг хронологик рўйхатини беради, иккинчи қисмида турли мамлакатларда статистикани пайдо бўлиши ва тарқалишига доир адабиётларни, учинчи қисмида Россия статистикаси ва иқтисодига доир адабиётларни рўйхатини жойлаштиради. Иқтисод библиографияси борасида иккинчи қадам 1821 йил «Севернѣй архив» журналининг саҳифаларида «Библиографический обозрение» деган бўлимини очилиши ҳисобланади. «Библиографический обозрение»да биринчи махсус ном олган тармоқ библиографияси пайдо бўлади. 15 йилдан сўнг Петербург университетини профессори В.С.Прошин томонидан тузилган «Библиография или каталог замечательнейших сочинений о политической экономии» номли

библиография нашрдан чиқади. Бу библиография Россияда даставвал чиққан иқтисодий библиография ҳисобланади. XIX асрнинг 80 йилларининг охирида жорий ва ретроспектив иқтисодий библиографияга қизиқиш уйғонади. Бир қатор журналларда А.П. Субботиннинг «Ежегодник русского географического общества», Н.М.Феёдоровнинг «Русское экономическое обозрение», Л.В.Ходскийнинг «Народнўй хозяйство» ва бошқаларда рус иқтимодий адабиётлари рўйхати чиқа бошлайди. Ретроспектив библиография борасида Санктпетербург университети профессори Т.И.Георгиевский бошчилигида бир қатор талабалар томонидан тузилган «Указатель русской экономической литературы» номи остидаги кўрсаткични мисол қилиб олишимиз мумкин. Библиографик кўрсаткичда 1898-1902 йилларда нашрдан чиққан беш мингга яқин китоб ва журнал мақолалари нашр этилган. Материаллар кенг кўламда олиниб, унда социология, саноат, ишчилар масаласи, халқ маорифи, статистика каби масалаларга доир адабиётлар келтирилган.

1898 йил И.Конрадинг «Очерк основнўх положений политической экономии» асарига 100 йиллик 1801-1898 йиллар нашр этилган сиёсий иқтисод бўйича китобларнинг библиографияси берилади. Китобнинг таржимаси ва библиографиясини Н.Новиков амалга оширган.

V-2. Тарихий фанлар

XIX асрнинг иккинчи ярм ива XX асрнинг бошларида тарихий фанлар кескин ривожланади. Турли ва тарихий жамиятлар ва ташкилотлар вақтли матбуот пайдо бўлади, бу эса тарихий библиографиянинг ривожланишига олиб келади. Бу давр йирик ресурс библиографияларнинг ташкил топиши билан боғлиқ. Бундай ҳол тарих фанида ҳам сезиларли ўзгаришлар ясайди.

Юқорида кўрсатилган даврда Германия тарихнўшунослари бошқа давлатларга нисбатан жадалроқ қадам кўйишади ва тарихий библиографиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшадилар. Германиянинг айрим жўоларида тарихий комиссиялар ташкил этилади. 1852 йил «Обҳий союз Германиских исторических и археологических общества» (Германия тарихий ва археологик жамиятларнинг умумий бирлашмаси), 1893 йил «Союз историков» (Тарихчилар бирлашмаси), 1913 йил «Союз учителей истории» (Тарих ўқитувчилари бирлашмаси) ва боқалар ташкил топади. 1859 йилдан бошлаб «Исторический журнал», «Византическая История» ва бошқа вақтли матбуотлар чиқа бошлайди. Германияда тарихга доир, тархий манбаашуносликка доир китоб ва мақолаларни кўплаб нашр этишили жорий библиографияни жонланишига олиб келади. 1853-1887 йиллар Геттинген шаҳрида

йигига икки маротаба «Историческая библиотека» номи остида, 1898 йилда «Немецкий исторический журнал» (Немия тарихий ойномаси)га берилган иловада ҳар кварталда (уч ойда бир маротаба) «Библиография по Германского история» номли кўрсаткич чиқарилади. 1878 йилдан бошлаб Берлинда «Годовѣе отчетѹ по исторической науке» (Тарих Фани бўйича йиллик ҳисобот) нашр этилиб, унда умумжаҳон тарихи бўйича обзор берилади. XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихий библиография Франция, Буюк Юритания, Италия, АҚШда ҳам ривожланади. 1876 йил Францияда чиқадиган «Историческое обозрение» журнали ўз саҳифаларида тарихга доир янги адабиётларни рўйхатини бериб боради. Бундай ташқари қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, дин тарихи ва бошқа бир қатор журналлар нашр этилиб, уларни саҳифаларида ҳам адабиётлар рўйхати бериб борилади.

Жорий библиографиянинг биринчи тажрибаси А.Видье томонидан бошланиб, у 1894 йил «Систематический указатель по французскому средневековью за 1894 год» номи остида библиография чиқаради. Кўрсаткич бир қатор мавзули бўлимларга ажратилиб, улар умумий тарих, цивилизация тарихи, дин, ғоалсафа фанлари, санъат ва бошқалардан иборат бўлиб, атига учта нашри амалга оширилади.

Жорий библиографиясини чиқариш бўйича иккинчи уриниш Пьер Карон номи билан боғлиқ. У Г.Бриер билан биргаликда «Систематический указатель по новѹй и современной истории Франции (С.1500 год до начала XX века)» номи остида ўн бир ёзувда библиография чиқаради. Кўрсаткижда 1898-1913 йиллар нашр этилган 45 номли китоб ва мақолалар ёритилган.

Ретроспектив библиография борасида К. Шавельенинг «Репертуар исторических источников по средним векам» номли библиографиясини мисол қилиб олиш мумкин. Кўрсаткичда ўрта асрлар тарихидан тортиб то 1899 йилгаси бўлган давр тарихига доир 4 мингдан ортиқ адабиётларнинг рўйхатини кўрамиз. 1855-1879 йиллар Франция миллий кутубхонаси 11 жилдан иборат «Каталог по истории Франции» номи остида 3 минг тавсирдан ортиқроқ библиографик ёзувга эга бўлган библиографияни чиқаради.

XIX асрнинг иккинчи ярми рус тарихий библиографиясининг гуллаб-яшнаган даврига киради. Фанлар академияси ва университетларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш кескин ривожланади. 1866 йил «Рус тарихий император жамияти», 1877 йилда «Қадимги ёзувлар севучилар жамияти», 1895 йил «Рус тарихий маърифатпарварларини қўлловчилар жамияти», 1859 йил «Петербург университети қошидаги тарихий жамият» қабилар ташкил этади. Археологик нумизматик (тангаларни ўрганувчи) генеологик (шажаралар) жамиятлар ташкил этилади. Манбаашунослик борасидаги

жуда кўп илмий тадқиқот ишлари нашр этилади. Янги тарихий журналлар чоп этилади.

XIX асрнинг 60 йилларидан бошлаб тарихий фанларни ўрганиш бўйича ташаббускорлик фанлар академиясининг кўлига ўтади. Фанлар академияси кутубхонасининг ходимлари ака-ука Петр Петрович Ланбин ва Борис Петрович Ланбинлар 1861 йил икки жилддан иборат 1855-1855 йилларда нашр этилган рус тарихий адабиётини йиллик библиографиясини тузиб чиқарадилар. Кейинчалик бу библиография «Русская историческая библиография» (Рус тарихий библиографияси) номи остида ўн жилдга етказилади ва 1855-1864 йиллар нашр этилган адабиётларни акс эттиради. Ланбинлар тарихий адабиётлар билан бир қаторда тарихга ёндошган бошқа фанлар тарихига оид адабиётларни ҳам «Библиография...»га киритадилар. Чунончи, этнография, география, ҳуқуқшунослик, статистика, иқтисодиёт назарияси, ҳарбий иш санъати, адабиёт тарихи ва биринчи маротаба Россия тарихига доир чет эл адабиёти ҳам киритилади. Ланбинлар ишини кейинроқ йирик рус библиографии В.И.Межов давом эттириб, 8 жилддан иборат 1865-1876 йилларни қамраб олган «Рус таритхий библиографияси»ни тузади³. «Библиография...»да 60 мингдан ортиқ адабиёт тасвир этилган. В.И.Межов кейинчалик 1800-1854 й.й. тарихий адабиётларнинг библиографиясини 4 жилддан иборат қилиб чиқаришга киришади, аммо нашрдан уч жилдни чиқаришга улгуради (1893 В.И.Межов вафот этади). Ака-ука Ланбинлар Межовнинг «Библиографии...»сида 140 мингдан ортиқ китоб-мақолалар, илмий тадқиқот ва оммабоп адабиётлар, справочниклар ва дарсликлар ўз аксини топган. Кейинчалик бу «Библиография ...» ни бир қатор олимлар ва библиографлар давом эттиришга уринишади. Лекин бу ишлар тарқоқ ҳолда

XIX асрнинг 90 йилларида тархи борасидаги тавсия библиографиясини ҳам тузиб чиқаришади, булар орасида П.Т.Виноградов, Д.М.Петрушевский, Н.И.Карив, В.И.Семеновский, библиотекар А.М.Мамин, В.И.Пичета, Ю.В.Готьвия ва бошқалар қатор тавсия библиографиясини турли журналлар саҳифаларида нашр этишади. Шунини қайд қилиш керак-ки, Ланбин ва Межовлардан кейин бундай буюк тарихий библиографияни бирор кимса чиқармаган.

V-3. Ўзбекистонда ижтимоий адабиётлар библиографиясининг тарихи.

³ П.и Б.Ланбины. Русская историческая библиография [За 1855-1864гг.]. Т.1-10. Спб., 1861-1884 В.И.Межов. Русская историческая библиография за 1865-1876 включительно. Т.1-8. Спб., 1882-1890. В.И.Межов. Русская историческая библиография за 1800-1854 включительно. Т.1-3. Спб., 1892-1893.

Ўрта Осиё энг қадимги даврлардан фан ва маданияти ривожланган ўлкадир. Бунинг исботи учун биз то ҳозирги кунгача сақлаб келинаётган тарихий манбаларни, айнан Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номли шарқшунослик институти ҳамда Х. Сулаймон қўлёзмалар илмий-текшириш институтининг фондида сақланиб келинаётган ўрта асрларда яшаган олимларнинг қаламига мансуб асарларни кўрсатишимиз мумкин.

Бу асарлар ичида фаннинг барча соҳалари сингари кутубхоначилик ва библиография ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар етиб келган. Ушбу маълумотларга қараганда Ўрта Осиёда кутубхоначилик ва библиография иши ҳам IX асрдаёқ ривожланган соҳалардан бири бўлган. Бу ҳақда доцент Туропов М.М. Туркиядаги «Дил» журналида чиқарган мақолаларда батафсил айтиб ўтган.

Юқорида айтиб ўтган библиографик қўлланмалар бизгача асар, луғат шакли тарзида етиб келган. Бу қўлёзмалар орқали ўша даврдаги йирик олимларимиз, ёзувчи шоирларимиз ижоди билан яқиндан танишишимиз мумкин.

Бу асарлар орасида Ибн Сино, Беруний, Навоий, Бобур, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошқа йирик олим ва ёзувчи, шоирлар яратган ажойиб асарлар бор. Бу қўлёзмалар ичида Ўрта асрларда Ўрта Осиёда илм-фан билан бирга кутубхоначилик ва библиография ишининг ривожланишига катта эътибор берилганлиги ҳақида маълумот берувчи манбалар ҳам бор.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг қатор шаоарларида (Гурганж, /азна, Кат, Марв, Самарқанд) сулолавий сарой кутубхоналари ташкил қилиниб, улардан энг йирик, илм-фан учун ғоят қимматли қўлёзма китобларга бой бўлган Бухородаги Сомонийлар сулоласининг кутубхонаси ҳисобланган.

Айниқса, Ўрта Осиёда кутубхоначилик ишини ривожланишига Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги йилларида катта эътибор берилган. Шуниси характерлики, Амир Темур аввал Шахрисабзда, кейин Самарқандда кутубхона ташкил қилиб, ўз кутубхонаси учун бутун Мовароуннахр ва истило қилган мамлакатлардан машхур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхаларини йиғдирган. Қўлёзмаларни кўчириш учун китоб устахоналарида миллий китоб санъатининг энг яхши усталарини тўплаган. Айрим олимларнинг тахминига кўра, Темур Самарқанддаги кутубхонасига Қуръони Каримнинг VII асрнинг биринчи чорагида Куфий хати билан кўчирилган нусхасини олиб келган. У фонда «Усмон Қуръони» номи билан машхур.

Амир Темурнинг сайъи ҳаракати билан тишқил қилинган кутубхона унинг набираси Мирзо Улурбекка мерос бўлиб қолади. Бу

буюк олим Сулолавий сарой кутубхонасини кўплаб янги қўлёзма китоблар билан бойитади.

Темурийлардан Шохрух, Бойсунқур ва Хусайн Бойқароларнинг кутубхоналари ҳам адабий-бадий, илмий китобларнинг хилма-хиллиги ва сони жиҳатдан Темурнинг Самарқанддаги кутубхонасидан қолишмас эди. Афсуски Улуғбекнинг ўлдирилишидан сўнг ва ўзаро феодал урушлар натижасида Амир Темур ва Темурийлар ташкил қилган кутубхоналар талон-тарож қилинади ва дунё бўйлаб «сочиби» кета бошлайди. Бу давр кутубхоначилик тарихи ҳақида А.И.Кормилицин, Э.О.Охунжоновлар томонидан маълум даражада маълумотлар берилган. Лекин бу масала чуқур ўрганишни талаб қилади.

Осиё кутубхоначилик ишининг ривожланиши библиография ишини ташкил қилиш ва ривожланишига ҳам сабаб бўлди. Библиография ишининг ривожланишида ҳам Ўрта Осиёнинг йирик олимларининг роли катта бўлган⁴.

Қўлёзма асарлардаги маълумотларга қараганда, IX-X асрларда Ўрта Осиёнинг йирик кутубхоналари ўз фондини фан соҳалари бўйича жойлаштириб, китобхонларга фондни очиб берувчи рўйхат (каталог) тузиб қўйганлиги ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Масалан, Ўрта Осиёнинг йирик энциклопедист олими Абу Али Ибн Сино 997 йилда Бухоро хонлигининг кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат олгандан сўнг, шундай деб ёзган эди: «Мен кутубхонага кирганимда, кутубхона кўп хоналардан иборат бўлиб, ҳар бир хонада бир фанга оид китоблар сандиқда сақланар эди. Мен қадимги муаллифларнинг рўйхатидан кўриб, ўзимга керакли китобларни танлаб олдим». Ибн Сино фойдаланган бу рўйхат - Ўрта Осиёда энг қадимги библиографик манба ҳисобланган Сомонийлар кутубхонасининг каталоги бўлиб, афсуски, ҳали етарлича маълумотга эга бўлмаганлигимиз сабабли бу ҳақда тўхталиб ўтirmаймиз.

Юқорида қайд қилинганидек Ўрта асрларда олимлар томонидан қатор йирик библиографик манбалар қўлёзма ҳолида бизгача етиб келган-ки, уларнинг қадим фан ва маданиятимизни ўрганишдаги роли, бу кўрсаткичларнинг тузилиш тарихи, услуби етарлича ўрганилмаган.

Бу бўлимдаа биз XI-XVII асрларда туркий, форс, араб тилларида тузилган ва кейинчалик баъзилари Европа тилларида нашр қилинган библиографик қўлланмалар ҳақида умумий тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Ўрта Осиёнинг йирик олими Абу Райхон Беруний ўзининг кўплаб турли фан соҳаларига бағишланган йирик илмий асарлари билан

⁴ Кутубхоналар тарихи ша=ида «Кутубхонашунослик» фанида батафсил кырилади.

(математика, астрономия, география, фалсафа, филология ва бошқалар) бирга ажойиб библиографик манбаларни ҳам мерос қилиб қолдирганки, улардан то ҳозирги кунга қадар олимларимиз Ўрта Осиёнинг фан ва маданият тарихини ўрганишда фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, Беруний 1035-1036 йилларда Ўрта Осиёнинг йирик файласуф ва табиатшунос олими Абу Бакр Мухаммад Ибн Закариё Розий (IX-асрнинг охири - X асрнинг бошларида яшаган) ижодига бағишлаб «Библиография» (араб тилида «Фихрист») номли кўрсаткични тузди. Бу кўрсаткичнинг биз учун аҳамияти шундаки, унда Розий асарларининг рўйхатидан ташқари, Берунийнинг 1036 йилниг охиригача ёзилган 113 та асари ҳам киритилган. Шунинг учун ҳам биз ҳақли равишда Беруний асарларининг биринчи библиографи-Берунийнинг ўзи бўлган дея оламиз.

Беруний кўрсаткичида, аввало, Розий таржимаи ҳоли ҳақида маълумот берган. Берунийнинг маълумотига кўра, Розий 865 йил 28 август ойида Рей шаҳрида туғилган, 925 йилда вафот этган. Унинг яқин шарқда илм-фан соҳасидаги ҳизмати IX аср охири X аср бошида шу қадар муҳим бўлганки, бу даврни Беруний «Розий асри» деб атаган. Кўрсаткичда Розийнинг 184 асари рўйхати берилиб, улар фан соҳаларига бўлиб жойлаштирилган (математика, астрономия, химия, тиббиёт, тарих, филология ва бошқалар), бўлимлар ичида асарнинг ёзилиш йиллари (хронология) бўйича жойлаштирилган. Библиографик тасвирдан ҳар бир асарнинг тўлиқ номи ва қўлёзманинг сони ҳақида тўлиқ маълумотни оламиз. Бундан ташқари, Беруний кўпчилик асарларга тўлиқ тақриз ёзиб, унда асарнинг ёзилиш тарихи, у кимга бағишланганлиги ва мазмуни ҳақида маълумот берган. Бу кўрсаткич то XIII асрнинг ўрталарига қадар (яъни 200 йилдан ортиқроқ) Розий илмий мероси ҳақида маълум даражада тўлиқ ахборот берган. XIII ўрталарида тарихчи олим Ибн Абу Усотбиа, Розий асарларининг тўлиқ рўйхатини тузиб, уларнинг асарларини сонини 236 тага етказган. Юқорида айтганимиздек, кўрсаткичда Розий асарларининг рўйхатидан сўнг Беруний ўз асарларининг рўйхатини бериб, уларни 13 та тематик бўлимга бўлиб жойлаштирган. Библиографик тасвирда 113 та асардан 70 тасининг ҳажми кўрсатилган. Шунинг ҳам айтишимиз керакки, кўрсаткичга киритилган асарлардан 27 тасини Беруний ўз замондошлари билан

биргаликда ёзганлиги ҳақида айтиб ўтган (булар Абу Сахлам Мосихи, Абу Али Хасан ва бошқалар). Кўрсаткичда Берунийнинг 1036 йилдан кейин ёзган 30 дан ортиқ асарлари қирмай қолганлиги ҳақида маълумот бор.

Ўрта Осиёда энг қадимий асар матнлари ва китоб ичидаги библиографиянинг пайдо бўлиши ҳам Беруний номи билан боғлиқдир. У Шарқда биринчи бўлиб фойдаланган манбалар ҳақидаги маълумотларни шаклга солишга, замонавий тил билан айтганда, бу манбалар ҳақида аниқ маълумот беришга катта эътибор берган. Йирик рус археолог ва этнограф олими С.П.Толстов шундай деб ёзган эди: «Беруний манбаларига танқидий ёндошиш Берунийгача ҳам бўлган, лекин Беруний ишларида манбаларга танқидий ёндошиш изланишнинг асосий шарти қилиб олинган».

Бу гапларнинг исботи учун биз Берунийнинг 998-1004 йиллар ўртасида ёзилган «Йилнома» (хронология) номи билан машҳур асари матнида берилган манбалар рўйхатини келтиришимиз мумкин. Бундай рўйхат Берунийгача бирорта олимнинг асарида келтирилмаган.

Беруний бу асарида антик ва ўрта асрларда яшаган – Юнон, Византия, Хиндистон ва Ўрта Осиё авторларининг асарларидан фойдаланганлигини қайд этган. Бу асарни матнлар ичидаги библиографияга бой бўлган биринчи асар деб ҳисоблашимиз мумкин.

Китоб ичидаги библиографиянинг муҳим намунаси сифатида биз Берунийнинг «Хиндистон» (1030 йил) номли йирик илмий асарини кўрсатишимиз мумкин. Асар кириш қисм ва 80 бобдан иборат бўлиб, уни ёзишда Беруний ўн йил давомида 207 та барча фан соҳаларига оид қўлёзма китоблардан фойдаланган. Бу асарнинг 12-14 бобларини ҳақли равишда алоҳида библиографик манба деб аташимиз мумкин. Бу бобларда тўпланган манбалар фан соҳаларига бўлиб ўрганилган ва жойлаштирилган. Ҳар бир фан соҳасидаги бўлимлар ичида Беруний, аввало, энг муҳим илмий асарлар ҳақида батафсил тўхталиб, сўнгра эса бошқа манбалар ҳақида маълумот берган.

Унинг манбалар мазмунини очиб беришдаги қўллаган асосий услубларидан бири асарнинг асосий бобларини санаб ўтишдан иборат бўлган. Агар Беруний у ёки бу китобни кўриш имкониятига эга бўлмаса албатта бу ҳақда айтиб ўтган.

Ўрта Осиёда ўрта асрларда тузилган йирик библиографик манбалардан яна бири - бу XIII асрларда яшаган араб ёзувчиси ва саёхатчиси Ибн-Абдуллох Ёқутнинг «Исмлар луғати ва фанлар мазмуни» номли кўрсаткичи ҳисобланади. Ибн-Абдуллох Ёқутнинг ҳаёти ва фаолияти Ўрта Осиё билан узвий боғлиқдир. У Шарқнинг кўплаб мамлакатларига саёхат қилган, шу жумладан, у Ўрта Осиёнинг қатор шаҳарлари - Хоразм, Самарқанд, Бухорода бўлган, икки йил ҳозирги Туркменистоннинг Мари шаҳрида яшаган ва шу даврда у муҳим тарихий манба ҳисобланувчи «Луғоти» учун бой манба тўплаш имкониятига эга бўлган.

Ўрта Осиё олимлари ва ёзувчи, шоирларининг асарларини ҳисобга олувчи муҳим библиографик манбалардан яна бири таниқли турк олими ва библиографи Хожи Халифанинг XVII асрда тузилган «Китоб ва фандаги шубҳанинг бартараф этилиши» номли кўрсаткичидир. Кўрсаткич XIV-асрда Г.Флюгер томонидан лотин тилида нашр қилинган бўлиб, унда 15007 асарнинг рўйхати берилган. Тузувчи кўрсаткичда олимларнинг, ёзувчи, шоирлар ва ан соҳалари бўйича жойлаштирилган.

Библиографияда муаллиф ҳақида ҳам маълумот берилиб, уларнинг насл-насаби, касби, эгаллаган мансаби ҳақида, уларнинг туғилган ва вафот этган йиллари, ижтимоий келиб чиқиши ҳақида қисқа маълумот берилган. Биз бу кўрсаткичда Ўрта Осиёнинг йирик олимлари Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, шоирлари Садый, Умар Ҳайём ва бошқалар ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Хожи Халифанинг бу кўп томлик библиографик кўрсаткичи узининг тузилганига 400 йилга яқин давр ўтишига қарамасдан, ҳали ҳам Шарқ маданиятининг ажойиб намунаси ҳисобланиб, ўз миллий қимматини йўқотгани йўқ. Хожи Халифанинг «Луғати» ҳақида гапирганимизда шунга ўхшаш ўрта асрларда тузилган, ўша даврда Ўрта Осиё тарихи, фан ва маданияти, адабиёти ва санъатини ўрганишда муҳим манба ҳисобланувчи бизгача етиб келган кўплаб луғатларни ҳам кўрсатишимиз мумкин.

Бу «Луғатлар»да библиографик кўрсаткичлар сингари Ўрта Осиёнинг кўплаб олимлари, ёзувчилари, шоирлари, тарихчи-саёхатчилари, дин намоёндалари, давлат арбобларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, уларнинг асарлари ҳақида муҳим маълумотлар берилади. Бундай «Луғатлар» дан

бири юқорида эслатиб ўтилган XII - асрда тузилган Ас-Сомонийнинг «Исмлар генеологияси китоби» номли луғатдир. Муҳаммад Ибн Мансур Ас-Сомоний аслида Марв шаҳрида туғилган бўлиб, ёшлигидан Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарларида билим олиш мақсадида саёҳатда бўлади. Унда асосан 4000 диний адабиёт вакиллари асарлари акс эттирилган бўлиб, форс-тожик классик адабиётининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Рўдакийнинг ижоди бундан мустаснодир. XVI асрда Амин Аҳмад Розий томонидан тузилган «Етти иқлим» номли луғати асосан географик ва биографик энциклопедия ҳисобланади. Унда Шарқнинг мусулмон мамлакатлари ва шаҳарларнинг йирик арбоблари ҳаёти, фаолияти ва уларнинг асарлари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Юқорида келтирилганлардан ташқарии, Ўрта Осиё олимлари ва ёзувчилари ижодини ўрганишда биз ўша даврда ёзилган илмий, бадий асарлардан ҳам библиографик манба ўрнида фойдаланишимиз мумкин. Ўзбек классик адабиётининг йирик намоёнчаси Алишер Навоийнинг замондоши, тарихчи олим Хондамир Навоий ижодини ва унинг асарларини ўрганиш учун муҳим библиографик манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган «Макоримул-ахлоқ» (яхши ҳуқуқлар) номли асарини ёзган. У ўз китобида қайд қилган Навоий асарларини ўқиган ва кўпчилигининг яратилиш тарихидан огоҳ бўлган. Шунинг учун ҳам «Макоримул-ахлоқ» асарида А.Навоий асарларининг мазмунини ёритиш билан бирга бу ҳақда бошқа шахсларнинг берган фикрларини ҳам келтирган. Хондамирнинг бу асари библиографик обзорга ўхшаш бўлиб, то ҳозирги кунгача, Навоий ҳаёти ва фаолияти, унинг асарлари ҳақида маълумот берувчи муҳим манба сифатида ўз қимматини йўқотмаган, ундан мутахассислар кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Юқорида кўриб ўтган кўпгина ишларда тузувчилар кўпчилик манбаларни ўзлари бевосита ўрганиш имкониятига эга бўлмаганликлари сабабли маълумотлардан фойдаланганлар, шунинг учун ҳам баъзан ноаниқликларга йўл қўйилган ёки тўлиқ маълумот берилмаган. Шу сабабли XI-XVII асрларда тузилган библиографик маълумотлардан ва библиографик кўрсаткичлардан фойдаланишда илмий ходимлар, библиографлар уларга танқидий ёндошишлари зарур. Уларни ўша давр бошқа ҳужжатлари ҳамда асарларнинг ўзи билан, кўрсаткичларнинг номи билан таққослаб, улардан фойдаланилса ва илмий ўрганилса ижобий натижа беради.

Биз кўрсатиб ўтган библиографик кўрсаткичлар ва библиографик луғатлар билан ўрта асрларда Ўрта Осиё библиография манбалари тарихини ўрганиш чекланмайди.

Бу борадаги янги изланишлар янги-янги маълумотлар топилишига олиб келиши мумкин. Бизнинг ишончимиз комилки, агар қўлёзма асарлар чуқур ўрганилса, бу соҳада тадқиқотчилар кўплаб илмий янгиликлар топадилар.

V- 3.2. Ўзбекистон тарихига оид илмий-ёрдмчи библиография

Соҳа библиографияси тизимида тарихий адабиётлар библиографияси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг илмий аҳамиятини тарихий фанларнинг долзарблиги белгилайди.

Тарихий библиография тарих соҳасидаги илмий текшириш ишлари олиб боришда тарихий фанлар юзасидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда ҳамда шунга доир билимларни мустаҳкамлаб, юқори даражага эришишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тарихий адабиётлар библиографияси Республика умумий библиография тизимидаги ахборотнинг асосий қисмини ташкил этади. У Ўзбекистон тарихига оид матбуот асарларини ҳисобга олади, тавсифлайди ҳамда баҳо беради.

Республикага бағишланган умумтарихий библиографиянинг риожланиши икки йўналишда боради.

1. Умумтарихий библиографик қўлланмаларни ўлка тарихининг алоҳида даврига бағишлаб ва тематикасини ташкил қилган ҳолда.

2. Тарихий даврларнинг алоҳида долзарб (муаммо) мавзуларига кўрсаткич тузилиб, унда энг қадимги даврдан то ҳозирги кунгача республикаимиз тарихи бўйича адабиётлар берилиши керак. Ўзбекистонда тарихий библиографиянинг ривожланиши биринчи йўналиш бўйича олиб борилади.

Ўлка тарихини ўз ичига олган дастлабки кўрсаткич инқилобдан олдин, Ўрта Осиёни Россия босиб олингандан кейинги даврда тузилди. Бу библиографик ишлар В.И.Межов номи билан боғлиқ.

В.И.Межов ўзидан кейин 400 000 библиографик ёзувларни ўз ичига олган 50 дан зиёд библиографик ишларни қолдирган.

Ўлкаимизнинг инқилобгача бўлган даврини ўрганишда асосий В.И.Межов тузган «Туркистон тўплами» бўлиб ҳисобланади. Бу ўзига ҳос Туркистон ҳақидаги энциклопедия 416 томда бўлиб, унда 1868-1887 йилларда босилган илк материаллар берилган. Бунда материаллар ҳудудлар бўйича системали тарзда жойлаштирилган. Бу эса ҳужжатни алоҳида ҳудуддан маълум мавзу йўналишида топишни осонлаштиради.

Бундан ташкари «Туркистон тўплами»га В.И.Межов томонидан уч томли ёрдамчи кўрсаткич тузилди. «Рус ва чет тилларидаги мақолаларнинг системали ва алифбо кўрсаткичи» 1878-1884 йилларда нашрдан чиққан. Кўрсаткичда материаллар қуйидагича жойлаштирилган:

1. Умумий Ўрта Осиё;
2. Алоҳида Туркистон ўлкаси;
3. Россияга қўшилмаган Ўрта Осиё ҳудуди.

Дастлабки иккита бўлимда материаллар системали тартибда жойлаштирилган. Масалан: тарих, география, Ўрта Осиёга қилинган экспедиция ва саёҳатлар, қишлоқ ҳўжалиги ва хоказо.

Учинчи бўлимда эса шаҳарлар бўйича – масалан, Бухоро, Хива, Монголия ва хоказо. Бу кўрсаткичга ёрдамчи «калитлар»:

1. Муаллифлар, таржимонлар ва библиографияда учрайдиган бошқа шахслар исмларининг алифбо кўрсаткичи;

2. Жой ва нарсаларнинг алифбо кўрсаткичи;

3. Чет эл библиографиясида учрайдиган автор ва нарсаларнинг алифбо кўрсаткичлари тузилган.

Кўрсаткичда айрим ҳатоликлар бўлсада, у қимматбаҳо библиографик қўлланма ҳисобланади.

Ўрта Осиёни, жумладан, Ўзбекистон тарихини ўрганишда В.И.Межовни бошқа библиографик ишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 1891 йилда Ўрта Осиё бутунлай ва қисман Ўзбекистонни ёритувчи рус ва чет тилларида чиққан адабиётларни ўз ичига олган. «Осиё библиографияси» нашрдан чиқди. Материаллар жойлаштирилиши «Туркистон тўпламига» ухшаш:

1. Умумий Ўрта Осиё;
2. Алоҳида Ўрта Осиё.

Ҳар бир бўлим ичидв сисъематик жйолаштирилган. «Осиё библиографияси»да ёрдамчи кўрсаткич бўлмаганлиги ундан фойдаланишни қийинлаштиради.

Бундан ташқарии Ўзбекистон ҳақидаги адабиётларни П.П.Семёнов-Теншанский таҳрири остида чиққан кўп томли «Россия» сериясидан олиш мумкин. Бу сериянинг 18-19 томларига Туркистон ўлкасига оид асосий манбаалар ва қўлланмалар киритилган. Мазкур томлар Ўрта Осиё таризини, археологиясини, маданиятини ва бошқа соҳаларини ёритиб берувчи бир ярим мингга яқин адабиётларни ўз ичига олади.

Кўрсаткич XVII аср ўрталаридан то 1913 йилгача бўлган даврларни ёритган.

Юқорида қайд қилинган кўрсаткичлар асосан Россиянинг мустамлакачилик борасида ўлкани ўрганиш, уни бойликларини

ўзлаштирих ва ниҳоят заҳираларни Ўрта Осиёдан, хусусан, Туркистон ўлкасидан ташиб олиб кетиш мақсадида бузилгандир. Кўрсаткичларда Ўрта Осиё халқларини қўлга киритган ютуқлари, бой ва беқиёс анъаналари, маросимлари, удумлари атайдан ёритилиб берилмаган. Берилган материаллар ҳам маҳаллий халқни саводсиз деб камситиш мақсадида қилинган. Шунинг учун ҳам бу материалларни ўрганишда уларга танқидий мулоҳазада ёндашиш зарур⁵.

V-3.3. Ўзбекистон тарихига оид адабиётлар кундалик ахборот библиографияси

Ўзбекистонда тарихга оид адабиётлар кундалик ахборот библиографияси Давлат ҳисоб регистрация нашрларида ҳамда Республика ва ўлкашунослик қўлланмаларида ёритилади.

Бунда биз ҳар ойда нашрдан чиққан: Ўзбекистон матбуот солномаси, бир йилда икки маротаба чиқадиган Ўзбекистон китоби ва китоб йилномасини кўрсатишимиз мумкин. Мазкур кўрсаткичларда тарихий нашрлар классификацион тизимга биноан алоҳида бўлимда ёритилади. Лекин тарихий библиография бошқа фан соҳалари билан боғлиқ ҳолда ёритилиши ҳам мумкин. Масалан, кишлоқ хўжалиги, медицина ва хоказо.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар биринчидан, тарихий нашрларни библиографиялашда (бирламчи) ахборот базасини яратади, иккинчидан, илмий ишларда изланишда зарур библиографик манбаа сифатида хизмат қилади, учинчидан, республика китоб нашриёти тарихини ўрганишда муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Кўпгина тарихга оид материаллар республиканинг «Ўзбекистон» йилномасида ёритилган. Бу йилнома 1953 йилдан 1961 йилгача нашр этилган бўлиб, дастлаб рус тилида кейин эса ўзбек тилида ҳам нашр қилина бошлади. Мазкур универсал кўрсаткич Республика ва унинг алоҳида ҳудудларига оид матбуот асарларини ўзида ёритган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрсаткич фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нашрдан чиққан манбалар билан чекланмай, балки республикадан ташқарида нашрдан чиққан китобларни, мақолаларни, тўпламларни ҳам ўз ичига олган.

Узок йиллар давомида (1955-1979) таниқли тарихчи ва библиограф Б.В.Лунин томонидан «Библиографический указатель по археологии, истории, этнографии и праву Узбекистана» (Ўзбекистон археологияси, тарихи, этнографияси,

⁵ Ўзбекистонда XIX-XX аср бошларида нашр этилган библиографик манбаалар тўғрисида «Ўзбекистон библиографияси» фанида батафсил кўриб чиқилади.

философияси ва ҳуқуқларига оид библиографик кўрсаткич) номли йилнома нашр қилиб борилди.

Мазкур кўрсаткич Республика тарихининг кундалик ахборотини тўлдириб борди. Кўрсаткич «Известия АН Узбекистан. Серия общественных наук». («Ўзбекистон Фанлар Академияси хабарлари. Ижтимоий фанлар серияси») журналида нашр этилди. Юқори методик малака билан тузилганлиги, нашр жойидан катъий назар Ўзбекистон ҳақидаги материаллар ҳисобга олинганлиги, янги адабиётлар ва улар ҳақидаги ахборот тез фурсатда китобхонга етказилганлиги сабабли кўрсаткич мутахассислар ва китобхонлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу кўрсаткич Республика тарихига оид кундалик библиографияни тўлдириб борди, деса бўлади. Чунки бу йилларда (1955-1979) кўрсаткичда Ўзбекистон тарихига, археологиясига, этнография ва философиясига оид 15 номдан зиёд нашрлар ёритилди. Лекин кўрсаткичга газета мақолалари киритилмаган.

Бундан ташқари Ўзбекистон библиографиясининг муайян йиллардаги чиққан нашрларини ўзида акс эттирган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар нашри» давомли нашрини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу нашрнинг мақсади Ўзбекистонда рус ва ўзбек тилларида нашрдан чиққан китоб, брошюра, тўплам ва журнал мақолалари, авторефератлар ва рецензиялар каби матбуот асарларини имкон борича тўлиқ ҳисобга олиш. Нашр рубрикалари ичида «Тарих, тарихий фанлар» бўлими мавжуд. Бу библиографияни тузишда Ўзбекистон ҳудудида чиққан рус ва ўзбек тилларидаги журналлар асосий манба бўлиб хизмат қилган. Баъзи ҳолларда ишлар аннотация билан очилган. Тарихий библиографияга оид материаллар «Ўзбекистон Фанлар Академияси нашрлари библиографияси кўрсаткичида ҳам акс этган. Мазкур кўрсаткич кундалик бўлмаса ҳам, давомли тўплам сифатида янги адабиётлар ҳақида ахборот беради. Ўзбекистон ФА томонидан 1943 йилдан бошлаб чиқарилган бу манбада республика тарихчиларининг монографиялари, авторефератлари кандидатлик ва докторлик диссертациялари ҳисобга олинди. Тарихга оид материаллар «Тарих» бўлимида ёритилган бўлиб, унда 1943-1981 йиллардаги материаллар ҳисобга олинган. Тўпламда ёрдамчи китоб ва журналларнинг, исмларнинг алифбо кўрсаткичи мавжуд.

V-3.4. Ўзбекистонда тарихга оид адабиётларнинг ретроспектив библиографияси

Урушдан кейинги йилларда Республикамиз кутубхоналари томонидан қатор йирик соҳа ретроспектив библиографик қўлланмалари, шу жумладан, ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўйича ҳам бир қанча кўрсаткичлар нашр қилинди.

Маълумки тарихий изланиш олиб бораётган мутахассисга бевосита мавзуга тегишли манбалар ва илмий мазмундаги тарихий адабиётлар зарур. Шунинг учун ҳам библиограф манбалар ва мавзуга тегишли адабиётларни ўз ичига олган қўлланма яратиши зарур.

Ўзбекистон тарихига ва унинг алоҳида ҳудудига тегишли кўрсаткичларни яратишда мутахассис библиографлар тарихий адабиётларни, тўпламларни, ҳужжатларни, илмий монографияларни, мемуарларни, варақаларни, вақтли ва давомли нашрларни ва хоказоларни тўлиқ ақс эттиришга ҳаракат қиладилар. Ана шундай кўрсаткичлардан бири Республикамиз тарихига оид бўлиб, 1960 йили Ўзбекистон ФА кутубхонаси ходими В.Г.Бекназарова томонидан тузилган. У 1933-1935 йилларда рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган адабиётларни ўз ичига олади.

Кўрсаткичда Ўзбекистон тарихига оид адабиётларни кенг маънода ақс эттириш билан бирга унда антропология, этнография, археология, этнография, фалсафа, тарих, фан ва маданиятга оид илмий монографиялар, тўпламлар, вақтли матбуот ва давлат нашрларида босилган мақолалар ҳам қамраб олинган.

Бу адабиётларнинг кўпчилиги фақат Ўзбекистон эмас, балки Ўрта Осиё тарихига ҳам оид материаллардир.

Адабиётлар (Ўзбекистон ФА тарих ва археология институтлари билан келишилган ҳолда) бўлим ва бўлимчалар ичида алифбо, хронологик тартибда жойлаштирилган. «Персоналия» бўлимида эса асарлар бағишланган олимлар исми-шарифининг алифбоси тартибида, мақолалар эса алифбо-хронологик кетма-кетликда берилган.

Кўрсаткичда «Чет эл шарқи тарихи» бўлими бўлиб, унда Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ бўлган чет эл шарқи тарихига оид материаллар берилган.

Монографиялар, тўпламлар, илмий асарлар мақолалардан фарқ қилгани ҳолда юлдузча (*) билан белгиланган. Тўпламлар илмий асарлар ва журналлар мақолалари бўйича рўйхатга олинган, ҳамма ишлар тартиб рақамига эга.

Ўзбек тилида нашр қилинган ишларнинг номи рус тилида ҳам чиққанлиги кўрсатилган. Ҳар икки тилда бараварига чиққан нашрнинг тасвири рус тилида берилган ва шу ерда ўзбек тилида чиққанлиги

ҳақида йўналтириш алоҳида тартиб рақами билан берилган. (Масалан: тоже на узб. яз. в парал. изд.)

Агар мақола бир неча бўлинмага тааллуқли бўлса, тасвир асосий мазмуни тегишли бўлинмага берилиб, кейинги бўлинмаларда қисқартирилган маълумот тартиб рақамсиз, шу асосий тасвирнинг тартиб рақамига йўналтириш бериш билан келтирилган.

Битта манбада босилган бир неча мақола алоҳида тасвирланган ҳолларда «шу ерда» деган сўз билан манбага йўналтириш берилган. Қўлланмага ёрдамчи 1. Тасвирланган нашрлар (журналлар, асарлар, тўпламлар) рўйхати: 2. Муаллифлар, тузувчилар, муҳаррирлар, таржимонлар, тақризчилар, шунингдек, номи бўйича тасвирланган тўпламлар сарлавҳаларининг алифбо рўйхати. 3. Кўрсаткичда қўлланилган қисқартмалар рўйхати берилган.

Кўрсаткич Ўзбекистон, жумладан, Ўрта Осиё тарихини ўрганувчи илмий ходимларга, аспирантларга, талабаларга, тарих ўқитувчиларига, ўлкашунослар ва музей ходимларига справка наشري сифатида ёрдам беради.

1968 йилдан эса «Ўзбекистон тарихи» кўрсаткичини рус тилида чиққан адабиётлар асосида туза бошладилар. Бу кўрсаткич тўрт қисмдан иборат чиқиши мўлжалланиб, биринчи қисми 1968 йилдан чиқди. Бу қисм Ўзбекистоннинг қадимги давридан то Октябрь тўнтариши бўлган тарихига оид совет даврида (1917-1952) яратилган икки мингга яқин номдаги китоблар, тўпламлар, журналлар ва давомли нашрлар босилган мақолаларни ўз ичига олган.

Тузувчилар материалларни мумкин қадар тўлиқ олишга ҳаракат қилганлар. Қўлланмада материаллар Ўзбекистон тарихининг алоҳида йирик босқичлари даврлари бўйича группалаштирилган. Бўлимлар ичида эса муаллифлар исм-шарифи ва сарлавҳанинг алифбоси бўйича жойлаштирилган. «1. В.И.Ленин Ўрта Осиё тўғрисида» бўлими бундан мустасно. Унда нашрлар чиқиш наشري бўйича хронологик тартибда берилган.

Агарда у ёки бу асар (китоб ва мақола) бир неса масала ва кенг даврни қамраб олса, унинг тўлиқ библиографик тасвири асар бағишланган асосий масала бўйича бўлимда берилиб қолган бўлинмалардан эса унинг қисқача тасвири тартиб рақамсиз, тўлиқ тасвирга йўналтириш билан келтирилган. Тақризлар тақризланаётганд асардан кейинрок берилган. Кўрсаткич ёрдамчи исмлар, географик номлар ва тарихий ёдгорликлар кўрсаткичи, фойдаланилган вақтли нашрлар кўрсаткичи билан таъминланган.

Кўрсаткич Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихини характеристикалаб берувчи кам маълум бўлган ва кўпчиликнинг ёдидан кўтарилаётган қимматли адабиётлар, манбалар доирасини ўз ичига

олади. Шу билан бирга кўрсаткичга киритилган айрим материаллар (айни 20-30 й) адабиётлари у ёки бу жихатдан эскирган танқидий муносабатда бўлишни талаб қилади. Айрим китобларнинг мундарижаси олиб берилган. Лекин ёрдамчи исмлар кўрсаткичида қатор фамилиялар тушуриб қолдирилган. Масалан «А» харфи билан бошланган фамилиялардан биттасигина исмлар кўрсаткичига олинган, «О» харфи билан бошланадиган фамилияларнинг бирортаси исмлар кўрсаткичига олинмаган.

Рус тилида чиққан «Ўзбекистон тарихи» кўрсаткичининг 2-қисми 1917-1966 йилларда чиққан Ўзбекистон тарихининг 1917 йил сентябридан 1923 йилгача, яъни 1924 маҳаллий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон республикаси ташкил топгунга қадар бўлган даврни акс эттирувчи китоблар, журналлардан, тўпламлардан ва «Асарлар» хилидаги давомли нашрлардан мақолаларни ўзида акс эттирган.

Кўрсаткичга Тошкент шаҳридаги йирик кутубхоналар (А.Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон ФА Асосий кутубхонаси, Тошкент Давлат университети кутубхонаси ҳамда Республика китоб палатаси), шунингдек, *Республика* Давлат кутубхонаси фонди асосида материаллар йиғилган.

Кўрсаткичнинг тузувчилари А.Навоий номли Ўзбекистон *Миллий* кутубхонасида сақланаётган нашр қилинган ва қатор нашр қилинмаган кўрсаткичларни ҳам кўриб чиқдилар ва қўлланмада ҳисобга олдилар. Масалан: А.И.Агеевнинг «Октябрьская революция и граж. Война в средней Азии» (Тошкент 194.1), Г.И.Семенов и П.В.Вилькошевский. «Указатель лит-ры по Самарканду и Самаркандскому краю» (Самарканд, 1935), «Народное просвещение Узбекистана». Т. 1-2. (Тошкент 1933) ва бошқалар.

Адабиётлар бешта асосий бўлимда жойлаштирилган.

Кўрсаткич бошида «Умумий асарлар» бўлимида Ўзбекистон тарихининг бутун *шўролар* даврига тааллуқли бўлган умумлаштирилган йиғма ёки обзор характеридаги адабиётлар берилган.

Биринчи бўлимда ҳужжатлар хронологик тартиби: иккинчи бўлимда съезд ва конференцияларнинг хронологияси бўйича берилган: Учинчи бўлимда расмий материаллардан кейин асосий ишлар, сўнгра мақолалар ва бошқа нашрлар берилган. Бухоро ва Хоразм Халқ республикасига бағишланган материаллар мустақил бўлимчада берилган.

Қўлланмада ёрдамчи: 1. Муаллифлар, тузувчилар, тақризчилар ва сарлавҳа ҳамда аннотацияда эслаб ўтилган шахслар кўрсаткичи. 2. Аналитик тасвирланган вақтли нашрлар ва тўпламлар рўйхати берилган.

Ундан кейин ходимлар, ўқитувчилар, аспирантлар, ўлашунослар, музей ва кутубхона ходимлари фойдаланишлари мумкин.

«Ўзбекистон тарихи» кўсаткичининг учинчи қисми Ўзбекистонни барпо этилиши, Ўзбекистонни фаолиятини қўриш, мустахкамлаш ва ривожлантириш масалаларига оид 1924-1983 йилларда чиққан китоблар, журналлардан ва тўпламлардан олинган мақолалар, тадқиқотлар ва бошқа материалларни акс эттирган.

Кўрсаткич инқилобдан кейинги Ўзбекистон тарихига оид умумий ва обзор характеридаги адабиётлар тўғрисида маълумот берувчи «Умумий ишлар» бўлими билан очилади. Бошқа бўлим ва бўлимчаларда аввало расмий материаллар берилган, сўнгра шу бўлимга оид асосий адабиётлар акс этган. Қўлланмага ёрдамчи муаллифлар, тузувчилар, тақризчилар, сарлавҳа ва аннотацияда эслаб ўтилган бошқа шахсларнинг исмлари кўрсаткичи берилган.

Кўрсаткич олимлар ва мутахассисларгагина эмас, балки, Ўзбекистоннинг урушгача бўлган тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга катта ёрдам беради.

«Ўзбекистон тарихи» кўрсаткичининг тўртинчи қисми 1968 йилдан чиқарила бошлаган шу номдаги кўрсаткичнинг давомидир. Бу нашри 1941-1984 йилларда чиққан Ўзбекистон тарихининг *II -жаҳон* уруши даврига бағишланган китоблар, брошюралар, тўпламлардан вақтли ва давомли нашрлардан мақолаларни ўз ичига олган. Газета мақолалари танланган ҳолда олинган.

Ҳужжатларни аниқлаш ва саралаш Тошкент шаҳридаги йирик кутубхоналар базасида амалга оширилган. Йиғилган материалларнинг тўлиқлиги А.Навоий номидаги *Ўзбекистон Миллий* кутубхонаси фондида сақланаётган мустақил нашр қилинган, китоб ичи, ёзув машинкасида босилган ва стенографик йўл билан кўпайтирилган библиографик қўлланмаларни кўриб чиқиш орқали текширилган.

Кўрсаткич «Умумий ишлар» деб номланган, умумлаштирувчи характердаги ҳужжатларни ўз ичига олган бўлим билан очилади. Кўпгина бўлим ва бўлимчаларда аввало расмий материаллар берилган, қолган ҳамма адабиёт умумий алифбо тартибида жойлаштирилган.

Кўрсаткичда йўналтиришлар кенг қўлланилган. Тасвирлар қисман аннотацияланган, аннотациялар тушунарсиз сарлавҳаларни, географик ва хронологик чегарани, шахслар характеридаги адабиётда эса фамилияни очиб беради.

Қўлланмага исмлар ёрдамчи кўрсаткичи тузилган. Исмлар кўрсаткичида айрим фамилиялар тушиб қолган. Масалан: Белов В.Г.(1936), Биковский В.И. (1936), нотўғри келтирилган фамилиялар ҳам учрайди. Масалан: Бузрукова Н.Т. Бузрукова Н.Т. (110) деб берилган.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишидан кейин ташкил топган Туркистон, Ўзбекистон, Бухоро ва Хоразм *Халқ Республикалари* тарихи 1917 йил сентябрь ойидан 1941 йил яъни улуг ватан уруши бошланган кунгача бўлган давр тарихини ўз ичига олган ушбу кўрсаткич 1940-1977 йилларда ўзбек тилида нашр қилинган 1604 та китоблар, илмий тўпламлар ва журналларда босилган мақолаларни акс эттиради. Унда материаллар 14 бўлимда жойлаштирилган. Биринчи умумий бўлимда Ўзбекистоннинг бутун совет даври тарихини ёритадиган адабиётлар тўпланган бўлиб, материаллар умумийдан хусусийга қарата жойлаштирилган.

Кўрсаткич материаллари «*devisu*» (бевосита) кўриб чиқилган. Ёрдамчи: 1. муаллиф, тузувчи, тақризчи ва аннотация ҳамда сарлавҳада эслаб ўтилган шахс номларига исмлар кўрсаткичи: 2. аналитик таъсирланган вақтли матбуот нашрлари ва тўпламларнинг рўйхати берилган.

Кўрсаткичга материал йиғишда А.Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, Ўзбекистон республикаси ФА Асосий кутубхонаси ва Ўзбекистон давлат китоб палатасининг китоб фондларидан: «Ўзбекистон матбуоти солномаси» кўрсаткичидан.

Китобларга чиққан тақризлар шу китоб тасвиридан кейинок тартиб рақамсиз берилган.

Тўпламлардан олинган Ўзбекистон тарихига оид мақолалар, қисм, боб, бўлимлар жойлашган саҳифалар шу тўплам тасвиридан кейин кўрсатилган. Масалан: Ўзбекистон тарихи (1918-1940 й), Б. 132-136.

Йирик тўпламлар мундарижаси очиб берилган. Тошкентда бўлиб ўтган инқилоб воқеаларига оид метариаллар алоҳида ажратиб берилган.

Ёрдамчи номлар кўрсаткичи берилган, лекин унда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Шунда ҳам бу камчиликлар қўлланманинг қийматини пасайтирмайди. Ўзбекистон тарихини ўрганувчи ҳар қандай китобхонга бу кўрсаткич катта ёрдам беради.

«Ўзбекистон тарихи» кўрсаткичининг иккинчи қисми ўзбек халқининг Улуг Ватан уруши йилларидаги фронт ичкараси ва

фронтдаги қаҳрамонликларни ифодаловчи 1945-1978 йиллардаги 1985 та ҳужжатни ўзида акс эттиради.

Кўрсаткич 14 бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимида *II-жаҳон* уруши ҳақидаги умумназарий ва тарихий масалаларга оид адабиётлар алифбо тартибида 2,3,4-бўлимнинг «Ҳужжатлар» бўлимчасида хронологик тартибда, қолган бўлимларда эса умумийдан хусусийга, умумий адабиётлар мантикий, хусусийлари эса алифбо тартибида жойлаштирилган.

Кўрсаткичга материал йиғишда А.Навоий номидаги Ўзбекистон *Миллий* кутубхонаси, Ўзбекистон республикаси ФА асосий кутубхонаси ва Ўзбекистон давлат китоб палатасининг китоб фондларидан: «Ўзбекистон матбуоти солномаси»дан, «Ўзбекистон китоби (1941-1944 йиллар)», «Барҳаёт қаҳрамонлар», М.Султонрўвнинг «Улуг Ватан уруши йилларида Ўзбекистон» каби библиографик кўрсаткичлардан фойдаланилган.

Қўлланмада ёрдамчи: 1. муаллифлар, муҳаррирлар, тақризчилар, тузувчилар ва сарлавҳа ҳамда аннотацияда эслаб ўтилган шахсларни исмлар курсаткичи. 2. Аналитик тасвирланган вақтلى матбуот нашрлари ва тўпламлар рўйхати берилган.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим библиографик манба бу Тошкент Давлат Дорилфунуни кутубхонасининг библиографи, тарих фанлари номзоди О.В. Маслова томонидан беш қисмда тузилиб, 1955-1971 йилларда тўртта қисми (5-қисми нашр қилинмай қолган) нашр қилинган «Обзор русских путешествий и экспедиций в Средней Азии» («Ўрта Осиёга қилинган рус саёҳатлари ва экспедицияларининг обзори») номли кўрсаткичдир.

«Обзор...» Ўрта Осиё табиий бойликлари ва бой маданияти ҳақида 200 йил давомида нашр қилинган адабиётлар ҳақида маълумот берувчи йирик библиографик қўлланма ҳисобланади.

О.В. Маслова бу қимматли ва зарур библиографик манбани яратишга ўзининг ярим библиографик ҳаётини бағишлаган. Аввал у бу мавзунинг диссертация ҳолида ўрганди. 1947 йилда тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун ҳимоя қилди. Шу йили иш 5 қисмдан иборат библиографик кўрсаткич сифатида тавсия қилинди. Бунда 817 экспедиция ҳақида маълумот бор эди.

«Обзор...» нинг биринчи қисми (1715-1856 йилда) 1955 йилда нашр қилинди. «Обзор...» нинг кириш қисмида муаллиф Ўрта Осиёни ўрганишнинг тарихий очеркини бериб, унинг Россиянинг иқтисодий ривожланиши билан, Шарққа интилишидаги сиёсий ривожланиши ҳам боғлиқлигини кўрсатиб беради.

«Обзор...» нинг иккинчи қисми (1858-1869) йилларни акс эттириб бунда Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилиниб, капитализм тез ривожлана бошлайди. Шунинг учун ҳам рус

буржуазиясига янги хом ашё манбалари керак бўлиб, бу Ўрта Осиёга бўлган қизиқишни кучайтиради.

«Обзор...» нинг учинчи қисми (1869-1880) йилларни ўз ичига олиб, унда Ўрта Осиёга қилинган 24 та экспедиция ва саёҳатлар натижаси акс эттирилган. Бу ерда О.В.Маслова рус қўшинларини Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида қилинган ҳужумларини акс эттирган.

«Обзор...» нинг тўртинчи қисми (1880-1890) йилларни ўз ичига олиб, бу йиллар Туркистонни Россияга қўшиб олиш ниҳоясига етказилган, Ўрта Осиёни ўрганишга янги имкониятлар яратилди. Бу қисмда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий фаолияти акс эттирилган. Бу даврга келиб экспедициялар маълум соҳаларга қаратилган бўлади.

Ва ниҳоят, «Обзор...» нинг бешинчи қисми (1890-1899) йилларни ўз ичига олиб, 21 экспедициянинг материалларини акс эттирган. Бу қисм нашр қилинмасдан қолиб, Тошкент давлат Дорилфунуни кутубхонасида сақланади.

Шундай қилиб, О.В. Маслова томонидан тузилган бу «Обзор» нинг Ўрта Осиёни ўрганишида муҳим ўлкашунослик манбаи бўлиб ҳизмат қилади. «Обзор...» нинг ҳамма қисмларида материал бир хил йиллар бўйича жойлаштирилган.

«Обзор...» устида ишлашда О.В.Маслова ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўйган:

1. Ҳамма экспедицияларга оид барча манбаларни тўлиқ йиғиш;
2. Уларни мазмунини очиб бериш;
3. Ҳар бир экспедицияга имкон борича тўлиқ характеристика бериш.

«Обзор...» да экспедиция ва саёҳатларни материални характеристикаси уларнинг мазмунига, хусусиятига қараб тузилган. Манбаларни тасвирлаш ва жойлаштиришда аниқ бир йўналиш танланган, масалан, ҳар бир экспедиция аъзоси ҳақида унинг босиб ўтган йўли, эришилган натижалари йиғилган материаллар ва нашр қилинган манбалар ҳақида маълумот берилган.

«Обзор...»нинг ҳамма қисмларида исмлар ва географик номлар кўрсаткичи берилган.

Шундай қилиб, «Обзор...» муҳим илмий-ёрдмчи қўлланма ҳисобланиб, инқилобгача Ўрта Осиё тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

V – 3.5. Мустақилликка эришилгандан сўнг чиққан кўрсаткичлар

Бугун ватанимизда истиқлол ва мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз беряпти. Орзулар ушалди, авлод-аждодларимиз яратган маънавий бойликдан, бу бебаҳо хазинадан халқимизнинг баҳраманд бўлиш даври етиб келди. Бу бойликлардан баҳраманд бўлишда республикамиз кутубхоналарининг роли каттадир.

Кейинги беш йилда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси *Миллий* кутубхонаси, Ўзбекистон ФА нинг асосий кутубхонаси томонидан улкан алломаларга, тарихий шахсларга, уларнинг ҳаёти ва ижодиётига бағишлаб бир канча методик тавсияномаларни тайёрлади. Бу тавсияномаларни тайёрлашда таниқли олимлар, ёзувчилар, адабиётшуносларнинг асарларидан ва илмий изланишларидан фойдаланганлар.

Мазкур тавсияномаларни биз кўрсаткич деб атасак ҳам бўлади. Чунки буларнинг ҳаммасида имкони борича адабиётлар беришга ҳаракат қилганлар. Шундай кўрсаткичларга мисол қилиб, «Заҳриддин Муҳаммад Бобур, улуг адиб ва аллома», «Хожа Аҳмад Яссавий-улуг бобомиз», «Соҳибкирон Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Хазрат Баҳовуддин Нақшбанд - улуг пириимиз» каби кўрсаткичларни кўрсатишимиз мумкин.

Бундан ташқари А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси *Миллий* кутубхонаси ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг муҳим ва унутилмас саналарига бағишлаб кўрсаткич тайёрлайди. Унда бир йил мобайнида бўладиган муҳим саналар ҳақида маълумот ҳамда адабиётлар рўйхати берилади.

Ҳозирги кунда Республикамиз ҳаётидаги ўзгаришлар, Президентимиз асарлари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» кўрсаткич ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Кўрсаткичда беш бўлим мавжуд. Бу бўлимларда рисолаи ўрганиш учун тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижга расмий ташрифлари ва сафарлари ҳамда чет мамлакатлар Давлат бошлиқлари ва расмий делегацияларининг Ўзбекистон республикасига ташрифлари вақтида қабул қилинган шартномалар, битимлар, протоколлар, меморандумлар, ахборотлар, декларациялар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари, мақолалари, фикр-мулоҳазалари, расмий учрашувлари акс эттирилган.

Бўлимлар ичида материаллар алифбо тарзида жойлаштирилган. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг рисоалари, илмий маърузалари, нутқлари, чиқишлари ўзбек халқини етукликка ва нурли истиқболга чақирмоқда. Шу боис барча кутубхоналар бу асарларни, илмий маърузаларни кенг китобхонлар оммасига маълум қилиб, бу асарларни ўрганишга ёрдам беришлари зарур.

Кейинги пайтда мустақиллик шарофати билан Улуг Ватанимизда маънавий анъаналаримиз тикланмоқда ва ривожланмоқда. Аждодларимиз яратган маънавият дурдоналарини халқимизга ҳар томонлама ёритиб бериш ва баҳраманд қилиш вақти етиб келди. Ота-бобомизга муносиб ишлар қилиш учун биз ўтмишни яхшилаб ўрганишимиз керак. Буюк алломаларимиз: Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, А.Навоий, Хожа Аҳмад Яссавий каби сиймоларнинг ҳаёти ва ижоди бизга ҳамиша мададкордир. Юқорида айтиб ўтганимиздек бу шахсларга бағишлаб бир қанча методик тавсияномалар тузилди. Шулардан бири А.Навоий номли республика *миллий* кутубхонасида тузилган «Хожа Аҳмад Яссавий улуг бобомиз» кўрсаткичидир. Аҳмад Яссавий туркий халқларнинг маданиятига, тарихига, адабиётига ва маънавий оламига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиздандир.

Мазкур кўрсаткични тайёрлашда таникли олимлар, ёзувчилар, адабиётшуносларнинг асарларидан ва илмий изланишларидан фойдаланилди.

Кўрсаткичда «Хожа Аҳмад Яссавий» бўлими бўлиб, аллома ҳақида имкони борича тўлиқ маълумотлар берилган.

Ўзбек ва рус тилларидаги адабиётлар рўйхати ҳамда Яссавийшуносликка ҳисса қўшган олимлар, ёзувчилар, адабиётшуносларнинг исмлар кўрсаткичи берилган.

«Хожа Аҳмад Яссавий-улуг бобомиз» номли мазкур кўрсаткич кутубхоначи мутахасисларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Лекин бу кўрсаткичда президентимиз И.А.Каримовнинг бир қанча китоблари рўйхати киритилган. Албатта президентимиз китобларини тарғиб қилиш керак, бироқ бу кўрсаткичда берилиши биров библиографиянинг услубиятига тўғри келмайди. Мазкур кутубхонани «Хазрат Баҳовуддин Нақшбанд – улуғ пиримиз», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» методик тавсияномаларининг тузилиши услубияти ҳам юқоридагилардан фарқ қилмайди.

Яна бир методик тавсиянома ўзбек илм-фанининг, маданиятининг йирик намоёндаси, ўзбек маданияти ва маърифатининг тараққиётига муҳим ҳисса қўшган истеъдодли ва етук олим, астроном, математик, тарихчи улкан зиёли зот, Темурийлар

авлодининг йирик бир халқасини ташкил этган, машхур давлат арбоби Мирзо Улуғбек хаёти ва ижодига бағишлаб тайёрланган.

Кўрсаткичда «Муҳаммад Тарағай Улуғбек» ҳамда «Китобхонлар конференцияси ва китоб кўргазмаси» бўлимлари мавжуд.

Адабиётлар рўйхатида китоблар, журнал ва газета мақолалари ўзбек, рус ва чет тилларида берилган.

Буюк аллома Мирзо Улуғбек хаёти ва ижодига бағишлаб Фанлар Академиясининг асосий кутубхонаси ҳам кўрсаткич тайёрлади. Бу кўрсаткич «Муҳаммад Тарағай Улуғбек 1394-1949» деб номланган бўлиб, А.Навоий номли Республика *Миллий* кутубхонаси чиқарган методик тавсияномадан тўлиқлиги билан бироз фарқ қилади.

Кўрсаткичга Улуғбек хаёти ва ижоди, илмий ва тарихий меҳнатлари, унинг давридаги маданият ва санъат ҳамда Улуғбек меросини ўрганишга оид адабиётлар берилган.

Кўрсаткичда қуйидаги бўлимлар мавжуд:

1. Улуғбек даври тарихи;
2. Улуғбекнинг хаёти ва фаолияти.
3. Улуғбекнинг илмий мероси «Зижи Кўрагоний», «Тўрт улус тарихи»;
4. Улуғбек XV асрнинг буюк астронми;
5. Улуғбек обсерваторияси;
6. Улуғбекнинг хаёти ва фаолияти бадиий адабиётда.
7. Улуғбек таваллудига бағишланган;
8. Кўрсаткичлар;
9. Қўшимчалар.

Материаллар бўлимлар ичида автор ва сарлавхаларнинг алифбоси тартибида жойлаштирилган.

Кўрсаткичга 1819-1994 йиллар давомида ўзбек, рус ва чет тилларида нашрдан чиққан китоб, газета ва журнал мақолалари, давомли нашрлар ва тўпламлардан мақолалар киритилган. Авторлар ва сарлавҳаларда учрайдиган шахслар ёрдамчи алифбо кўрсаткичи билан таъминланган. Кўрсаткич М.Улуғбек хаёти ва фаолияти устида иш олиб бораётган мутахассисларга, илмий ходимларга, кутубхоначи ходимларга ҳамда кенг китобхонлар оммасига бағишланган.

Бу кўрсаткич методик тавсияномадан кўра анча тўлиқ маълумотга эга. Агар кутубхоналар келишган ҳолда катта кўрсаткич чиқарсалар яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

VI-боб. МДҲ ДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР БИБЛИОГРАФИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

МДҲда ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси ташкилотчилик принципага асосланган. Бу принципнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

- ижтимоий – сиёсий мазмундаги библиографик ахборот устидан давлат раҳбарлиги
- библиографик фаолиятнинг аниқ тарихий шарт-шароитларидан келиб чиқадиган шакл ва услублари
- марказлаштирилган ёки марказлашмаган асосда ижтимоий-сиёсий адабиётлар китобхоналарига библиографик хизмат кўрсатишда ва илмий-ахборот ташкилотларининг ишини ҳудудий ва тармоқ принципларида шакллантириш.

Ижтимоий-сиёсий библиография мураккаб ташкилий структурага эга. Унинг компонентлари ҳар бир тузимнинг маълум даврларига қараб ўзгарган, янги мазмун билан тўлдирган ёки бутунлай қайтадан тузилган.

Янги иқтисодий тузумга ўтиш даврида библиографик хизмат юқори даражада бўлишликни, библиографик хизмат янада марказлаштиришни ҳамда ундан самарали фойдаланишни талаб этади.

Бу жараёнлар ривожига таъсир этадиган асосий омиллардан қуйидагиларни келтириш мумкин: биринчидан, ижтимоий фанлар ва мафкуравий ишларни кескин ривож, иккинчидан Давлат илмий ахборот тизими доирасида ижтимоий фанлар бўйича ахборот давлат бўлимининг ташкил қилиниши, учинчидан, кутубхоналарнинг марказлаштирилиши ва кутубхоналар ҳақидаги қонунларни қабул қилиниши.

Натижада ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини яратишга таалукли қуйидаги муҳим масалаларни ҳал қилиш учун имконият яратилади: а) жамиятни ахборот талабларини қондириш ресурсларига эга бўлган кутубхона ва кенг тарқалган ахборот тизимини яратиш, б) раҳбарлик тизимини такомиллаштириш в) режалаштиришни яхшилаш г) МДҲ ва ҳудудий миқёсида библиографик ишларни координациялаштириш ва кооперациялаштириш.

Ижтимоий-сиёсий библиография ташкилий тузулишининг ривожланишини икки асосий йўналиш ҳал қилади: 1) Илмий ва касбий ишлаб чиқариш фаолиятига ёрдам бериш (илмий-ёрдамчи библиография) 2) Сиёсий ва иқтисодий мустақил билим олиш, шунингдек меҳнаткашлар малакасини оширишга ёрдам беришдан иборат (тавсия библиографияси)

Биринчи асосий йўналиш ДИТАС (давлат илмий техника ахборот тизими) ташкилий рақамлари орқали олиб борилади, иккинчиси эса китоб тарғибот йўли билан тавсия библиографияси орқали олиб борилади.

Илмий - ёрдамчи ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг ташкил қилиниши.

Ижтимоий сиёсий библиографиялар тизими XX аср- нинг 20-30 йиллардаёқ ташкил этилган. Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот тизими анча кейинроқ, 60-йилларнинг охирида пайдо бўлади. 1969 йил Россия ФА В.П.Волгин номидаги ФБОН базасида (ижтимоий фанлар асосий кутубхонаси) ИНИОН (ижтимоий фанлар бўйича илмий-ахборот институти) ташкил этилади. Бу эса нафақат Россияда, балки бутун дунёдаги илмий ахборот ва библиографик ишидаги янгилик эди. ИНИОН 1918 йилда ташкил этилган ФБОН ишини давом эттиради ва ривожлантиради.

ИНИОН Россия ФА – ижтимоий фанлар бўйича ягона илмий-ахборот маркази ҳисобланади.

Институт қуйидаги вазифаларни бажаради:

- МДХнинг илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари давлат органлари ва жамоат ташкилотларини ахборот билан таъминлаш;
- Ижтимоий фанлар бўйича МДХ да ва чет эл мамлакатларида нашр этилган материалларни тўплаш ва рефератлаш;
- Ижтимоий фанларнинг долзарб масалаларига оид адабиётларни рефератлаш, библиографиясини тузиш, аналитик обзорлар қилиш;
- Ижтимоий фанлар бўйича интеграл автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш;
- Ижтимоий фанлар юзасидан МДХда олиб борилаётган ишларни координациялаш ва тажрибасини назарий умумлаштириш;
- Чет эл илмий ахборот марказлари илмий алоқаларини ривожлантириш.

Юқорида айтиб ўтилган комплекс ишларни бажариш учун ижтимоий фанларнинг барча йўналишлари бўйича юқори савияли илмий ходимлар жалб этилган.

ИНИОН фаолиятининг асосий йўналиши ижтимоий фанларнинг барча тармоқлари бўйича библиографик ва рефератив ахборот олиб боришдан иборат.

Шу билан биргаликда ижтимоий фанлар бўйича рефератив ахборот бериб бориш ИНОН фаолиятининг асосий негизини ташкил этади.

ИНИОН нашрлари орасида икки номдаги рефератив журнал марказий ўринни эгаллайди: «Общественные науки в России» ва «Общественные науки за рубежом». Уларнинг биринчиси етти серияда, иккинчиси эса тўққиз серияда чиқади.

Рефератив нашрнинг иккинчи тури «Проблемали тематик рефератив тўпламлар (РС) да иқтисод, фалсафа, тарих, сиёсат, идеология ва маданиятининг долзарб масалалари ёритиб борилади. «РС» Россияда ижтимоий фанларни янги йўналишлари ва янги қарама-қаршиликларига оид ахборот бериб боради. ИНИОНнинг кейинги нашри «Ахборотнинг» энг мураккаб синтетик тури ҳисобланган «Жамиятшуносликка доир аналитик обзорлар» дир.

ИНИОН 28 та жорий тармоқ, мамлакатшунос ва муаммоли – мавзу библиографик кўрсаткичлар чиқаради. Булар: «Новая иностранная литература по общественным наукам» етти серияда, «Новая Российская и иностранная литература по общественным наукам», ун тўрт серияда чиқарилди. Библиографик кўрсаткичлар ИНИОН, РМК (Россия миллий кутубхонаси), ВГБИЛ (чет эл адабиётлари) ва бошқа бир қатор йирик кутубхоналарига келган янги адабиётлар ҳақида библиографик ахборот беради.

ИНИОН, (ИААС) интеграл автоматлаштирилган ахборот тизими) ни ташкил қилиш, жорий этиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш билан шуғулланади.

Институт йирик ахборот марказлари ишини координациялаб боради.

Ҳозирги пайтда маданият ва санъат, олий таълим, педагогика ва халқ маорифи, профессионал-техник таълим, ҳужжатшунослик ва архив иши, ҳуқуқ, нашриёт иши полиграфия саноати ва китоб савдоси, нарх-наво, пул муомиласи ва кредит тармоқли илмий ахборот марказлари ташкил этилган. Масалан: ЦООНТИ (Илмий техника ахборот органининг тармоқ маркази) Олий таълим масалалари бўйича ташкил этилиб, бу олий ва ўрта таълим вазирлигининг олий таълим масалалари бўйича илмий текшириш институтининг илмий ахборот бўлими ҳисобланади.

1967 йил ижтимоий фанлар бўйича давлат илмий ахборот бўлинмасида фан ва техника бўйича Давлат комитетининг бутуниттифоқ илмий техника марказининг ташкил этилиши муҳим роль ўйнади.

ВНИЦЕНТРнинг барча маҳсулотлари унинг каталогларида, ижтимоий фанлар бўйича серияларига эга, «Бюллетень регистрации НИР И ОКР», «Сборник рефератов научно-исследовательских и опытноконструкторских работ» каби нашрларда ва шунингдек алоҳида нашр этиладиган библиографик кўрсаткичлар ҳамда тармоқлараро масалаларга оид аналитик обзорларда ўз аксини топади.

Салтиков Шчедрин номли С. Петербург Давлат оммавий кутубхонаси, РПИБ (Россия Давлат оммавий тарихий кутубхонаси), Россия болалар ва ўсмирлар кутубхонаси, РНПБ (Ушинский номли Россия Давлат илмий-педагогик кутубхонаси.) РМК қатор серияларда тавсия библиографик қўлланмаларни мунтазам равишда нашр этиб боради. Бу кўрсаткичларнинг кўпчилиги ҳозирги замон долзарб масалаларига бағишланган РМК «мустақил билим олиш» сериясида ёшларга мўлжалланган қатор кўрсаткичлар чиқарган. Масалан: «Ёшларга фалсафа фани хусусида» ва бошқалар.

М.Е.Салтиков-Шчедрин номли С.П.Д.О.К кўпроқ кичик формадаги тавсия библиографик кўрсаткичлар чиқариб боради.

РПИБ-асосан тарихий фанлар бўйича тавсия библиографик кўрсаткичлар чиқариб боради. Бундай кўрсаткичлар кўпроқ ўрта мактаб ўқитувчиларига ёрдам сифатида тавсия қилинади. Масалан: «Ватан тарихи» 4 ва 5 жузлари ўрта мактаб ўқувчилари учун тавсия библиографик қўлланмаларидир. Ушинский номли РДПК таълим-тарбияга оид тавсия библиографик кўрсаткичлар чиқардилар.

Ишлаб чиқариш малакасини оширишга мўлжалланган тавсия библиографик кўрсаткичларни яратишда ЦООНТИ фаол иштирок этади.

Тавсия библиографик қўлланмаларни республика, ўлка, вилоят, марказий шаҳар кутубхоналари ҳам яратиб боришади. Партия, қасаба уюшма, илмий-техника ахбороти органлари, олий ўқув юртлари, ҳам ижтимоий-сиёсий мавзудаги тавсия библиографик қўлланмалар чиқардилар.

Баъзи пайтларда тавсия библиографик қўлланмалар марказий ва маҳаллий вақтли матбуот органларида ҳам акс эттирилиб борилади.

Республикалар миқёсида услубий марказ Республика Давлат кутубхонаси ҳисобланади.

Чунончи Ўзбекистонда А.Навоий номли Ўзбекистон Давлат миллий кутубхонаси услубий марказ ҳисобланади. У республикадаги барча вилоят, шаҳар кутубхоналарига услубий раҳбарлик қилади.

Ижтимоий фанлар бўйича кутубхоналар ва ахборот марказларининг халқаро алоқалари

1972 йилдан бошлаб халқаро илмий-техника тизимининг тармоқ ва ихтисослаштирилган бўлинмаси ташкил этилади.

1976 йил Болгария, Венгрия, Германия, Польша, Россия, Чехославакия Фанлар Академияларининг вакиллари МИСОН (ижтимоий-фанлар бўйича халқаро ахборот тизими)ни ташкил қилиш ҳақидаги битимга қўл қўйишди. Кейинчалик (1972 й.) бу битимга Куба

ва Вьетнам Фанлар Академиялари ҳам қўшилишди. МИСОНнинг бош органи қилиб Россия ФА ИНИОНни тайинланди.

МИСОНнинг ташкил этилиши қатор мамлакатлар илмий-ахборот марказларининг ўзаро алоқаларидаги янги давр бўлди. МИСОН доирасида биргаликда кенг нашр ишлари режалаштирилди. ИНИОН ФИД (халқаро хужжатлар федерацияси) фаолиятида ҳам фаол иштирок этади.

1950 йил ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган (ижтимоий фанларга доир хужжатлар халқаро қўмитаси) фаолиятида ҳам фаол иштирок этади. ИНИОН мунтазам равишда МДХ олимлари ишлари ҳақидаги библиографик маълумотларни YGSSDга юбориб туради.

ВГБИЛ – турли мамлакатлар билан китоб, ахборот алмашади, услубий материаллар билан таъминлайди, китоб кўргазмалари ташкил этади, библиографик кўрсаткичлар тузади, илмий семинарлар ва кенгашлар ўтказади ва х.к.

Илмий ишлар борасида халқаро илмий-техника ахборот маркази МЦНТИ ташкил этилган.

1976 йилдан бошлаб МЦНТИ – 1 АИС (авто- матлаштирилган ахборот тизими) ишга туширилган. Мунтазам равишда МЦНТИ аъзолари мамлакатлар учун (РС-1) рефератив тўплам, МЦНТИга аъзо бўлмаган мамлакатлар учун (РС-2) рефератив тўпламлар чиқариб боради.

Россия 1955 йилдан бошлаб ЮНЕСКО томонидан ташкил қилинган ижтимоий фанлар халқаро библиографик қўлланмалар чиқаришда ҳам иштирок этади. Булар орасида «ижтимоий фанлар халқаро библиографияси» ва «Тарихий фанлар халқаро библиографияси», «Фалсафа библиографияси» ва бошқалар ажралиб туради.

ИНИОН, М.Е.Салтиков-Шчедрин номида ДОК, М.Горький номи МДУ кутубхонаси, Россия миллий кутубхонаси, ЮНЕСКО дан тегишли бўлган ахборот олиб туради ва ўзлари ҳам ЮНЕСКО учун ахборот маркази ролини ўйнайди.

Ижтимоий – сиёсий библиография бўйича олиб бориладиган халқаро ҳамкорлик тинчлик иши ва умуминсоният тараққиётида катта ўрин тутади.

ҲП-606. ЖОРИЙ ИЛМИЙ-ЁРДАМЧИ БИБЛИОГРАФИК ҚЎЛЛАНМАЛАР ТУЗИШ УСЛУБИЯТИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ижтимоий-сиёсий мавзуда нашр қилинаётган материалларнинг қўпайганлиги, мазмуни, ғоявий мақсади, вазифасига қараб улар

оқимининг табақалаштирилиши, жамиятшуносларнинг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжлари мураккаблашиб бораётганини жорий библиографик қўлланмалар тузиш услубиётини доимо такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Уларда тўпланган материал у ёки бу эълон қилинган материалларнинг мавжудлиги тўғрисида «сигнал»гина бўлаётгани йўқ. Материални илмий асосланган тарзда танлаш, уни тизимлаштириш ва унинг таърифини китоб ва мақолаларни қайд қилиш ахборотнинг «тарқоқлигини» бартараф этиш воситасигина бўлиб қолмай, шу билан бирга янги материаллар билан ижтимоий фаолияти, уларнинг илмий аҳамиятига, амалий жиҳатидан қимматли бўлишига, мафкуравий мақсадига баҳо бериш ўртасида зарур алоқалар ўрнатиш омили ҳамдир.

Янги адабиёт тўғрисида китобхонларни тезкор хабар қилиш ва танлашнинг асосланган мезонлари доирасида ахборотнинг тўла бўлиши жорий библиография нашрларига баҳо беришнинг ғоят муҳим мезонидир. Тизимга кирувчи айрим жорий нашрлар учун шу мезондаги қўлланмалар тузиш жараёнида келишиб иш кўрган ва риоя қилган тақдирдагина ана шундай тўла бўлишга эриши мумкин. Жорий нашрлар тизимини оптималлаш: ягона ёки қўшма тавсифлаш схемаларини, ёрдамчи кўрсаткичларининг бир хил тизимини қўллаш шундай нашрларни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Аннотация ва реферат тузиш услубини такомиллаштириш ҳам адабиёт мазмунини таърифлаш чоғида субъектив бартараф этишга, у ёки бу муҳим гуруҳ учун шу соҳа мутахассисларини ажратишга қаратилгандир.

Жорий нашрларни тузиш услубини такомиллаштирилган библиографик излаш режимида улардан фойдаланиш зарурати билан боғлиқдир. Автоматлаштириш воситалари қўлланмаларини яратиш жараёни ҳам, жумладан ёрдамчи кўрсаткичларни тузиш учун ҳам фойдаланилади. Бироқ шуни ҳам уқтириб ўтиш керакки, жорий библиографик қўлланмаларни автоматлаштирилган тарзда ишлаб чиқариш нақадар аҳамиятли бўлмасин, бир қанча муҳим жараёнлардаги аввало адабиётга баҳо бериш ва уни танлаш ишлари яқин келажакда қўлланмаларни тузувчи одамлар ақли билан бажарилади. Бу ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ғоявий таърифи билан боғлиқдир, бу эса материални танлаш чоғида автоматлар бажариши мумкин бўлган матнларни семантик таҳлил қилиш билан чекланиш имконини бермайди.

Адабиётларни аниқлаш ва танлаш

Жорий библиографик кўрсаткичлар учун зарур материални аниқлаш, одатда, у ёки бу ахборот марказлари фондларига янги тушган адабиёт асосида олиб борилади. Кутубхонага келиб тушган адабиётлар кўргазмаларини кўздан кечириш йўли билан китоблар танланади, журналлар ва тўпламлардан олинган мақолалар тасвирланади. Умуман тизим халқаро босма махсулотни қамраб олишга ҳаракат қилади.

Материални аниқлаш бир ёки бир қанча ахборот марказлари фондлари билангина чеклаш юзаки мезон эмас. Бунга сабаб шуки, уларнинг фондларини комплектлаш принципи жорий нашрлар учун танлаш принципига, яъни илмийлик, мутахассислар талабига мос бўлиш принципига ўхшашдир. Кутубхона фондларида бўлмаган материалларни жорий кўрсаткичларга киритишдан бош тортиш шу нарса билан боғланганки, бундай материаллардан жамиятшуносларнинг кенг доиралари аслида фойдаланиш имкониятига эга эмас. Керакли нашрларни аниқлаш учун чет эл библиографияси манбаларидан фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий фанларга оид жорий кўрсаткичларда мунтазам нашр этилаётган адабиёт, анча тўлиқ акс эттирилади, бундай адабиёт, одатда ахборот марказларига мажбурий нусха тариқасида келтирилади. (Ҳозир ҳам давлат тасарруфидаги нашриётларда мажбурий нусха мавжуд.)

Илмий жиҳатдан аҳамиятли бўлган чет эл адабиётини бирмунча тўлиқ аниқлашга эришиш йирик ҳам тармоқ, ҳам универсал кутубхоналар фондларига тушган адабиёт кўпгина кўрсаткичларда акс эттирилиш рўйхатларни кўздан кечириш йўли билан амалга оширилади. Бундай адабиёт кўп миқдорда китоб айирбошлаш тариқасида юртимизга келтирилади. Узоқ чет эл мамлакатларининг нашрлари юқорида айтиб ўтилгандек, чекланганлиги учун эмас балки, чет эл адабиёти фондларини комплектлашдаги камчиликлар сабабли ҳам тўлиқ аниқланиши мумкин эмас. Ривожланаётган мамлакатлар нашрларини аниқлашда яна ҳам катта муаммолар мавжуд, бундай нашрларни комплектлаш катта қийинчиликлар билан боғлангандир.

Адабиётни аниқлаш жараёнида кўпинча уни дастлабки танлаш ишлари олиб борилади. У ёки бу аниқ олинган тармоқ ёки комплекс кўрсаткичда китоб ва мақолаларни акс эттириш масалалари ҳал қилинади, реферат тузиш учун зарур бўлган материал ажратилади.

Аниқ кўрсаткич доирасида танлашнинг мавзу чегарасини белгилаш танлашнинг муҳим ва мураккаб масаласидир. Одатда, тармоқ жорий нашрлар, аввало, ижтимоий фанлар тегишли соҳалари муаммоларига оид адабиётни (тарихий, иқтисодий ва шу каби

адабиётни) ва амалий фаолиятнинг хилма-хил йўналишлари ҳақидаги адабиётни ўз ичига олади. Ушбу фанга яқин бўлган соҳаларга оид китоблар ва мақолалар бирмунча танлаб, шу тармоқ мутахассисларига фойдали бўлган китоб ва мақолалар киритилади.

Кўпгина жорий кўрсаткичларнинг мазмуни ўхшаш бўлганлиги сабабли услубий қарорларга мувофиқ уларни чегаралаш кўзда тутилади.

Чунончи, Европадаги бир қатор мамлакатлар ҳамда Осиё ва Африкадаги мамлакатлар тўғрисида махсус кўрсаткичларнинг мавжудлиги шу мамлакатлар ҳақидаги адабиётни ИНИОН тармоқ нашрларида тўлиқ акс эттиришни ортиқча қилиб қўймоқда. Айни вақтда Европа ва шимолий Америкадаги мамлакатлар тўғрисидаги мамлакатшунослик материаллари тармоқ кўрсаткичларида анча тўлиқ акс эттирилмоқда.

Социал-иқтисодий тараққиётнинг кўпгина концепциялари, жамият ҳаёти жараёнлари ҳар томонлама хусусда бўлиши, услубий танлаш чегараларини аниқлашда алоҳида қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боисдан ана шундай адабиёт ҳақидаги маълумотлар турли тармоқ мутахассислари учун зарурдир. Масалан, ҳозирги фан - техника инқилоби сингари ғоят муҳим масалаларни, шахс масаласи ва шу каби бошқа муаммоларни файласуфлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, бошқа жамиятшунослар ҳам ўрганишлари мумкин. Бу эса жорий нашрларда материалларнинг асосан, икки фан ўртасида бўлган хужжатларининг биров такрорланишига шубҳасиз олиб келади.

Нашр мавзусини чегаралаш 70-йиллардан бошлаб ИНИОН да айрим нашрларнинг рубрикаторлари бўйича олиб борилмоқда. Ижтимоий фанларга оид барча ахборот нашрларининг ҳам ягона рубрикаторлари ташкил қилинди, уни ишлаб чиқишда ИНИОН гина эмас, шу билан бирга ижтимоий фанлар бўйича жорий ахборотнинг бошқа энг йирик марказлари, шунингдек, чет эллардаги марказлар жумладан МИСОН аъзоси бўлган мамлакатларнинг ахборот марказлари қатнашдилар. ВИК (умумжаҳон ахборот классификацияси) ва айниқса ижтимоий фанлар учун муҳим бўлган бир қанча бўлимлар асосида тузилган ва КБК га яқин бўлган рубрикатор адабиётни танлаш ишини озми-кўпми қатъий тартибга солинган доирада олиб бориш, танлашдаги субъективизмдан ва материални асоссиз равишда такрорлашдан кўп даражада чекиниш имконини беради.

Озми-кўпми тор мавзу доирасида иш кўраётган марказларнинг жорий нашрларида адабиётни танлаш, фаолиятининг у ёки бу соҳаси тадқиқотчиларигина эмас, шу билан бирга амалий иш билан шуғулланувчи ходимларнинг ҳам эҳтиёжларини ҳисобга олиб ўтказилади.

Президент асарлари, оғзаки чиқишлари раҳбарлик материаллари, Давлат ҳужжатлари кенг кўламда танланади, бунда бу асарлар ва ҳужжатлар тармоқ нашри ёки проблемали-тематик, ўлкашунослик нашри (уларнинг ҳисоб даври доирасида эълон қилинган) тематикасига мос бўлиши лозим.

Нашрларнинг ҳар бир турларини танлашга ёндошиш табақалаштирилган. Тадқиқот материаллари: китоблар, мақолалар, диссертацияларнинг авторефератлари, илмий конференцияларда қилинган докладларнинг тезислари ва шу кабилар айниқса тўлиқ танланади. Аналитик давлат библиографияси нашрларида ўлароқ тармоқ жорий кўрсаткичларида илмий журналларгина эмас, шу билан бирга асарлар «Олимларнинг илмий маълумотлари» вақтли бўлмаган тўпламлар, ҳатто баъзан кўрсаткич мавзусига мос бўлган монографик тадқиқотларнинг бўлимлари ҳам кенг тасвирланади. Илмий нашрлар билан бир қаторда тадқиқотчилар учун зарур бўлган ва у ёки бу ахборот маркази фондларида сақланаётган эълон қилинмаган материаллар: депозитга қўйилган кўлёзмалар, препринтлар ва тезкор полиграфик воситалари билан кам нусхада кўпайтирилган бошқа материаллар ҳам кўшилади.

Ўқув адабиёти ва илмий-оммабоп адабиётларнинг малакали мутахассислар учун фойдали бўлган қисмигина анча каттиқ танланади. Одатда, сиёсий маориф тизими учун оммабоп дарсликлар, ўқувчилар учун услубий материаллар ва шу кабилар чиқариб ташланади.

Оммабоп китобларда тадқиқот адабиётига ҳали киритилмаган фактларга асосланган материали бўлган ҳолларда шундай китоблар (масалан, ўлкашунослик тарихий характерга эга бўлган оммабоп китоблар ёки мақолалар, библиографик материаллар ва шу кабилар) жорий кўрсаткичларга киритилади, улар илмий адабиётда ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган жамият ҳаётининг долзарб муаммоларини ёритади, у ёки бу фан вазифалари ва ютуқлари тўғрисида маълумотлар беради. Масалан, «Мамалакат қонунчилигидаги янгиликлар», «Файласуфлар нималар устида иш олиб бормоқдалар, нималар ҳақида баҳслашмоқдалар» туркумидаги оммабоп китоблар ва етарли даражада малакали бўлган китобхонлар учун мўлжалланган бошқа туркумдаги нашрлар ҳисобга олиниши мумкин, лекин, фалсафа, сиёсий иқтисод асарларини ёки бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш учун мўлжалланган материаллар, у ёки бу сиёсий воқеалар билан танишиш учун мўлжалланган адабиёт (тарғиботли - оммавий адабиёт), одатда киритилмайди.

Газета материаллари ижтимоий тармоқ ахборот марказлари жорий кўрсаткичларига деярли жалб қилинмайди. Газеталарда босилган энг муҳим материаллар: раҳбарлик материаллари, жуда муҳим мақолалар, кўпинча «Халқ сўзи», «Народное слово» газетасида

босилган муҳарририят мақолалари ва бошқа баъзи бир асосий газеталарда босилган материаллар бундан мустаснодир. Аввало, нашрларнинг ҳажми чекланганлиги учун газета материалларидан воз кечилади. Айниқса иқтисодий мавзудаги жорий библиографияга газеталардан олинган мақолаларни янада кенг жалб қилиш тўғрисидаги муаммони мутахассислар бир неча марта ўртага қўйган эдилар.

Маълумот адабиёти, библиографик қўлланмалар, дарсликлар ва оммабоп адабиёт сингарилар танланади: энг муҳим справочниклар ва библиографик материаллар эълон қилиниши шаклидан қатъий назар (айрим нашрлар, китоб ичидаги, журнал ичидаги нашрлар) ҳисобга олинади. Оммабоп справочниклар, тавсия библиографик қўлланмалар мавзуси алоҳида долзарб бўлиб, уларда озми-кўпми тўлиқ ахборот бўлган тақдирдагина киритилади.

Иқтисодчилар, қонуншунослар ва бошқалар учун мўлжалланган амалий аҳамиятга эга бўлган адабиётни, шунингдек дастлабки, ишланмаган тадқиқот материали (статистика материаллари, амалий иш тажрибаси биринчи марта умумлаштирилган материал, услубий кўрсатмалар ва бошқалар)ни танлаш масаласи табақалаштирилиб ҳал қилинади. Асосан тадқиқотчилар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари учун мўлжалланган жорий кўрсаткичлар одатда, киритилмайди. Бундай материаллар тармоқ ахборот марказларининг нашрларида анча кенг босилади, чунки улар тармоқлардаги амалий иш билан шуғулланувчи ходимлар учун фойдалидир.

Ижтимоий фанларга оид жорий кўрсаткичларда ҳам танлашнинг юзаки мезонлари қўлланилади, лекин улар танлашнинг сифат мезонлари билан кўпинча боғлиқдир. Булар танлашнинг хронологик доираларидан (бир ой, квартал ичида олинган адабиёт ва ҳоказо) нашр этилган жой бўйича танлашдан иборат.

Ижтимоий – сиёсий мазмундаги вақтли нашрлар ва чиқариш давом этаётган нашрлар саҳифаларида жорий библиографик ахборотни танлашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу муҳарририятларнинг ҳар бири ўз китобхонларини қизиқтирадиган тематикани, улар учун ғоят муҳим бўлган адабиёт турлари ва типларини, шунингдек журнал саҳифаларида озми кўпми катта библиографик материалларни босиш имкониятларини ҳисобга олиб, уларни хабардор қилиб туради.

Адабиётни гуруҳлаш

Жорий библиографик кўрсаткичларга киритиш учун аниқланган ва танланган ҳужжатлар фактларнинг фақат мажмуасидан иборат бўлиб, улар ахборот истеъмолчиларига бир бири билан муайян

боғланган ҳолда етказилиши керак. Бундай алоқалар турли жиҳатларда намоён бўлиши мумкин. Шу боисдан материални кўп жиҳатдан очиб бериш кўрсаткичларда уни системалаштиришнинг асосий тузилишини, унинг бўлимлари, кичик бўлимчаларни ҳамда ҳужжатларни излашга бошқа йўллар билан ёндошиш имконини берадиган кўрсаткичлар (Калитлар) тизимини ўз ичига олади.

Ижтимоий фанлар бўйича жорий кўрсаткичларнинг асосий тузилиши, одатда фан ёки фанлар гуруҳининг реал таркибий қисмига ва амалий фаолиятига мос бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бу тузилмалар кўпинча янги универсал жадваллар (ВИК, КБК) асосига қурилмоқда. Бу эса зарур бўлган ҳолларда айрим фанлар ёки долзарб адабиёт комплексларини деталлаштиришни соқит қилмайди. Масалан, ватан адабиётини ҳисобга оладиган тарих ва фалсафага оид библиографик кўрсаткичлар ва шу фанлар таркибий қисмига асосланади. Фалсафага оид кўрсаткичларда фалсафа тарихи, этика, эстетика ва шу кабилар алоҳида акс эттирилган. Айрим фалсафий фанлар доирасида тузилишларнинг бўлиниши мавзуси тартибда берилган. Умуман фан ва маданият услубий муаммоларга оид материаллар ва уларнинг соҳалари: физика, химия ва шу кабиларнинг, адабиёт ва санъатнинг фалсафий адабиётини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар бошқача тузилишга эга: материал мамлакатлар бўйича жойлаштирилган.

Тарихга оид жорий кўрсаткичларда материал, аввало тарих фанларининг соҳаларига: археология, этнография, Ўзбекистон тарихи, умумий тарих ва шу кабиларга бўлинади. Иккинчи бўлинишлар даражасида – тарихий адабиётнинг энг кўп оммалашган классификацияга мувофиқ тарзда Ватан тарихи ва хорижий мамлакатлар тарихи - даврлар бўйича, археология ва этнография эса ҳудудлар бўйича бўлинади.

Иқтисодга оид кўрсаткичларда иқтисод фанлари қатори структурасига эмас, ва шу билан бирга иқтисодий амалиёт ҳам ҳисобга олинади. Собиқ совет адабиёти кўрсаткичларида халқ ҳўжалигига оид адабиёт бирмунча батафсил системалаштирилган ва кенг акс эттирилган. Схеманинг бу бўлимида иқтисоднинг энг муҳим комплекс (тармоқлараро) муаммоларини сўнгра халқ ҳўжалиги тармоқлари ва территориялари (республикалар, ўлкалар, вилоятларнинг халқ ҳўжалиги) ажратиб кўрсатилган. Бу эса халқ ҳўжалиги структурасига ва мамлакат иқтисодини ривожлантиришни бошқариш амалиётига, иқтисод масалалари билан шуғулланувчи кадрлар структурасига, уларнинг эҳтиёжлари ва ахборот талабларига мосдир. РФАсининг ИНИОН нашрлари жорий библиографик кўрсаткичлар асосий қисми классификацион схемаларининг негизини ташкил этади, улар учун материални тематик танлаш чоғида бўлгани сингари ахборот

нашрларининг рубрикаторлари жойлаштирилади. Бу эса схема асосий бўлинишларининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради, ҳолбуки, уларнинг бундан кейинги бўлиниши янги тематикадаги адабиётнинг пайдо бўлиши билангина эмас, балки кўрсаткични ҳисобга олиш даври мобайнида (кўпинча бир ой давомида) у ёки бу мавзуда материалларни олинишига қараб ўрганиш мумкин.

Ижтимоий фанлар айрим соҳалари материали ўзига ҳос хусусиятларига путур етказмаган ҳолда схемаларни унификация қилишга интилиш ИНИОНнинг барча жорий кўрсаткичларида бир типдаги бўлимлар бўлган тақдирда пайдо бўлади. Фалсафага ва фанлар методологиясига, уларнинг тархига, ҳозирги ҳолатда ва ташкил этилишига (бу ерда обзор характеридаги материаллар жойлаштирилади) бағишланган бўлимлар ажратилади. Схема биринчи бўлимининг охирида маълумотнома ва библиографик характердаги нашрлар учун резерв қилиб қўйилади.

Схеманинг иккинчи бўлинишлари даражасида кўпгина жорий кўрсаткичлардан доимий кичик бўлимлар («типовой бўлинишлар» ёки «блоклар» даражасида) ажратилади. Масалан, тарихий адабиёт кўрсаткичларида тарихий даврлар доирасида доимий рубрикалар: умумий тусдаги адабиёт, территория ва аҳоли, иқтисодий ва социал жараёнлар, социал ҳаракатлар ва оқимлар, сиёсий ташкилотлар, миллатлар ва мамлакатлар ва миллий жараёнлар, миллий сиёсат ва бошқа шу каби рубрикалар ажратилган, бу эса масала юзасидан тарихий даврлардан ҳар бирида муайян шу рубрикаларни кўздан кечириш йўли материални излаш имконини беради.

Доимий бўлимлар ва рубрикалар билан бир қаторда зарур бўлган ҳолларда бирмунча долзарб адабиётни комплектлаш ва мутахассислар эътиборини жалб этиш учун схемада муваққат рубрикалар жорий этилади. Бу рубрикалар, одатда, мамлакат турмушидаги муҳим замонавий воқеаларга (масалан, Олий Кенгаш сессиясига), юбилей саналарига баъзан илмий воқеаларга (ҳалқаро илмий конгрессларга ва шу кабиларга), чет эл мамлакатлар турмушидаги ёки ҳалқаро ҳаётдаги йирик воқеаларга бағишланади.

Ижтимоий фанлар жорий библиографик кўрсаткичлари кўпчилигининг, айниқса ИНИОН нашрларининг схемалари жуда майдадир. Бу эса бирмунча майда рубрикалар доирасида китоблар ва мақолалари алфавит тартибида жойлаштириш имконини яратади. Бироқ эълон қилинган материаллар сонини кўпайиб бориши муносабати билан схемаларнинг ҳаддан ташқари майдалашиб юборилиши кўпинча қидиришни енгиллаштиришга эмас, балки уни қийинлаштиришга олиб келади, чунки рубрикаларнинг мазмуни бир-бирига ўхшаб кетади. Улар ўртасида алоқа кўпинча библиографик ёзувлар номларига йўналтирилма системаси билан таъминланади.

Ижтимоий фанлар бўйича жорий библиографик кўрсаткичлар кўп йиллар мобайнида умуман «калитлар»га эга эмас эди, улар кўпинча авторларнинг, баъзида эса китоб ва мақолалар номлари алфавит рўйхатлари билангина таъминланади.

Кейинги йилларда шу турдаги қўлланмаларга ёрдамчи кўрсаткичлар ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. ИНИОНнинг (иқтисод, фалсафа ва бошқалар) юзасидан кўпгина кўрсаткичларига тармоқ тезаурсларида акс эттирилган предмет кўрсаткичлари пайдо бўлди. Бундай кўрсаткичлар энг янги техника воситалари ёрдами билан тузилмоқда.

Ижтимоий фанлар у ёки бу соҳа мутахассисларининг ахборотга бўлган талабларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган айти «калит»лар жорий нашрлар асосий классификация схема систематик қатори бўлимлари ва кичик бўлимлари (индекслари) бўйича эмас, балки комплекс тарзда: предмет, географик, ном рубрикалари ва бошқалар бўйича ҳам библиографик излашни амалга ошириш имконини беради.

Рефератив нашрларнинг предмет кўрсаткичлари айтиқса муҳимдир, чунки ИНИОН рефератив журналларининг асосий схемаси ҳоят «дағал» бўлиб, бу эса ўша марказнинг библиографик кўрсаткичларига нисбатан уларда акс эттирилган адабиётнинг анча кам миқдорда бўлиши билан боғлиқдир. ВИНТИ рефератив журналларининг асосий схемаси ва унинг тармоғи УДК ахборот марказлари илмий-техника ахбороти системасига мос бўлса, ҳам лекин ижтимоий фанлар бўйича нашрлар учун энг яхши схема деб ҳисобланиши мумкин.

Аннотация ёзиш ва реферат тузиш

Жорий нашрларидаги адабиёт мазмуни уни маълумот аннотация ёзиш ва реферат тузиш йўли билан очилади. Илмий аналитик ёки библиографик обзорларда, шу жумладан вақтли нашрларнинг саҳифаларида, одатда, китоблар ва мақолалар гуруҳларининг мазмуни, вазифаси ёки бошқа умумий ҳоссалари (нашр этилган жойи, чиқарилган йили, ва ҳоказо) билан боғлиқ мазмуни очиб берилади.

Маълумот аннотациясини ёзиш чоғида чет эл адабиётига эътибор берилади. Ҳозирги вақтда аннотацияларни унификациялаш талабларини ҳисобга олиб, ҳужжатларга аннотация ёзиш услуги ишлаб чиқилмоқда, бу эса ҳужжатларни автоматлаштирилган тарзда қидириш учун зарур.

Ҳужжатни дастлабки таҳлил қилиш жараёнида унинг тематикаси ва мазмунининг сарлавҳага мослиги аниқланади. Китоб ёки

мақоланинг номи етарли даражада информатик бўлса, ватан адабиётини аннотация ёзмай берилади, чет эл адабиёти учун эса сарлавҳани ўзбек тилига таржима қилишга тўғри келди. Башарти сарлавҳа китоб ёки мақоланинг мазмунини очиб бермаётган ёхуд етарли даражада очиб ташланмаган бўлса, (публицистик тусдаги китоб ёки мақолаларда бундай холлар тез-тез учраб туради), у вақтда сарлавҳа аниқланади ёки справка аннотациясида очиб берилади.

Нашр мавзуси аннотацияда бирмунча тор таърифланиши мумкин. Унга анча умумий тушунчалар бериш тавсия этилмайди. Кўриб чиқиладиган нарсани қандайдир янги, мутахассисларга етарли даражада маълум бўлмаган назарий ёки услубий бўлса, у вақтда унинг номидан кейин буларнинг қўлланиш соҳаси тўғрисида тушунтириш берилади. Масалан, «ҳаракатчанлик назарияси» (демография).

Баъзан аннотация номини бир оз кенгайтириш ҳисобига шу ном тўлдирилади. Масалан, сарлавҳа: «Ҳозирги сиёсий мутаффакирлар». Аннотацияда Арендт, Берлин, Макферсон, Окшот, Поппер ва Реле номлари қўшиб қўйилган. Тез-тез ҳужжат мазмунининг территориал параметрлари (масалан «Германия, Япония, АҚШ материаллари асосида»), (хронологик параметрлар) масалан, «1975-1981 йиллардаги тадқиқотлар, докладлар, интервьюлар» ва бошқа параметрлар аниқланади.

Сарлавҳа ноаниқ бўлганида мазмунли аниқлагичлар берилади. Масалан, сарлавҳа – «ғоя, дунёқараш, фан», аннотация «Ҳозирги замон идеологиясининг илмий характери» ёки сарлавҳа «Партия – синф, ҳокимият: аннотация: «Халқ демократик партияси ролининг ўсишига доир».

Кўпинча аннотация масалани кўриб чиқиш жиҳатлари («назарий таҳлил», «тарихий ёндашув», «танқидий таҳлил», «эмпирик тадқиқот» ва ҳоказо), шунингдек кўриладиган жиҳат хусусиятлари (масалан, иқтисод демография, психология нуқтаи назаридан шаҳар транспорти пассажирининг ҳулкини танқид этиш) аниқланади. Библиографик нашрлар тематикаси оқимида бўлган у ёки бу мавзу асосий ҳужжат бўлмаса, бу ҳам аннотацияда қайд қилиб ўтилади. Масалан, «Медицина нима?» номли мавзу ишлаб турган ёки жараён кечаётган шароитларини кўрсатиб бериш йўли билан аниқланади: «ғарбий маданият кризиси шароитида медицина» бу эса мақолани ижтимоий фанларга оид ахборотга киритиш сабабини китобхонга тушунтириб беради. Баъзи аннотацияларда тадқиқотчи - қўлланаётган услублари (айниқса бу услублар янги бўлиб, буларга мутахассисларнинг диққатини жалб қилиш зарур бўлса) очиб берилган.

Танқидий баҳо беришни талаб қиладиган чет эл адабиётига аннотация ёза туриб, ўша аҳвол таъкидланади.

Кўпинча аннотацияда ҳужжатнинг юзаки характеристикалари баён қилинади: «халқаро жамоа монография», «мақолалар тўплами», «халқаро йилликнома» ва бошқалар ёки эълон қилинган материалнинг характери аниқлайди. Масалан, сарлавҳанинг таржимаси: «Юм ва Кант фалсафаларининг ўзаро муносабатлари») ва уни аниқлаш «классик ва ҳозирги авторларнинг интерпретация ва мунозараларида Хрестоматия».

Маълумот аннотация чоғида аннотацияларнинг мазмунигина эмас, шу билан бирга уларнинг тузилишига ҳам эътибор бериш зарур: турли тусдаги маълумотлар мантикий комплексланади, муайян изчилликда жойлаштирилади, таҳрир қилинади ва ҳужжатни машина билан ишлаш олдидан-ҳужжатнинг қидириш образи (ХҚО) тарзида ИНИОН методикаси асосида иш варақасига киритилади. Аннотацияларни таҳрир қилиш вақтида ҳужжат мазмунини акс эттириш тўла бўлиши ва аниқлиги белгиланибгина қолмай, шу билан бирга нормаллаштирилган лексика (тармоқ тезауслари, жорий нашрларининг тезаусланган предмет кўрсаткичлари)нинг мавжудлиги назарда тутиб, аннотацияда қўлланган терминология ҳам аниқланади. Масалан, ҳужжат ва аннотацияда эслатиб ўтилган «нацизм» терминини таҳрир қилиш жараёнида дискрептор сифатида қабул қилинган «фашизм» термини билан бемалол алмаштирилиши мумкин. Шу билан бирга фалсафай жорий бюллетеннинг ёрдамчи кўрсаткичида шу фан тушунчаси («эзгулик» ва «ёвузлик») тамомила тўғри акс эттирилган «Яхши ва ёмон» деб аталган аннотацияда ҳужжатнинг терминларини ўз ичига олган грамматик конструкцияларининг фалсафий аҳамияти» терминларига якин акс эттирилиши мумкин. Аннотацияларда тушунчаларни таърифлаш қоидалари кўпгина ижтимоий фанлар (фалсафа, иқтисод ва маданият ва бошқа) терминлари учунгина мавжуд бўлмай, шу билан бирга географик номлар (шу жумладан, тарихий, география ҳам) этнография терминлари, хронологик даврлар учун ҳам зарурдир. Аннотацияларда барқарор сўз бирикмаларининг қўлланиш, атоқли отларни, ташкилотлар, муассасалар ва шу кабиларни тақдим этиш формаси нормаллашди. Терминлар полисемияси (масалан, «Алоқа (филос.)» ва «Алоқа (тармоқ)», «Статистика (фан)», «Статистика (маълумотлар)» ҳолларида тушунтирадиган моментларининг зарурлиги кўзда тутилган, инверсияларни қўлланиш қоидалари ишлаб чиқилган.

Шу нарса алоҳида қийинчиликлар туғдирадики, ижтимоий фанларга оид адабиётнинг ўзидаги терминология ҳамма вақт нормаллаштирилган эмас, бир хил қўлланилмайди. Турли фанда у ёки бу номлар мос бўлган терминларни талқин қилиш кўпинча ҳар хилдир. Сўзлар тексти мос бўлган ҳолда, у ёки бу термин маъносида

(аҳамиятида) ана шундай ҳилма-ҳилликлар мавжуд бўлган ҳолда одатда тегишли тушунтиришлар бериш зарур.

Ижтимоий фанлар бўйича рефератив жорий нашрларда материал бир мунча тўлиқ очиб берилади. Ана шу тармоқлар адабиётига реферат тузиш методикаси асосан ИНИОНда ишлаб чиқилмоқда. Ижтимоий фанларга оид китоб ёки мақолага реферат ёзиш – юксак малакали интеллектуал (кўпинча илмий) ишнинг махсус жанридир. Бу иш кутубхона-библиография мутахассислари томонидан эмас, балки фаннинг у ёки бу соҳаси мутахассислари – тарихчилари, иқтисодчилари, шу кабилар томонидан олиб борилмоқда. Шу сабабдан биз реферат тузиш услубини умумий тарздагина ёритдик.

Ижтимоий фанлар, ижтимоий фаолият-фан ва амалиётнинг шундай соҳаларидирки, буларда назарий тузилишлар, методологик моментлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан ана шу мавзудаги адабиётга реферат ёзган чоғда фактларга асосланган материалга, тадқиқот услубларига, хулосаларга ва натижаларгагина эмас, шу билан бирга муаллиф муҳокамаларининг боришига ҳам эътибор берилади, унинг концепциялари таҳлил қилинади, услубий йўл-йўриқлар берилади.

Реферат текстининг ўзида ҳужжат аҳамиятига ёки унинг авторини позицияларига бевосита баҳо бериш ҳамма вақт ҳам намоён бўлмайди, чунки уни рефератив нашрга киритиш унинг долзарблигини, мутахассисларга фойдали эканини кўрсатувчи далилдир. Асосан методологик жиҳатдан бизга ёт бўлган позицияларда туриб ёзилган ҳамда сохталаштирувчи фактлардан ва шу кабилардан иборат ишларга реферат текстида ҳозирги замон позицияларидан туриб бевосита танқидий баҳо берилган.

Рефератларда ҳужжатларнинг бирмунча қимматли қисми акс эттирилиб, ахборот актуаллигини йўқотиб қўйган ва аҳамияти кам бўлган ҳужжатлар ташланибгина қолмай, шу билан бирга мазмуни социал тараққиёт мақсадларига мос бўлган китоб ёки мақолаларининг сиёсий тарбиявий аҳамияти ҳам ҳисобга олинади.

Ижтимоий-сиёсий адабиётнинг бир қисмида (асосан тарихий, социологик адабиётлар) фактлар, воқеалар кўп тасвирланган, баъзан амалий шу жумладан методик тавсиялар (иқтисодий, аниқ-социологик адабиёт) берилган. Ана шундай материалга характеристика бериш зарурлиги рефератнинг энг муҳим қисми-фактларнинг ўзига характеристика бериш эмас, балки у ёки бу муаллиф уларни тушунтириб бериш, концепцияларидир. Бу ерда реферат, кўпинча реферат ёзилаётган манба доирасидан четга чиқишга мажбур бўлади, авторнинг дунёқараши, услубий позициялари, унинг у ёки бу илмий йўналишга, мактабга мансублигини ҳисобга олиб, унинг мазмунини ижодий ўзгартирилади. Реферат рецензияга айланмаслиги керак,

рецензияда, муаллиф кўриб чиқиладиган муаммолар доирасини ёритишни қанчалик чуқур ва муваффақиятли эгалаганлигига баҳо берилади.

Рефератда одатда, ишнинг мақсади таъкидланади. Муаллиф бу мақсадни аниқ таърифлаган бўлса, баъзан цитата, текстдан олинган парча билан таъкидлайди. Китоб ёки мақолаларнинг объектив қимматлигига, автор билдирган фикрга у қўйган мақсадга мос келмаса, реферат материалнинг мутахассислари учун чинакам қимматли эканини таърифлайди, реферат ёзиш учун уни танлаган важини асослаб беради.

Реферат ҳужжатда баён қилинган фактларга асосланган материални очиб бера туриб, уни шунчаки тафсирлаб қолмай, уни аниқлаш манбаларига баҳо ҳам беради. Янги ноёб мутахассисга кам маълум бўлган фактларга асосланган материалга алоҳида эътибор беради.

Реферат ёзиш услубида рефератларнинг мазмунига эмас, шу билан бирга уларнинг тузилишига ва услубига ҳам эътибор берилади. Ҳозирги вақтда ижтимоий-сиёсий мазмундаги рефератларнинг ҳажми, композицияси ва услубини ҳали қаттиқ тартибга солиб бўлмаётганлигига қарамай, реферат ёзишда баъзи бир камчиликларга йўл қўйишга, унинг элементларини изчиллигини белгилаб берувчи: муаллиф ҳақида маълумотлар, ишнинг мақсади, қўлланиладиган услубиёти, манбалар базаси ва унинг тўлиқ бўлиши, китоб ёки мақоланинг умумий таркибий тузилиши, хронологик ва ҳудудий чегаралари ва шу кабиларни белгилаб берувчи рефератнинг «блок» структурасини тузишга ўриниб кўрилмоқда. Рефератларда маънавий «блок»лар рефератив журналларнинг рубрикаторларига мувофиқ жойлаштирилади. Ижтимоий фанлар бўйича рефератлар ёзиш умумийдир: булар - таърифларнинг чет сўзлар ва жумлалар таржималарининг, профессионал терминларнинг аниқ ва лўнда бўлишидир.

Адабиётга реферат ёзиш чоғида кўпинча олимлар қўлламайдиган терминларга дуч келамиз. Бу терминлар баъзан китобхонни долзарб муаммодан абстракт-социологик, техник табиий-илмий терминология томон олиб кетиш мақсадини ўз олдига қўяди. Бундай ҳолда референт ана шундай терминологияни ёки уни қўллаш усуллари танқидий таҳлил қилиш йўли билан баъзи идеологларнинг ғайри илмий ёндашувларини фош қилишга интилади.

VIII-бoб. РЕТРОСПЕКТИВ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

а) Муаммоли – мавзули кўрсаткичлар

Умуман фаннинг шу жумладан ижтимоий фанларнинг ривожланиши тармоқ ва ички тармоқ табақаланиши билангина эмас, балки интегратив карама-қаршиликлари билан ҳам характерланади. Илмий муассасалар тизимида тармоқ муассасалари билан бир қаторда одатда, билимнинг турли тармоқлари мутахассисларининг иштирок этишини талаб қилаётган энг муҳим, мураккаб ва долзарб масалаларини ишлаб чиқиш учун ташкил қилинаётган комплекс – муаммоли институтлар, илмий кенгашлар, гуруҳлар ишлаб турибди. Бундай жамоаларнинг фаолияти фақат тармоқ ретроспектив библиографик ахборот билангина етарли даражада таъминланиши мумкин эмас.

Жамиятга раҳбарлик қилишга оид амалий фаолиятнинг кўпгина йўналишлари ҳам комплекс ҳарактерга эга, чунки бунда унинг ривожланиши энг хилма-хил сиёсий, социал, иқтисодий ҳуқуқий ва кўпгина бошқа жиҳатларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Илмий кутубхоналар мамлакатимизни илмий техникавий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини комплекс ахборот билан таъминлаш дастурларини, шу жумладан ҳудудий дастурларни ҳам ишлаб чиқмоқдалар. Комплекс проблемали тематик ретроспектив кўрсаткич ана шундай ахборот талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Бундай кўрсаткичлар кўпчилик тармоқ ретроспектив қўлланмалари сингари кўпгина историографик мақсадларини кўзлайди. Уларнинг вазифаси-анча янги, илмий ёки амалий қимматини тўлиқ сақлаб қолган адабиёт тўғрисида тармоқлараро ахборот беришдан иборат. Бундай қўлланмаларни тематикаси, уларда материални танлаш мезони, аввало бирмунча долзарб илмий ва ғоявий муаммолари билан боғлиқдир.

Масалан: «Демократик жамиятнинг ривожланиши. Марказий ва жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида шундай жамият барпо этиш назарияси ва амалиёти» деб аталган ва ҳар йили чиқариб туриладиган кўрсаткичлар ҳозирги босқичда реал демократизм муваффақиятларини ва демократия назарияси ривожланишини акс эттириш мақсадини ўртага қўяди. Бу кўрсаткичлар ривожланган жамият барпо этишнинг умумий муаммоларига оид адабиётни (китоблар ва мақолаларни) ҳам, шунингдек Европадаги айрим мамлакатлар тўғрисидаги адабиётни ҳам ўз ичига олади. Бундай фалсафий, тарихий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуққий муаммолар ва унинг барча жиҳатлари ҳисобга

олинади. Йиллик кўрсаткичлар ИНИОН нинг жорий библиографик нашрлари асосида ташкил қилинади. МДХ халқлари тилларидаги, чет тилларидаги материалларни ўз ичига олади. Одатда бир йил ичида чиқарилган адабиёт 2-3 жузда ҳисобга олинади. 1 жуз тематик бўлимлар ва рубрикалар асосида системалаштирилган умумий тусдаги материални, қолган жузлари эса айрим мамлакатлар: Болгария, Венгрия, Германия, Польша, Руминия, МДХ халқлари, Чехословакия ҳақидаги материални ўз ичига олади.

Ҳар йили чиқарилиб туриладиган иккинчи кўрсаткич-«Илмий башорат ва иқтисодий башоратлаш» деб аталган кўрсаткичда башоратнинг услубий, фалсафий, социологик, демографик, экологик муаммоларига оид, муҳим социал-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш ҳақидаги адабиёт тўпланган. Кўрсаткич 1971-1976 йилларнинг биринчи ярмидаги тўлдирилган комулятив қўлланма билан 1965 йилдан бўёнги материал ҳисобга олиб, йиллик нашр сифатида чиқарилмоқда. Унда фақат энг йирик умумий муаммоларга оид: илмий техника потенциалини прогнозлаш, капитал қурилиш, аҳволи ва меҳнат ресурсларининг миқдори ва шу каби муаммолар ҳақидаги адабиёт жойлаштирилган.

Россия миллий кутубхонаси 90 - йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳозирги босқичда демократик қурилишнинг энг долзарб муаммоларига оид тематик қўлланмаларни мунтазам равишда чиқармоқда. Ҳар йили 6-10 та шундай кўрсаткич чиқарилмоқда. Бу кўрсаткичлар давлат арбоблари, ўқитувчилар, жамиятшунос мутахассислар ва ғоявий соҳада иш кўраётган бошқа ходимлар учун мўлжаллангандир. Шу гуруҳдаги айрим қўлланмалар турли тармоқларга таалуқли бўлиши мумкин, лекин улар биргаликда адабий мероснинг турли жихатларида акс эттириш, унинг амалга ошиши, давлатнинг бошқа ҳужжатларни қандай бажарилаётганини кўрсатиб бериш мақсадини ўз олдига қўйган.

Бундай кўрсаткичларда, одатда, материал уч-беш йилни хронологик жихатдан қамраб олади, лекин кўпинча қўлланма давом эттирилади. У ёки бу муаммолар доирасини ишлаб чиқишда ижтимоий фанлар ютуқлари тўғрисидаги ҳамда давлат ва халқнинг шу соҳадаги амалий фаолияти ҳақидаги адабиёт бирга қўшиб олиб борилади.

/оғавий ва илмий жихатдан муҳим бўлган адабиёт эълон қилиниши жанридан қатъий назар танланади. Баъзан кўрсаткичлар у ёки бу қарор қабул қилинган куннинг мукаммал саналарига бағишланади ва шу қарор қандай бажарилаётганини кўрсатувчи материал берилади (масалан, «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш.

б) Ўлкашунослик ва мамлакатшунослик кўрсаткичлари

Одатда, худудий кўрсаткичлар кўп тармоқли тусга эга бўлади. Чунки улар умуман мамлакат ёки ўлка ҳақидаги материални ўз ичига олади. Бироқ уларда ижтимоий-сиёсий адабиётлар асосий ўрин эгаллайди: кўрсаткичларнинг кўпчилиги бўлимлари худуднинг тарихи, иқтисоди, сиёсий, социал маданий ҳаёт билан боғлангандир. Географияси озми-кўпми кенг ёритилади. Фан ва техникани ривожлантиришга оид адабиётга келганда шуни айтиш керакки, ундан мазмун жиҳатдан ижтимоий – сиёсий бўлимларга кўпинча қўшилиб кетадиган бирмунча умумий тусдаги китоблар ва мақолалар танлаб олинади.

МДХ республикалари тўғрисида шу республикаларда чиқариладиган ретроспектив кўрсаткичлар, одатда, рус тилида ва республиканинг она тилларидаги адабиётни ўз ичига олади. Бундай кўрсаткичлар МДХ марказлари тармоқ ва услубий нашрларини зарур тарзда тўлдиради, бу марказлар кўпчилиги ҳолларда фақат рус тилидаги адабиётларни акс эттиради. Республиканинг кутубхоналари бир қанча йирик ретроспектив кўрсаткичларни, масалан, "Беллоруссия халқ хўжалиги" кўрсаткичини тайёрлади.

Ўлкашунослик қўлланмалари чет мамлакатларга бағишланган бўлиб, бир текис тайёрланмайди. Масалан, Европадаги бир қатор мамлакатлар тўғрисидаги жуда кўп адабиётдан йирик кўрсаткичда Болгария ҳақидаги адабиётгина ҳисобга олинган. «Болгария тарихи» ва «Болгария Халқ Республикаси» кўрсаткич ФБОН томонидан бошланган бўлиб, сўнгра Болгарияда давом эттирилди.

Россия Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти урушдан кейинги йилларда баъзан ИНИОН билан биргаликда Осиё ва Африка мамлакатлари тўғрисида бир қанча кўрсаткичлар тайёрланди. Уларнинг ҳаммаси «...библиографияси» (мамлакат номи) сарлавҳасига эга бўлиб, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Непал, Покистон, Японияга ва шарқдаги бошқа мамлакатларга бағишланган. «Африка ва Араб шарқи мамлакатлари библиографияси» ва Жанубий-Шарқий мамлакатлар библиографияси бирмунча кенг худуд табиатига эга. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси рус тилидаги адабиётни, кўплари эса ўтган давр рус адабиётини ўз ичига олади. Бундай ҳолларда кўрсаткич одатда, икки томда чиқарилади, қўлланмаларнинг тузилиши мамлакат ҳаётидаги турли жиҳатларини акс эттиради. Аннотациялар кам бўлиб улар маълумот тусига эга.

«Осиё, Африка ва Океания мамлакатлари тўғрисидаги адабиёт» кўрсаткичида (1969 йилдан буён чиқарилмоқда) бирмунча янги шарқшунослик адабиёти акс эттирилган. Ҳар бир жуз 1-2 йил ичидаги

материални ўз ичига олади, лекин унда ҳисобга олиш жорий оқимдан анча орқада қолмоқда.

1984 йилда 1979 йиллардаги адабиёт ҳисобга олинган бўлиб йиллик кўрсаткич чиқарилди.

Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари тўғрисидаги мамлакатшунослик кўрсаткичлари фақат айрим қўлланмалар тарзида берилган. 1918-1962 йиллардаги адабиётларни акс эттирган «Англия ва Ирландия тарихи» кўрсаткичи шулар жумласидандир. Мамлакатнинг социал-иқтисодий сиёсий ва иқтисодий, маданий жиҳатлари, географияси тўғрисидаги адабиёт баён қилинган бир қанча тематик қўлланмаларда АҚШ ҳақида рус тилидаги китоблар ва мақолалар ҳисобга олинган. Бу кўрсаткичлар жаъми 1945-1970 йиллардаги материални акс эттирган. ИНИОН 1971 йилдан буён бир-икки хилни ҳисобга олган ҳолда АҚШ тўғрисидаги кўрсаткични чиқармоқда.

«Рус матбуотида Лотин Америкаси» деб аталган рус тилидаги китоблар ва мақолалар кўрсаткичи ҳам 1964 йилдан бери чиқарилмоқда, у икки йиллик материални ўз ичига олади.

в) Тарихий манбалар кўрсаткичлари

Бундай манбалар ичида кўпинча уларнинг турларига қараб бирмунча кўп библиографик ретроспектив қўлланмалар мавжуд. ВНИИДАД муттасил давом эттираётган «Архившунослик, адабиётшунослик манбалар ва ҳужжатлар тўпламлари каталоги» гина анча умумий тусга эга. Каталогнинг тўрт жузида 1917-1970 йиллардаги адабиёт акс эттирилган. Бир мунча янги ҳужжатларнинг рўйхатларини давом этаётган археографик нашрлардан топиш мумкин.

Тадқиқотчилар ҳикоя қилувчи тарихий манбаалардан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Бундай манбалар «Қадимги Россия тарихи кундаликлари ва хотиралари» деб аталган кўп жузли кўрсаткичда бирмунча тўлиқ тўпланган. Бу ерда мемуарларнинг китоблар ва журналларда эълон қилинган мақолаларигина эмас, шу билан бирга мамлакатимиз тарихининг илк даврлари (XV асрдан бошлаб) тўғрисидаги ҳар хил «кичкина хатлар», «ривоятлар» ва бошқа материаллар ҳисобга олинган. Жузлар Россия тарихининг айрим даврлари бўйича: XV-XVIII асрлар, 1801-1856 йиллар, 1867-1894 йиллар ва 1895-1917 йиллар бўйича тузилган. Бутун материал бир схема асосида ёзилган катта аннотациялар билан таъминланган. Кўрсаткичнинг охирида бир неча «калит» кўзда тутилган. Россия миллий кутубхонасининг «XVIII-XX асрлардаги хотиралари ва кундаликлари» деб аталган қўлёзма кўрсаткичи ушбу қўлланмага қўшимча бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жамият тарихига оид хотираларида» кўп жузли қўлланмасига ҳам (қўлланмалар жузлари

1917-1957 йиллардаги мемуарларни айрим нашрлари ва журналларнинг мақолаларини акс эттиради.), тематикаси бирмунча хусусий бўлган кўпгина кўрсаткичларга ҳам киритилган. Булар орасида шахсий кўрсаткичлар, айрим даврлар бўйича кўрсаткичлар бор. Катта кутубхоналарнинг фондларини очиб берувчи кўрсаткичлар ва обзорлар ҳам манбашунослик характериغا эга. Чунончи, БМТнинг Россиядаги депозитари бўлган. ИНИОН фондлари орасида «БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари» обзори тузилди. Россия миллий кутубхонаси «Ленинград Улуғ Ватан урушида: Ленинград матбуоти, 1941-1945» каталогини тайёрлади. Кўпгина бошқа библиографик марказлар ҳам ана шундай қўлланмалар чиқаришди.

Архивларнинг йўл кўрсаткичлари ва уларнинг айрим коллекцияларининг обзорлари ўзига хос библиографик қўлланмадир, булар эълон қилинмаган тарихий манбалар билан танишиш имконини беради.

г) Библиографик қўлланмалар, маълумотномаларнинг кўрсаткичлари

Библиографик ва маълумот қўлланмаларининг кўрсаткичлари Россия миллий кутубхонасининг ташкилий ва услубий раҳбарлигидаги кўпгина кутубхоналарининг куч-қайрати билан ташкил қилинмоқда. Тармоқ библиографиясининг материаллари махсус қўлланмалардагина эмас, шу билан бирга умумий кўрсаткичларда, шу жумладан шу типдаги ўлкашунослик кўрсаткичлари ҳам жойлаштирилган. Масалан, «учинчи даражали» умумий кўрсаткичда (Кандель Б.Л. Ватан библиографик кўрсаткичлари.-Л., 1984) манбашунослик аҳамиятини сақлаб қолган ижтимоий фанларга оид юздан кўпроқ библиографик материални ҳисобга олган. «Кундалик ватан библиографик ахбороти нашрлари кўрсаткичи»да тармоқ жузларидан биринчиси ижтимоий фанларга бағишланган. Бу кўрсаткичда 1977 йилдаги библиографик ва рефератив нашрлар ҳисобга олинган. Уларнинг мазмуни ва характери аннотацияларда очиб берилган. Йўл кўрсаткичларидан фойдаланиб, шу нарсани назарда тутиш керакки, кундалик библиография тизимида, айниқса иқтисодий ва техникавий соҳада 1978 йилда анча муҳим ўзгаришлар рўй берди. Давлат ёки тармоқ кундалик ахборот нашрлари янги материаллар ҳисобига қўлланмалар тўғрисидаги ахборотни тўлдириш мумкин. «собиқ совет библиографияси» йилномасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий библиография ривожланишининг рўйхатларигина эмас, шу билан бирга ҳар йилги обзорлари ҳам бор.

Ижтимоий фанлар юзасидан библиографик қўлланмаларнинг кўрсаткичлари асосан тармоқ кўрсаткичларидир. Шу турдаги тематик кўрсаткичлар кам. Буларда акс эттирилган материал биргаликда

библиографик қўлланмаларининг фаол ҳаракатидаги тизимидир. У библиографик ресурсларни аниқлаш ва тизимлаштириш учунгина эмас, шу билан бирга уларни тайёрлашни шундан кейин бошқариш мақсадида уларни таҳлил қилиш учун ҳам кенг фойдаланилади. ИНИОН ходимлари айна ана шундай таҳлил асосида ижтимоий фанлар бўйича библиографик қўлланмалар тизимини ривожлантириш моделини туздилар, олимларнинг айрим гуруҳларини библиографик таъминлашда сукутларни ҳамда илмий жиҳатидан аҳамиятли бўлган ҳужжатларни тематик ва хронологик ретроспектив қамраб олишдаги «дарчалар»ни аниқлайдилар.

Иккинчи даражали кўрсаткичларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тематикадаги ватан библиографик қўлланмаларигина эмас, шу билан бирга чет эл библиографик қўлланмалари ҳам акс эттирилади. Улар кўпинча алоҳида-алоҳида библиографияланади, чунки бундай тематикадаги чет эл қўлланмалари энг катта ахборот марказлари ва кутубхоналари томонидангина комплектланиб, истеъмолчиларнинг анча тор доираларига эга. Бундай кўрсаткичлар одатда айрим нашрларни, китоб ичи ва журнал ички библиографик материалларини, асосан илмий-ёрдамчи тусдаги материалларни ўз ичига олади. Тавсия библиографик қўлланмалар бирмунча тўлиқ илмий-ёрдамчи кўрсаткич. Тавсия библиографик кўрсаткич эса етарли даражада кўп адабиётни ўз ичига олиб, мутахассислар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳолларда жалб этилади.

Тарихий тематикадаги кўрсаткичларда ўз библиографик қўлланмаларидан ташқари одатда манбашунослик ва тарихшунослик обзорларни топиш мумкин, бундай обзорлар адабиётга йўналтирилмаларга эга бўлиб, булар библиографик излаш учун наф келтириши мумкин.

Қўлланмаларни таснифлаш, одатда КБК бўйича олиб борилади, бу эса айрим тармоқ кўрсаткичлари ўртасида алоқа ўрнатиш имконини беради. У ёки бу қўлланма тематикасига яқин ва ўхшаш масалалар юзасидан иккинчи даражадаги мавжуд кўрсаткичлар унинг бўлимларини кириш текстларида ёки остидаги изоҳларда келтирилади. «Ўзбекистон тарихи» ва шу каби библиографик қўлланмаларнинг кўрсаткичларида айна шундай қилинган эди.

Библиографик қўлланмаларга ёзиладиган аннотациялар озми-кўпми бир хил характери ишлаб чиқилди: қўлланманинг хронологик, тил, тематик, қамрови структураси ва бошқа услубий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилади, кўпинча киритилган адабиётлар миқдори кўрсатилади.

Кейинги йилларда маълумотнома нашрларининг кўрсаткичлари чиқарила бошланди, булардан фактографик маълумотлар бажариш учун фойдаланиш мумкин, лекин бунда бевосита эмас, балки зарур

маълумотномаларни олдиндан аниқлаш йўли билан шундай қилиш мумкин. Иккинчи даражали библиографияларда ва маълумотномаларнинг кўрсаткичларида тарихий тематика бир мунча кенг акс эттирилган.

«МДХ тарихи» (Собиқ «СССР тарихи») қўлланмалари аннотацияланган кўрсаткичининг ҳозир учинчи нашрида XIX аср бошидан то 1982 йилгача рус тилида эълон қилинган 1000дан зиёд қўлланма берилган. МДХ тилларидаги кўрсаткичлар рус тилидаги материалларга эга бўлган ҳолдагина олинган. Кўрсаткичнинг кириш қисмида 150 йилдан кўпроқ вақт ичидаги ватан тарихи библиографияси ривожланиши ҳақида очерк берилган. Кўрсаткичга тарихий библиография жуда кенг танланган: МДХ тарихи айрим даврлар ва мавзулар бўйича олинган, тарихий манбалар, маълумотномалар нашрларнинг кўрсаткичлари, тарихий журналларнинг мазмуни, МДХ тарихи фани тарихга оид, илмий жамиятлар ва мутахассисларнинг фаолияти тўғрисида кўрсаткичлар ва обзорлар, тарихчиларнинг шахсий кўрсаткичлари берилган.

Бўлимларнинг аннотацияларида ва кириш текстларида мазмун, ҳисобга олиш даври ва қўлланмаларга киритилган бошқа параметрлар очилибгина қолмай, шу билан бирга бирмунча кенг ёки бир-бирига яқин мавзуларга оид бошқа мавжуд библиографик материалларга, шу жумладан катта кутубхоналарнинг фондларида сақланаётган ва эълон қилинмаган библиографик қўлланмаларга кўпинча йўлланмалар берилади.

Мамлакатимиз айрим жойларининг тарихи республикашунослик, ҳудудий ва ўлкашунослик характеридаги кўрсаткичларда анча кенг ёритилган. Бунга Шелихова Н.М., Ровнер О.С.нинг «Украина тарихига оид рус ва украин библиографиясининг библиографияси (1956-1965)». (Киев, 1966) кўрсаткичини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

«Революциягача бўлган Россия тарихига оид справочниклар» кўрсаткичи китобхонларнинг ғоят кенг доиралари учун мўлжалланган, ҳозиргача икки марта чиқарилди. Унинг вазифаси маълумот нашрларни тематик жиҳатидан ҳам типологик жиҳатидан ҳам танлашнинг ғоят кенг диапазонини белгилаб беради. Унда энциклопедиялар ва луғатлар (Библиографик, лингвистик ва х.к.) воқеаларнинг хроникалари ва йўл кўрсаткичлари (шаҳарлар, жанговар шуҳрат жойлари, музейлар, архивлар ва шу кабилар) адрес календарлари, аҳоли пунктлари, фабрикалар, заводларнинг рўйхатлари ва бошқа соф маълумот нашрларидан ташқари хилма-хил статистик нашрлар, шунингдек баъзи монографиялар, тарихий манбалар нашрлари ва иловаларида ёки текстнинг ўзида маълумот бўлмаган нашрлар киритилган. Маълумотномалар тематикаси жиҳатидан социал-сиёсий, иқтисодий тарихни, фан тарихини, маданият, маориф,

армия ва флот тарихини, Россиядаги айрим губерниялар ва маъмурий районларнинг тарихини аск эттиради. Кўрсаткичда «калитлар» кенг тизимининг бўлиши унинг маълумот сифатидаги аҳамиятини оширади, бўларда кўрсаткичга нисбатан эҳтимол тутилган талабларнинг турли жиҳатлари кўзда тутилган.

«Этнография» деб аталган библиографик қўлланмалар кўрсаткичи 1851-1969 йилларда рус тилида эълон қилинган МДХ халқлари этнографиясига оид материаллар киритилган.

Чет мамлакатлар тарихи бир қанча кўрсаткичларда акс эттирилган. Б.Л.Канделнинг «Чет мамлакатлар тарихи» деб аталган кўрсаткичида 1857 йилдан то 1965 йилгача бўлган давр ичида рус тилида эълон қилинган библиографик қўлланмалар (1200 дан ортиқ ном) берилган. Г.П.Поченко билан И.И.Фролованинг шу номдаги кўрсаткичида Европа мамлакатлари, Америка ва Океания мамлакатлари, Австралия тарихига оид, МДХ кутубхоналари фондларида мавжуд чет эл кўрсаткичларида обзорлар тўғрисида маълумотлар (1400 номдан зиёд) акс эттирилган. Унда тил қамрови Европа тиллари билан чекланган. Тарихчиларнинг шахс кўрсаткичлари қўшилмаган.

«Чет мамлакатлар тарихига оид чет эл маълумотномалари» кўрсаткичи ҳам ўшандай ҳудудий ва тил қамровига эга. ФБОН-ИНИОН тайёрлаган бир қанча кўрсаткичлар ва обзорларда ҳам мамлакатшунослик чет эл маълумотномалари ва библиографик қўлланмалар ҳисобга олинган.

«Иккинчи жаҳон уруши йилларида Европа мамлакатлари, «қаршилик кўрсатиш антифашист ҳаракати» кўрсаткичи библиографик қўлланмалар тематик кўрсаткичининг намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унда 1945-1975 йилларда чиқарилган Европа тилларидаги МДХ ва чет эл библиографик қўлланмаларини (450 номдан ортиқ) кўриш мумкин. Айрим мамлакатларда қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг авж олиши мавзуининг турли жиҳатлари ва муаммолари акс эттирилган. Хужжатлар айрим турлари: қаршилик кўрсатишга оид адабиёт, мемуарлар, бадиий адабиёт кўрсаткичлари берилган. Иловада мустақил библиографик қўлланмалар чиқариш хронологиясининг жадвали берилган, бу жадвал мавзу бўйича библиография тарихини кузатиш имконини беради.

Иккинчи даражали, иқтисодий библиография -иқтисод ва иқтисодий тафаккур тарихи ва МДХ иқтисоди ва чет эл иқтисодий библиографиясига оид кўрсаткичларда берилган.

Бу кўрсаткичларнинг биринчисидан Россияда иқтисодий библиография ривожлана бошлашдан (1812 йил) то 1972 йилгача бўлган даврдаги материал берилган. Унда сиёсий иқтисод ва иқтисодий тафаккур тарихига оид, шу жумладан иқтисодчи олимлар

тўғрисидаги қўлланмаларгина эмас, бу билан бирга шу тематикадаги библиографик қўлланмаларни ўз ичига олган бирмунча умумий тусдаги кўрсаткичлар: умумиктисодий библиография кенг акс эттирилган.

«МДХ иқтисоди» иккинчи нашрининг кўрсаткичлари 1917-1977 йилларда нашр этилган қўлланмаларни ўз ичига олган, яъни аниқ халқ хўжалиги ҳақидагина эмас, шу билан бирга унинг тарихи тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга. Бу қўлланмалар тематика жиҳатидан хилма-хил: МДХ ва 1917гача бўлган иқтисодий тарих, айрим регионлар ва халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисоди, махсус иқтисодий фанлар ва хўжалик юритиш амалиёти, режалаштириш, молия, статистика ва шу каби бошқа масалалар ёритилган.

«Иқтисодга оид библиографик қўлланмалар» кўрсаткичида Европа, Америка ва Океаниядаги мамлакатларнинг Москва кутубхоналарида мавжуд, шунингдек библиографик йўл билан аниқланган ва уларнинг фондларида бўлмаган Европа тилларидаги нашрлар ҳисобга олинади.

Тарих сингари ҳудудий иқтисод ҳам библиографик қўлланманинг республикашунослик ва ўлкашунослик кўрсаткичларида акс эттирилади. Масалан, М.И. Кирсанованинг «Сибирь ва узоқ Шарқ хўжалиги библиографиясининг аҳволи ва унинг муаммоси 1968 йиллардаги библиографияларнинг обзорлари» (Новосибирск, 1969.-143б.) шунингдек унинг «Сибирь ва Узоқ Шарқ халқ хўжалиги библиографиясининг синхронистик жадваллари (1921-1970)» Новосибирск, 1971.-144 б. шундай кўрсаткич жумласидандир.

Ҳуқукий фанларга оид 1831-1970 йиллар ичидаги ватан библиографик қўлланмалари «Юридик адабиёт» кўрсаткичида тўпланган. Унда асосан рус тилидаги нашрлар ҳисобга олинган. МДХ халқлари бошқа тилларидаги қўлланмалар уларда рус адабиёти ҳам жойлаштирилган тақдирдагина жалб қилинган. Давлат ҳужжатларининг кўрсаткичларига назарияга, тарихга, ҳуқуқнинг айрим соҳаларига оид ҳуқукий адабиёт библиографияси ҳам киритилган. Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги материаллар ҳаммадан кўп берилган.

«Халқ маорифи, Педагогика фанлари» кўрсаткичида ҳам фақат ватан библиографик қўлланмалари акс эттирилган. Унда материални танлаш принципи ҳам ўшандай: XIXаср ўрталаридан то 1978 йилгача алоҳида рус тилида эълон қилинган китоб ва китоб ички ва журнал ички, китоб ёни ва мақола ёни библиографик материаллар (1015 ном) берилган. Кўрсаткичнинг тематик чегаралари – умумий педагогика, халқ маорифининг тарихи ва ташкил этилиши, шунингдек педагогика фанларининг айрим соҳалари ва муаммолари ҳамда халқ маорифининг ҳамма босқичлари (мактабгача тарбиядан тортиб то олий таълимгача)

унинг муаммоларидир. Билимнинг бир-бирига яқин ва ўхшаш соҳаларидан болалар психологияси ва педагогик психология ҳамда мактаб гигиенасига оид қўлланмалар жалб қилинган. Аннотацияларда библиографик қўлланмаларнинг очиб берилган, ҳисобга олинган адабиётлар турлари, тил ва хронологик доиралари, ҳажм, структура, ёрдамчи аппарат тилга олинган.

Библиографик қўлланмаларнинг кўрсаткичлари тармоқ библиографик тизимлари реал ҳолатда муқаррар орқада қолаётганини ҳисобга олиб, илмий тармоқ ва махсус кутубхона-библиографик журналлар саҳифаларида мунтазам равишда босилаётган обзор материалларга эътиборни қаратиш зарур. Бундай обзорларда библиографик қўлланмалар, кўпгина айрим библиографик марказлар ва шу кабилар чиқарган тармоқ, мавзу бўйича янги шундай қўлланмалар таҳлил қилинади. Бундай қўлланмалар кўпинча юбилей саналарига бағишланиб босмадан чиқарилади ёки улардан муайян давр мобайнида тармоқ библиографиясининг ривожланиши таҳлил қилинган бўлади.

Мутахассисларнинг библиографик таъминлаш тизимида кўпинча энг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишланган, эълон қилинган библиографик қўлланмаларда ҳали акс эттирилмаган, эълон қилинмаган библиографик ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Мамлакат кутубхоналарида, ахборот марказларида сақланаётган ва эълон қилинмаган библиографик ишлар йиғма кўрсаткичи буларни билиб олишда ёрдам беради. 1960-1973 йиллар мобайнида бизни қизиқтирувчи тематикадаги библиографик қўлланмалар «Ижтимоий фанлар, бадиий адабиёт, санъат», МДХ кутубхоналари тузган библиографик рўйхатлар ва картотекаларнинг йиғма кўрсаткичи» Россия Миллий кутубхонаси нашрида акс эттирилган.

д) Тармоқ ретроспектив кўрсаткичлар

Ретроспектив библиография ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида бўлиб ўтган ўзгаришларни ўзида тўлиқ акс эттиради. Унда маънавий меросимиз, қадриятларимиз тўлиқ ўз аксини топади. Шунинг учун бу хазинани асоси бўлмиш ретроспектив тармоқ кўрсаткичларига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Тармоқ ретроспектив кўрсаткичлари ялпи тарзда ижтимоий фанларнинг табақалашуви ва тармоқлараро ҳисобга олиниб, шу фанларнинг бутун тизимини ташкил этиш лозим. Ижтимоий фанлар соҳалари бўйича адабиётнинг, айниқса тарихий ва иқтисодий фанларнинг, миқдори жуда кўп бўлиб, кадрларни ихтисослаштириш эса озми-кўпми тор бўлганлиги сабабли кўрсаткичлар кўпинча умуман тармоқ эмас, балки фаннинг катта бўлимларига бағишланган.

Кундалик библиография умумтарихий ёки умумфалсафий библиография бўлса, у вақтда ретроспектив кўрсаткич умуман дунё тарихи бўйича материални эмас, балки ўрта асрлар, янги давр тарихига ва шу кабиларга оид материалларни акс эттиради. Умуман иқтисод бўйича эмас, балки аниқ иқтисод, халқ ҳўжалиги тарихига ва шу кабиларга оид материал ёритилади.

Ижтимоий фанларнинг турли соҳаларда тармоқ қўлланмалари бир хил эмас. Умуман дунё тарихига оид материал китоб ички библиографиясида «Дунё тарихи» йирик умумлаштирувчи илмий асарлар тўпламларида берилган, бу ерда жаҳоншумул тарихий жараённинг давлари ва бўлинишига мувофиқ энг муҳим адабиёт ва тарихий манбалар асосий нашрларининг рўйхати берилган. Бу Россия адабиётигина эмас, шу билан бирга 1917 й.гача бўлган Россия ва чет эл адабиёти ҳам жалб қилинган. У ёки бу давр ёки муаммо юзасидан маҳсус илмий ёрдамчи библиографик кўрсаткич бўлган ҳолларда одатда, у ҳам келтирилади, сўнгра эса бир мунча янги китоблар билан тўлдирилади.

Бундай рўйхатларда материалларни танлаш етарли даражада жиддий ўтказилмаган бўлсада, улар энг муҳим манба ҳисобланади, чунки тематика бўйича ҳам (масалан, энг янги тарих бўйича) 1917 й.гача бўлган ва чет эл адабиёти ҳисобига алоҳида нашр этилган ретроспектив қўлланмалар тизимидаги камчиликни тўлдириш мумкин, бундай адабиётнинг кўпчилиги айрим нашр этилган кўрсаткичларга эга эмас.

Баъзи нашрлар қадимги замонлардан тортиб, то ҳозиргача бўлган даврдаги республика тарихига оид адабиётни, бошқалар эса шўролар давридаги адабиётни қамраб олади. Афсуски, бундай кўрсаткичлар ҳозирча барча иттифоқдош ва автоном республикаларда тайёрлангани йўқ ва мавжудларини ҳам қайта қуриб чиқиш керак.

Айрим ўлкалар ва областлар тарихига оид материаллар кўпинча вилоят кутубхоналари чиқараётган умумий тусдаги кўрсаткичларда, шунингдек одатда муҳим ва унтилмас саналарга бағишланган тематик кўрсаткичда акс эттирилган.

РПИБ В.И.Межовнинг «Рус тарихий библио-графияси», асарини давом эттиришга ўриниб кўрган бўлса ҳам, 1877-1917 йиллардаги рус тарихий адабиётни ҳисобга олиш муаммоси ҳозиргача ҳал қилингани йўқ. Шу йиллар мобайнида чиқарилган тарихий, филологик ва универсал журналларни ялпи кўздан кечириш асосида ташкил қилинган журналларнинг мақолалари ва рецензиялари картотекалари (200.000дан зиёд аннотация ёзилган карточка) шу кутубхонада бор.

Дунё тарихига оид айрим нашр этилган ретроспектив кўрсаткичлар умуман йўқ. Фаннинг бу соҳада эришган ютуқлари дунё

тарихини ўрганишнинг айрим йўналишларини ва даврларига оид бир қанча қўлланмаларда, чунончи, "ассириология (ёзув тарихи) ва шумерологияга (қадим давлат эрамиздан 3000 йил олдин) оид нашрлар" кўрсаткичига китоблар, журналлардан олинган мақолалар тадқиқот характеридаги рецензиялар, диссертацияларнинг авторефератлари, илмий конференциялар, олимларнинг учрашувлари тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек олимларнинг сўз боши ёки шарҳларига эга бўлган шу даврдаги тарихий манбалари текстлари киритилган. Қадимги Греция ва қадимги Рим кўрсаткичида 1895-1959 йиллар мобайнида рус, лотин ва грек тилларидаги китоблар, журналларнинг мақолалари ва газеталарнинг баъзи мақолалари, энциклопедиялар ва библиографик луғатлардан олинган мақолалар(12000 дан кўпроқ ном) ҳисобга олинган. Ҳисобга олиш даврининг 1895 йилгача кенгайтирилиши шу нарса билан боғланганки, шу даврдаги 1917 йилгача бўлган кўпгина эълон қилинган манбалар инқилобгача бўлган даврда ишланган олимларининг ишлари сингари ўз қимматини йўқотган эмас. Грек ва лотин авторларининг эълон қилинган асарлари ва бошқа тарихий манбалар кўрсаткичининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади. Адабиёт тематик жиҳатидан жуда кенг қамраб олинган, чунки антик ҷамият турмушининг айрим жиҳатларини чиқариб ташлаш анча қийиндир. Ўзимиздаги тарихий шу жумладан археологик адабиётдан ташқари, кўрсаткичга филология, география, ҳуқуқ, дин ва мифология, фалсафа фанига оид материаллар киритилган.

«Ўрта асрлар тарихи» кўрсаткичи чет эл ўрта асрлар тарихи, шу жумладан ўрта асрлар тарихини ўрганиш юзасидан 1918 йилдан буёнги адабиётни ўз ичига олади. Бу кўрсаткични МДУ нинг илмий кутубхонаси тайёрлаган. К.Р.Симон унинг биринчи муҳаррири бўлган. Бу эса материални танлаш ва тизимлаштириш чоғида бир хил методик ечимларга эришиш имконини берганди.

Ўша кутубхонанинг ўзи «Янги тарих» кўрсаткичини ҳам тайёрлади. Бу кўрсаткич 1917 йилдан буён чиқарилаётган рус адабиётини ўз ичига олади. У ҳам янги тарихнинг айрим чет мамлакатлар тарихининг баъзи муаммолари ва даврларига оид китоблар ва мақолаларгина эмас, балки историография тусидаги материалларни ҳам: олимларнинг янги тарихга оид тадқиқотларини ҳам акс эттиради. Адабиётни танлаш принциплари ва қўлланма тузилиши тарихига оид шундай бошқа кўрсаткичларга ўхшашдир. Табиийки, схема ушбу тарихий даврнинг хусусиятлари ва шу даврдаги воқеаларни акс эттиради. Нашрнинг 1917-1940 йилларга оид материалларини қамраб олган янги тарихнинг биринчи даври (1640-1870 йиллар) бўйича атиги бир жузи чиқарилди.

«Тарихий фаннинг тарихи» икки томдан иборат кўрсатгичида МДХ даги рус ва бошқа халқлар историографиясига оид: тарихий фанларнинг бўлимлари ёки айрим муаммоларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги айрим тарихчилар ҳақидаги 1917 йилдан кейинги ва 1917 йилгача бўлган адабиётлар тўпланган, МДХ тарихинингина эмас, балки дунё тарихини, айрим чет мамлакатлар тарихини ўрганишда ватан тарихчиларини кўшган ҳиссаси ҳам ҳисобга олинган. Кўрсатгичга рус тилида ва МДХ халқларининг бошқа тилларида ёзилган китоблари ва мақолалари киритилган. Тўрт жумдан иборат бу кўрсатгичга кейинчалик чет эл тарихий фан тарихига оид адабиётнинг акс эттирилиши кўзда тутилади.

Иқтисодий тематикадаги ретроспектив қўлланмалар йирик кўрсаткичлар билан ёнма-ён қуйилган. «Сиёсий иқтисод масалаларига оид библиография»да 1917-1975 йиллардаги рус адабиёти ҳисобга олинган. Бироқ кўрсаткични услубияти такомиллаштирилмаган, шу сабабли махсус матбуотда салбий баҳо олди. Тармоқ бўйича ватан адабиётининг шунга ўхшаш бошқа тўлиқ тўпламлари бўлмаганлиги учунгина биз ундан фойдаланишга мажбур бўляпмиз. Қўлланманинг асосий камчиликлари адабиётини асосиз танлаш билан боғлиқдир. Аннотацияларнинг йўқлиги адабиётга баҳо бериш имконини туғдирмайди.

«Халқ ҳўжалиги» кўрсаткичлар туркуми (ФБОН ИНИОН) иқтисодий тематикадаги энг тўлиқ ретроспектив қўлланма ҳисобланади. Тузувчиларнинг ҳисоблашига кўра, шу тематикадаги адабиётнинг умумий ҳажми 100.000 номдан ошиб кетади. Кўрсаткичлар туркумининг мақсади халқ ҳўжалигига иқтисодчи тарихчиларни қизиқтирувчи барча адабиётларни қамраб олишдан иборат. Туркумининг айрим жумлари халқ ҳўжалиги тарихий даврларга бағишланган».

1917-1920 йиллар (1917-1963 йилларда чиқарилган адабиёт), 1921-1925 йиллар (1921-1974 йилларда чиқарилган адабиёт) беш қисмдан иборат. Иккинчи жаҳон уруши йиллари. (1941-1945 йиллар чиқарилган адабиётларни). 1925-1941 йиллар ва 1945 йилдан кейинги давр бўйича жумлар чиқариш режалаштирилган.

Бутун шўролар ҳокимияти даврида ватан иқтисодининг ривожланиши тўғрисидаги жум туркумни якунлайди. Тузувчилар жум мавзуи ҳисобланган давр учун синхрон материалларини ғоят тўла тақдим этишга, шу тариқа оламга имкони борича тўла манбашунослик юзасини яратиб беришга ҳаракат қиладилар. Кейинги йиллардаги адабиёт янада жиддий танланган: фан учун қимматли бўлган адабиётгина сақланиб қолган.

«Иқтисод тарихи» кўрсаткичи тематика жиҳатидан бирмунча кенгдир. Бу кўрсаткичга 1960 йилдан бери чиқарила бошлаган адабиёт

берилган. Унда фақат халқ ҳўжалиги тўғрисидагина эмас, шу билан бирга мамлакатлар хакидаги, иқтисодий тафаккур тарихига ва шу кабиларга оид адабиёт ҳам бор. У иқтисодчиларга эмас, балки тарихчиларга мўлжаллангандир, лекин иқтисод тарихи муаммоларини ишлаб чиқишда ана шу мутахассисларнинг ахборотга бўлган талаблари бир-бирига ғоят яқинлиги равшан.

«Меҳнат ва социал масалалар» кўрсатгичи (Шу номдаги илмий тадқиқот институтининг кутубхонаси) меҳнат иқтисоди ва турмуш масалаларига оид рус адабиёти тўпламидир. У 1953 йилдан буён «Меҳнат ва иш ҳақи» номи билан йиллик тўплам сифатида чиқарилади, ҳозир эса ҳар беш йилда чиқарилиб турибди. Журналлар ва тўпламлардан олинган ҳамда меҳнат иқтисоди, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат ҳуқуқи ва шу каби кўпгина масалаларга бағишланган ҳужжатлар, китоблар ва мақолаларни ўз ичига олади.

Фалсафага оид ретроспектив кўрсатгичлар тизими 60 йилларнинг ўрталаридагина ташкил қилина бошлади, бунда фалсафий адабиётнинг турли бўлимлари бир хил акс эттирилмас эди.

XIX аср ярмигача бўлган фалсафа тарихи қўлланмаларини хронологик ҳисобга олиш чегарасигача давом этаётган бир қанча қўлланмаларнинг мавзuidир. Манбаларнинг ўзлари, рус ва чет эл файласуфларининг эълон қилинган асарлари ҳам, йирик олимлар тадқиқотлари ҳам шу қўлланмаларга киритилган. «Рус философиясининг тарихи» кўрсаткичи 1917-1977 йилларда чиқарилган китоблар ва мақолаларни, «Чет эл философия тарихи» кўрсаткичи эса 1917-1982 йилларда нашр этилган китоб ва мақолаларини акс эттиради.

Этикага оид адабиётлар социологик тадқиқотлар 1972-1973 йиллардан бошлаб МДХ давлатларида нашр этилган, адабиётларни ҳисобга олаётган ИНИОН тармоқ йиллик кўрсаткичларида акс эттирилган.

1975-1979 йиллардаги материални ҳисобга олиб, «МДХда ижтимоий фанлар кўрсаткичи», (Общественные науки) сиёсий фанлар халқаро уюшмаси XI жаҳон конгрессига атаб чиқарилди. Чунки, политология ютуқлари билан МДХ олимларинигина эмас, шу билан бирга чет эл олимларини ҳам таништириш кўрсаткич олдига қўйган мақсад эди, унинг тексти икки йилда: рус ва инглиз тилларида берилган.

Ҳуқуқ юридик ретроспектив библиография ана шу соҳа айрим бўлимлари қўлланмаларини чиқариш йўли билан ташкил қилинади.

Ҳуқуқшунослик қўлланмаларини Россия Фанлар академияси «Давлат ва ҳуқуқ» институтининг кутубхонаси тайёрлаган. Одатда 1917 йилдан буён чиқарилган давлат ҳужжатлари ва ҳуқуқий адабиётнинг муҳим нашрлари ҳисобга олинган. «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Давлат ва ҳуқуқ умумий тарихига оид библиография»

кўрсаткичлари, шунингдек ҳуқуқий тармоқлари бўйича «Давлат (конституцион) ҳуқуқи», «Меҳнат ҳуқуқи», «Граждан ҳуқуқи», "Оила ҳуқуқи», «Жиноят ҳуқуқи», «Халқаро ҳуқуқ» кўрсаткичлари ва бошқа кўрсаткичлар мавжуд. Ретроспектив юридик библиографияни тузишда баъзи бир регионал марказлари ҳам қатнашадилар.

1917 йилдан буён чиқарилаётган педагогика адабиёти кўп жузлик кўрсаткичида акс эттирилган. У 1917 йилдан кундалик педагогик библиографияга бевосита қўшилади. Илмий методик адабиёт, педагогик иш тажрибасига оид материаллар, бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта умумий таълим мактабининг ўқув режалари ва дастурларида баён қилинган. Жузларда адабиёт бир схема асосида табақалаштирилган, лекин шу билан бирга педагогика тарихи у ёки бу даврининг хусусиятлари ҳисобга олинган. Жузларнинг охирида педагоглар ва халқ маорифи арбоблари тўғрисидаги адабиёт, шунингдек ўша даврдаги асосий педагогика журналларининг рўйхатлари берилган. Кўпгина китоблар ва мақолалар, аннотациялар билан таъминланган, бу аннотациялар сарлавҳаларни аниқлайди, тўпламларнинг мазмунини очиб беради, у ёки бу материалнинг вазифасини кўрсатади.

е) Тематик ички тармоқ кўрсаткичлари

Тематик қўлланмаларда турли ижтимоий фанлар ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳалари ва илмий адабиётда озми-кўпми ёритиладиган муаммолари акс эттирилган, бу қўлланмаларда улар одатда тармоқ қўлланмаларининг тегишли мавзули рубрикаларига нисбатан бирмунча батафсил ишлаб чиқилган. Баъзан эса бунга оммабоп адабиётни янада кўпроқ киритиш ҳисобига мувофиқ бўлинади. Бундай адабиёт муҳим мавзулари жиҳатидан кўпинча тадқиқ қилинаётган нашрдан ўзиб кетади.

Дунё ва Ватан тарихига оид тематик кўрсаткичларга номлар анча кўп киритилган. Бироқ булар ҳам тармоққа нисбатан тизимга сушт кириб бормоқда, чунки тармоқдаги бутун проблематикани тўлиқ қамраб олмаяпти. Аниқ келтирилган кўрсаткичлар иккинчи даражали библиографияда ҳисобга олинган.

Тарихга оид кўпгина йирик ретроспектив қўлланмалар, ишчилар билан деҳқонлар тарихига ва тарихчиларнинг диққат марказида турган бошқа муаммоларга бағишланган. Н.М.Ченцовнинг декабристлар ҳақидаги иши ана шундай кўрсаткич учун мисол бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичда газетада босилган биринчи хабар «Петербургдаги 1825 йил 14 декабрда рўй берган воқеанинг батафсил тасвири»дан бошлаб, 125 йилдан кўпроқ давр ичидаги адабиёт ҳисобга олинган. Унда айрим даврлар, воқеалар, ҳаракат қатнашчилари ҳақидаги адабиёт тарихи

эмас, шу билан бирга декабристларнинг фалсафий, иқтисодий, педагогик қарашларига, уларнинг адабий фаолиятига оид адабиёт ҳам акс эттирилган. «Декабристлар бадий адабиётда» ва «Декабристлар санъатда» деган махсус бўлимлар қўлланмаларда давлатнинг тарихий муаммолари: индустрия, қишлоқлар тарихи ва шу каби муаммолар ҳам ёритилади.

«Биринчи интернационал ва Париж Коммунаси» деб аталган кўрсаткичда жаҳон тарихининг энг муҳим мавзуси ўз ифодасини топди. Бу кўрсаткич 1917-1970 йилларда чиқарилган фақат тарихий адабиёт ҳисобига тузилган.

Халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисоди асосан мавзули ретроспектив кўрсаткичларда ёритилади, бундай кўрсаткичларни Россия ГПНТБ ва унга қарашли тармоқ кутубхоналари, ахборот марказлари, томонидан нашр этилди. Бу қўлланмаларнинг аксарияти хронологик жиҳатдан кичик даврни, одатда, уч-беш йилни камраб олган бўлса ҳам лекин улар бир-бирини давом эттирган ҳолда чиқиб турди. Уларнинг кўплари ватан адабиётини, чет эл адабиётини ҳам ўз ичига олмакда. Бу кўрсаткич 1917 йилдан буён чиқарилган рус адабиётини акс эттирди. Афсуски, кейинги йилларда бу кўрсаткич давом эттирилмаяпти.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо иқтисодига ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари иқтисодига оид мавзули кўрсаткичлар ҳам илмий, ҳам амалий ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш учун мўлжаллангандир. Бу кўрсаткичларда ҳам ватан адабиёти, шунингдек чет эл адабиёти ҳисобга олинган, чет эл адабиётидан мутахассислар учун мамлакатларнинг эълон қилинган китоблари ва мақолалари фойдали бўлиши мумкин.

Бу кўрсаткичларнинг тематикаси у ёки бу тармоқ иқтисодининг долзарб муаммолари билан боғлиқдир. Булардан моддий ёқилғи энергетика ресурсларидан самарали, фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва уни илмий ташкил қилиш масалалари, ишлаб чиқаришни бошқариш муаммолари ва шу каби бошқа муаммолар бир мунча ёритилди. Бу муаммолар тармоқлар аро жиҳатидан ҳам тармоқ жиҳатида акс эттирилди. Масалан, ГПНТБ нинг «Бошқаришдаги янгиликлар ва хўжалик экспериментлари» деб аталган кўрсаткичида МДХ ва чет элларда шу соҳада эришилган ютуқларини ёритишга биринчи марта уриниб кўрилди.

Тармоқ ЦНСХБ ўз кўрсаткичларини у ёки бу тармоққа тадбиқан ўша муаммоларга бағишлаганлар. Кўпгина бундай кўрсаткичлар тармоқ комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги ишларига ёрдам тариқасида тармоқ илмий ва мухандис-техник ҳодимларига ёрдам тарзида чиқарилмоқда.

Тематик кўрсаткичлар фалсафа библиографиясида ҳам ўз ифодасини топтоқда.

XVII Жаҳон фалсафа конгрессига тайёргарлик давомида 1974-1981 йиллардаги адабиётни ўз ичига олган. «Фалсафа ва адабиёт» деб аталган кўрсаткич тузилди. Худди ана шундай конгрессга атаб чиқарилган қўлланмада 1973 йилгача бўлган нашрлар акс эттирилган эди. Ана шу муаммоларни муҳокама қилишнинг асосий йўналишларига мувофиқ мавзуларга оид материал тизимлаштирилган.

IX-бoб. РЕТРОСПЕКТИВ ИЛМИЙ-ЁРДАМЧИ БИБЛИОГРАФИК ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ТУЗИШ УСЛУБИЯТИ

Ретроспектив қўлланмаларни тузиш услубияти жорий библиографияда қўлланилаётган услубиятдан фарқ қилади. Бу эса аввало, ретроспектив кўрсаткичлар мутахассисларни диққат эътиборини озми-кўпми узоқ давр мобайнида эълон қилинган кўп миқдордаги китоб ва мақолаларга қаратиш лозимлиги билан боғлангандир. Бундай адабиёт, одатда, ҳозирдаёқ мутахассисларнинг баҳосига сазовор бўлади. Тузувчи рецензиялар, ва бошқа материалларга таяниб, сифатли танлашни анча чуқур ўтказиши, илмий қимматини йўқотган ҳужжатларни бир мақсадга қаратиб чиқариб ташлаши мумкин.

Тарихийлик принципи ижтимоий фанларни ретроспектив библиографиялаш услубиятининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга қўлланмаларни тузувчилар тарихий материалларни озми-кўпми узоқ тарихий даврдаги ҳужжатларни ҳозирги вазифалари фаннинг ҳозирги тузилиши ва мутахассисларнинг талаб эҳтиёжлари нуқтаи назаридан кўриб чиқмоқдалар. Материални танлаш, унга баҳо бериш ҳам, уни системалаштириш ҳам айна шу нарса билан белгиланади.

Адабий манбаларга баҳо бериш, уларни танлаш ва тизимлаштириш ретроспектив қўлланмаларда у ёки бу аниқ кўрсаткичлар функционал вазифасига, умумий системадаги унинг ўрнига қараб турлича ўтказилади. Манбаашунослик характеридаги кўрсаткичлар ана шу фан услубларини қўлланиш йўли билан тузилади. Истериографик функцияларни бажарувчи қўлланмалар одатда, илмий аҳамиятини тўла – тўкис сақлаб келган материалларнигина эмас, шу билан бирга ўзига танқидий ёндошишни талаб қилаётган, баъзан эса ҳозирги мутахассис учун илмий қимматини йўқотиб қўйган лекин муайян роль ўйнаган илм-фан тарихида ривожланишининг муаёйян босқичида машҳур бўлган ишларни ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга амалиёт мутахассислар (иктисодчилар, юристлар, бошқариш соҳаси ҳодимлари ва шу кабилар) учун мўлжалланган ретроспектив кўрсаткичларда бундай материаллар одатда жалб қилинмайди, амалий жиҳатидан фойдаланиш учун ҳозирги вақтда фойдали бўлган адабиётларгина киритилади.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги ретроспектив қўлланмалар услубиятининг ўзига хос хусусиятини аниқлашнинг бирон тармоқ аҳамиятга эга бўлган қўлланмаларни тайёрлаш учун услубий ечимларни унификациялашнинг муҳимлиги муносабати билан норматив услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш нихоятда зарур

бўлмоқда, бундай ҳужжатлар ана шундай кўрсаткичларни тайёрлаётган турли марказларнинг куч-ғайратини бирлаштириш имконини берган бўлар эди.

Адабиётларни аниқлаш ва танлаш

Ретроспектив қўлланмалар учун бир мақсадни кўзлаб адабиётни аниқлаш ва танлаш жуда муҳим ва етарли даражада мураккаб жараёнлардир, чунки бунда тузувчи ҳар хил илмий қимматга эга бўлган турлича мафкуравий мақсадни кўзловчи китоблар ва мақолалар сақланаётган ҳужжатларнинг катта массивларида мўлжал олишни билиш лозим.

Кўпгина жорий-библиографик нашрлари, шунингдек умумий библиографик нашрлар материалларни аниқлаш учун манба ҳисобланади. Одатда, илгари чиқарилган ретроспектив кўрсаткичлар ҳам жалб қилинади, албатта, янги қўлланма тузувчиларнинг методик ечимлари шундай кўрсаткичларнинг сифатига, ҳисобга олинadиган чегараларга ва бошқа хусусиятларга боғлиқ бўлади. Баъзан уни давом эттиришади, баъзан эса тушуриб қолдирилган материаллар ҳисобига тўлдиришади. Озми-кўпми ёки тор, ўхшаш мавзуларга, шу жумладан китоб ичи мавзуларга оид кўрсаткичлар ҳам кенг қўламда ўрганилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ижтимоий фанлар бўйича жорий библиография кўпчилиги ўттиз йиллардан буён, баъзиларда эса хатто урушдан кейинги йиллардан бери чиқарилмоқда шу боисдан ретроспектив қўлланмаларни тузувчилари анча йиллардаги материалларни аниқлаган чегараларда, шунингдек бу нашрларда тушириб қолдирилганларни ўрнини тўлдириш мамлакатлардаги энг катта китоб омборларини каталоглари, вақтли ва чиқиши давом эттирилаётган нашрларнинг картотекаларни ёки хатто комплексларини бевосита кўздан кечирадilar.

Одатда, энг муҳим дастлабки манбалари кўпинча уларни кўрсаткичлари бўйича қўшимча аниқланади.

МДХ давлатининг бирмунча янги ҳужжатлари, уларнинг раҳбарларининг асарлари, уларнинг айрим нашрлари ёки вақтли матбуотда босилган материалларни (табиийки, булар ҳеч қандай ёрдамчи кўрсаткичларга эга эмас) бевосита кўздан кечириш йўли билан аниқланади.

Ижтимоий фаннинг структураси ёхуд йирик комплекс ижтимоий муаммонинг мазмуни ретроспектив қўлланманинг тематик чегараларини белгилаш учун асос қилиб олинади. Бунда фаннинг ўзига боғлиқ соҳалари билан алоқаси назарда тутилади ва шу фан бўйича ҳам у билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ҳам материални

танлаш мезони асосланади. Масалан ҳар томонлама ўзаро боғлиқ жараён сифатида жамиятнинг ривожланиш жараёни «МДХ тарихи» кўрсаткичида мавзу танлаш негизини ташкил этади. Шунга мувофиқ иқтисодий, сиёсий тарихга, маданият тарихига оид адабиёт, тарих фанининг ўзи ҳақидаги историографик китоблар ва мақолалар унга киритилган. Мавзу танлашнинг ҳудудий чегаралари қуйидагича белгиланади: ҳозирги вақтда МДХ таркибига кирувчи давлатлар ва халқларининг, территорияларнинг тарихи уларнинг ўз вақтида рус давлати таркибига кириш санасидан қатъий назар бутун давр бўйича ёритилган. Илгари Россия таркибига кирувчи лекин ҳозирги вақтда ундан ажралган мамлакатлар (масалан Польша, Финландия) тўғрисидаги адабиёт улар Россия таркибида бўлган давригина ёритилади.

У ёки бу ижтимоий фан билан боғлиқ бўлган ва ушбу тармоқ мутахассислари учун қизиқиш туғдирадиган муаммоларга оид материални аниқлаш ва танлаш ғоят муҳимдир. Масалан, тарих учун тарихий адабиётгина эмас, шу билан бирга халқ ҳўжалиги, давлат ва ҳуқуқ тарихи, фан, адабиёт, санъат тарихига оид тадқиқотлар ҳам муҳимдир. Умуман жамият тараққиётида жараёни ўрганадиган тарихий фан жамият тарихининг фақат айрим жиҳатларигина ўрганиш билан боғлиқ бирмунча хусусий фанларнинг маълумотларига таянмаслиги мумкин эмас.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ретроспектив кўрсаткичларда материални мавзу танлаш чегараларини белгилаш кўпинча жорий танлашга қараганда анча мураккибдир. Бунга сабаб шуки, фан чегаралари ва тузилиши вақт ўтиши билан ўзгаради.

Ретроспектив қўлланмаларда фаннинг ривожланиш тарихини, маҳсус адабиётлар акс эттирилган, фикрлар курашини кўрсатиб бериш зарурати бу қўлланмаларга чинакам илмий адабиётнигина эмас шу билан бирга танқидий муносабатни талаб қилаётган нашрларни киритиш ҳам тақозо этади. Булар ҳам ўтган даврдаги энг йирик файласуфлар, иқтисодчилар ва бошқа олимларнинг асарлари, ҳам буржуа-жамиятшуносларининг ишларида одатда, бундай кўрсаткичларга авторларнинг ўз вақтида танқид қилинган ёки илмий мунозарага тушган лекин муайян фан ривожланишининг у ёки бу босқични ифодалаб берадиган асарлар киради. Табиийки, бундай материаллар чинакам илмий адабиётга нисбатан каттиқ талабчанлик билан танланади. Танқидий баҳо беришни талаб қиладиган адабиёт одатда; кўрсаткичларнинг алоҳида бўлимларида акс эттирилади, аннотацияларда таърифланади.

Ижтимоий сиёсий мавзудаги ретроспектив кўрсаткичларда адабиётни сифатли танлаш муаммолари ҳали етарли даражада танқид қилингани йўқ, унинг мезонлари аниқ-пухта таърифланган эмас.

Материални аниқлаш ва танлаш кўпинча у ёки бу қўлланмаларнинг адресатларини алоҳида қизиқтирадиган адабиётга асосий эътибор бериш билан боғлиқдир. Ушбу тармоқ кўрсаткичлари учун, аввало ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг энг муҳим қисми манбалари кенг танланади. Булар қўлланманинг мавзу ва вазифасига қараб тарихий манбалар сифатида ҳам тадқиқотларнинг услубий базаси сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин.

Ўлкашунослик мавзусидаги ҳужжатларни аниқлаган чоғда умумий меъёсидаги материалларнигина эмас, шу билан бирга маҳаллий материалларни ҳам жалб қилиши мумкиндир, бундай материалларни асосли равишда танлаш учун мавзунинг ривожланиши, тарихини синчиклаб ўрганиш зарур бўлиб қолади.

Дастлабки манбаларни танлаш характери ретроспектив қўлланмаларнинг бир мақсадга қаратилган вазифасига ҳам боғлиқ. Чунончи, ишлаб чиқариш ташкилотлари учун мўлжалланган меҳнат унумдорлиги ва уни илмий ташкил қилиш ҳақидаги кўрсаткичда ана шу масалалар юзасидан кенг адабиётлар киритилади.

Тарихий тематикадаги ёки бошқа фан ёхуд муаммоларининг тарихий жиҳатларига бағишланган ретроспектив кўрсаткичларига маъмурий ҳужжат шунингдек адабий тусдаги хотиралар, кундаликлар ва шу кабилар, кўпгина бошқа манбалар танланади. Тарихий манбаларнинг махсус кўрсаткичларида улар анча тўлиқ берилади. Аммо тармоқ қўлланмаларида ҳам, мавзули қўлланмаларда ҳам адабиётларнинг ана шу типлари одатдагидек берилган, лекин аслида уларни археологик жиҳатдан ишланган нашрларигина танланади.

Тарихий манбаларнинг нашрларини танланган чоғда археографиянинг сўнгги ютуқлари асосида тайёрланган бир мунча тўлиқ нашрларига эътибор берилади. Лекин илмий қимматини сақлаб қолган эски нашрларни киритиш холлари ҳам бўлиши мумкин.

«Қадимий Греция ва қадимий Рим» кўрсаткичларида антик авторлари бир қанча матнларнинг 1917 йилгача бўлган рус нашрлари жалб этилиши мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Статистик нашрлар тармоқ ва мавзули ретроспектив қўлланмаларга кўпинча фақат йиғма жузлар мавзули тўпламлар, обзорлар, йилномалар ва шу кабилар тарзидагина киритилади. Бунда ҳам 1917 йилгача бўлган чет эл нашрларига нисбатан уларнинг олдинги нашрларига эътибор берилади. Айрим статистик жадваллар, ва шу жумладан вақтли нашрларда эълон қилинган материаллар кўрсаткичларнинг ёки унинг бўлимининг мавзуси бўлган материални синхроник вақтли нашрни имкони борица анча тўлиқ такдим этиш зарур бўлган холлардагина жалб этилади. «1917-1920 йилларда халқ хўжалиги» кўрсаткични ана шундай танлаш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унда 1917-1920 йиллардаги айрим статистик

материалларгина эмас, шу билан бирга «Экономическая газета» дан олинган журнал материаллари ҳам киритилган. Кейинчалик нашр этилган статистик материаллар ва ўша давр ҳақидаги материални ўз ичига олган шундай маълумотлар йиғма нашрларгагина киритилган.

Статистик материалларни танлаш вақтида улар қандай манбалар асосида: Марказий статистика бошқармасининг маълумотлари ёки БМТ кўрсаткичлари ва бошқа халқаро ташкилотларининг кўрсаткичлари, чет мамлакатлар у ёки бу партиянинг ёхуд фирманинг материали ва шу каби бошқа материаллар асосида тақдим этилганлигига эътиборни қаратиш муҳимдир. Бирмунча тўлиқ ва ишончли маълумотларни танлаш мақсадида хилма-хил статистик материалларни танлаш мақсадида хилма-хил статистик материалларни таққослаб кўришга кўпинча тўғри келади. У ёки бу аниқ олинган нашрда статистик маълумотлар қайси кўрсаткич бўйича гуруҳланганини ҳисобга олиш муҳимдир. Масалан, регионал жадваллар бўлмаган нашрлар ўлкашунослик кўрсаткичи учун тўғри келмайди, тарихий мавзудаги кўрсаткичлар эса аввалги йиллар билан таққосланмай келтирилган, энг янги статистик маълумотлар бўлган тўпламлар тўғри келмайди.

Илмий ижтимоий-сиёсий адабиёт ретроспектив кўрсаткичларнинг негизини ташкил этади. Тузувчилар бундай адабиётни энг тўлалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Монографик китоблар ва мақолаларгина эмас, шу билан бирга кўпинча аналитик тавсифланган тўпламлар кам нусхали илмий материаллар (диссертацияларнинг авторефератлари, илмий маърузаларнинг тезислари, препринтлар ва шу кабилар) танланади. Баъзан ҳатто сақлаш учун топширилган қўлёзмалар ёки эълон қилинмаган материаллар (масалан, диссертацияларнинг машинкаларда босилган текстлари) жалб қилинади.

Тадқиқотларни танлаган чоғда табиийки, ҳам МДХ, ҳам чет эл адабиётига эътибор берилади. /оявий мезонлар бўйича танқидий баҳо беришни талаб қилаётган китоб ва мақолалар одатда, анча қаттиқ танланади: бунда улардан фақат вақтларга асосланган янги материалга эга бўлган, кўпгина ҳозирги вақт тадқиқотчилари қўлга кирита олмайдиган, ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг янги услублари фойдаланган қисмигина танлаб олинади. Натижада булар олимларга ҳам фойдали бўлиши мумкин, шунингдек у ёки бу концепциялар анча тўлиқ баён этилаётган, конкрет социологик ва шу кабилар юзасидан тажриба тадқиқотларнинг чиқарилаётган ҳозирча жамиятшуносларнинг ишлари, яъни етакчи ғояшуносларнинг шарҳчилари ва интерпретаторлари эмас, балки ўзларининг ҳам фойдали асарлари бўлиши мумкин.

Ижтимоий фанларга оид ретроспектив кўрсаткичларга кўпинча ўқув, оммабоп, маълумот адабиёти киради, лекин материалнинг бу қисми илмий-тадқиқот материалига нисбатан анча талабчанлик билан танланади. Бу материалларда малакали мутахассисга фойдали бўладиганларигина танлаб олинади. Масалан, қандайдир янги фактлар келтирилган ёки бошқа библиографик ёки шу каби мазмундаги оммабоп китоблар ёки мақолалар танланиши мумкин. Бундай материал айниқса кўпинча оммабоп ўлкашунослик адабиётига эга бўлади. Фан тарихчилари учун йирик жамиятшунос олимлар ёзган оммабоп китоблар ёки мақолалар қизиқарли бўлиши мумкин. Бундай китоблар ёки мақолалар уларнинг кўп қиррали фаолиятигига эмас, шу билан бирга умуман фан тарихининг муайян босқичини ҳам таърифлаб беради. Масалан, йирик тарихчилар II - жаҳон уруши йилларида ёзган ҳарбий – ватанпарварлик мавзусидаги оммабоп китоблар тарихий фаннинг халқни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссасидан далолат берувчи материал сифатида тарихга оид илмий-ёрдамчи кўрсаткичга киритилади.

Мамлакатимиз ички ҳаётидаги анча муҳим муаммолар ёки халқаро воқеалар тадқиқот адабиётидан олдин кўпинча айна оммабоп адабиётда, хатто публицистик адабиётда ёритилади. Бундай материалларнинг бир канча муаммолари тадқиқот адабиётида бирмунча чуқур ёритилмаган бўлса, улар ретроспектив қўлланмалар учун танланиши керак.

Ўқув адабиётидан одатда бир мунча муҳим, у ёки бу олий ўқув юрти фанларга ихтисос берадиган янги дарсликларгина кўшилади. Истериографик вазифани адо этадиган кўрсаткичлардан баъзан фан ва маорифнинг ривожланиш босқичи бўлган дарсликлар жалб этилади. Масалан, тарих бўйича дастлабки дарсликларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ретроспектив илмий-ёрдамчи кўрсаткичлар учун материал танланган чоғда кўпчилик ўқув ва ўқув-услубий адабиёт чиқариб ташланади. Олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари учун мўлжалланган ва ўқув услубий материалларнинг кўргазмали қўлланмалари, ўқитишнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш услуби сингари қимматли қисмини ўз ичига олган қўлланмаларгина мустасно бўлиши мумкин.

Маълумот қўлланмалари ва библиографик қўлланмалари мутахассислар учун адабиётнинг ғоят муҳим типидир. Бундай қўлланмалар, одатда, ретроспектив кўрсаткичларга кенг жалб қилинади, баъзан эса алоҳида библиографияланади. Энциклопедия ва бошқа нашрлардан олинган мақолалар кўпинча аналитик тасвирланади. У ёки бу муаммо, воқеа, тарихий арбобнинг, олимнинг библиографияси илмий адабиётда етарли даражада ёритилмаган бўлса, маълумот нашрларидаги мақола эса ўтказилган тадқиқотларнинг

якуний ёки илмий оборотга биринчи марта жорий этилган ва фактларга асосланган материалга қурилган ҳолларда бу айниқса фойдали бўлади.

Ижтимоий фанлар бўйича ретроспектив кўрсаткичлар учун материал танланган вақтда расмий мезонлар: хронологик (китоб ва мақолаларнинг босмадан чиққан вақти) тил мезонлари ва бошқа мезонлари ҳам қўлланилади. Бироқ улар кўпинча соф расмий мезонлар бўлмай, балки ғоявий мавзу ва бошқа мезонлари билан, шунингдек ретроспектив кўрсаткичлар ситемаси ўз ҳолати билан бевосита боғлиқдир.

Нашрларни танлашнинг хронологик чегараси мавзу чегараларининг ўзи билан белгиланиши мумкин. Масалан, декабристлар ҳақидаги кўрсаткич Сенат майдонида рўй берган воқеалар тўғрисидаги газеталарда босилган дастлабки хабарларга оид адабиётни ҳисобга олади. Баъзан танлашнинг бошланғич чегаралари қўлланманинг истереографик мақсадлари билан боғланган: ижтимоий фанлар тарихига оид барча кўрсаткичлар дастлабки материаллар ҳақидаги адабиётлар ҳисобга олинади. Баъзан хронологик чегаралар фан ривожланишининг айрим босқичлари ёхуд у ёки бу муаммони ҳал қилиш билан белгиланади. Кўпгина хронологик танлашнинг бошланғич чегараси янги тайёрланаётган мавзуни давом эттираётган ўша мавзуга оид шундай олдинги библиографик қўлланманинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади.

Тил мезонлари бўйича танлаш кўпинча кўрсаткич мавзуини характери билан боғланган бўлади. Масалан, МИСОН кучи билан тузилаётган кўрсаткичлар одатда Европадаги мамлакатлар тилларидаги материални ўз ичига олади. Ҳақиқий ютуқлар, илмий назариянинг ривожланиши, шу мамлакат жамиятшуносларининг ижодий-илмий ҳамдустлигини айтиш шу материалда айниқса тўлиқ ёритилган бўлади.

Бошқа расмий мезонлар ретроспектив ижтимоий-сиёсий библиографияда камдан-кам қўлланилади. Бу эса нашриёт маҳсулотлари билан нашриётларнинг (ретроспектив каталогларида) туркум билан (масалан, «Ажойиб одамлар ҳаёти» ва ғ. туркумдаги каталоглар), журнал мазмунининг кўрсаткичлари билан чекланган бўлиши мумкин.

Адабиётларни гуруҳлаш

Адабиётнинг жуда катта массивларида мутахассисларнинг диққат эътиборини бир мақсадга қаратиш шу адабиётни ретроспектив кўрсаткичларида илмий жиҳатдан тизимлаштиришга кўп даражада боғлиқдир. Материални тизимлаштириш схемалари яъни кўрсаткичнинг асосий бўлимлари одатда унинг дастурларини тузиш

жараёнида, яъни материални аниқлаш ва танлаш жараёнида ишлаб чиқилади. Булар тармоқнинг, мавзуининг, муаммонинг мавзу чегараларига мос бўлади. Схемаларда ғоявий мезонлар ҳисобга олинади: энг муҳим, сиёсий жиҳатдан ўткир масалаларга оид махсус мавзу рукинларга ажратилади.

Жорий библиография қўлланмаларида бўлганидек, ижтимоий фанлар бўйича ретроспектив кўрсаткичлар асосий схемаси ҳам, аввало у ёки бу соҳани структураси ёхуд амалий фаолияти билан белгиланади. Лекин ретроспектив қўлланмалар тематикаси тор бўлганлиги, ҳисобга олиш даври, бинобарин, ҳужжат массивининг ҳажми анча катта бўлганлиги сабабли ретроспектив кўрсаткич схемаси ҳам одатда, кенг қўламда турли соҳалар учун адабиётнинг ўзига ҳос характери ҳам ҳисобга олинади. Масалан, МДХ тарихи, дунё тарихи юзасидан кўрсаткичларда ижтимоий-иқтисодий формациялар бўйича тарихий жараённи даврларга бўлиш материални жойлаштириш учун асос қилиб олинган. Бирон айрим мамлакатлар ёки умуман ҳудудлар тарихига бағишланган адабиётнинг мавжудлиги ана шундай схемани ҳудудий характеридаги бўлимлар билан тўлдирилишини талаб қилади.

Тарихий - иқтисодий тематикадаги кўрсаткичларда ҳам тарихий-хронологик принцип схема учун асос қилиб олинган, лекин озми-кўпми йирик тарихий даврлар учун иқтисод ривожланишининг у ёки бу даври учун энг характерли бўлган муаммоли-мавзу бўлимлар, шунингдек мамлакат ҳудудлари ва халқ ҳўжалиги тармоқлари учун ҳос бўлимлар ажратилган, бу эса иқтисодни бошқариш тузилишига мос бўлиб тушади.

Фалсафа бўйича ретроспектив кўрсаткичлар структураси асосини ҳам фалсафа билимлари тизими ташкил этади, бунда у ёки бу қўлланмада қабул қилинган ҳисобга олиш даврида қатъий назар схема фаннинг ҳозирги тизимига мос бўлиши лозим.

Материални тизимли жойлаштириш ижтимоий фанлар тармоқ ретроспектив кўрсаткичлари учун энг характерлигидир. Махсус адабиётда бундай схемаларни бирмунча янги универсал КБКга имкони борича яқинлаштириш тўғрисида бир неча фикр билдирилган эди, чунки бу нарсa ретроспектив қўлланмалар тузувчилар классификацион ечимлари бирлигини ёки ҳар ҳолда бир-бирига мос келишини таъминлаган бўлур эди.

Ижтимоий фанлар бўйича ретроспектив кўрсаткичлар тузувчилари КБКни ташкил қилиш тажрибасидан адабиётни тизимлаштириш чоғида тарихий ва мантиқий принципларини қўшиб олиб бориш мақсадида ҳам фойдаланмоқдалар. Кўпчилик ретроспектив кўрсаткичларда муаммоларнинг тарихий, генетик, «вертикал» ривожланишини акс эттирувчи схемалар ва махсус адабиёт бўлган

чоғда уларда бўлимлар ҳам бўлади, буларнинг мақсади материални «горизонтал, макон жихатидан намоён қилишдир.

Баъзан у ёки бу фаннинг ўзига ҳос хусусияти ва мутахассисларнинг талаб эҳтиёжи тарих-хронологик бўлимларини иккинчи поғонага (кичик бўлимларга) кўчиришни зарур қилиб қўяди. Масалан, «МДХ археологик адабиёт» кўрсаткичида умумий тусдаги адабиётдан кейин худудлар: МДХнинг Европа қисми, Кавказ, Ўрта Осиё, Сибир худудлари кўрсатилган. Ана шу бўлимлар доирасидагина археологик жихатдан даврларга бўлишга мувофиқ рукинлар берилган. Бундай тизимлаштиришга сабаб, шуки одатда, археолог-ларнинг иши аввало, муайян худуд билан боғлангандир.

Кўпинча тизимлаштириш воситалари билан китобхонларнинг эътибори у ёки бу адабиётга қаратилган. Масалан, МДХ тарихи кўрсаткичидаги барча кичик бўлимларда тарихий манбалар биринчи ўринга чиқарилган, шундан кейинги адабиётнинг бошқа типлари, охирида эса маълумот ва библиографик қўлланмалар берилган. Тарихий манба сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган синхрон давр материали «МДХ халқ хўжалиги» туркум кўрсаткичлари бўлимларида берилган.

Фалсафа тарихига оид кўрсаткичларида, одатда бош қисмида у ёки бу файласуфнинг асарлари келтирилади, сўнгра унга мансуб бўлган адабиёт, мактаб ёки йўналиш тўғрисидаги адабиёт берилади.

Ретроспектив қўлланмаларда классификациялаш схемалари умумий мантикий принципларга бўйсунди: уларнинг бу бўлимлари қўшилиб кетмаслиги, мутаносиб, мос бўлиши лозим ва х.к. Шу боисдан кўрсаткичнинг турли бўлимларида схеманинг озми-кўпми майдалаштирилиб юбориши у ёки бу масалага оид адабиёт миқдорига боғлиқ бўлади. Аммо жуда муҳим, сиёсий жихатдан ўткир муаммолар юзасидан адабиёт сонидан қатъий назар схемаларда ажратилиб кўрсатилиши мумкин. Адабиётни классификациялаш схемаси даражаси унга ғоявий баҳо бериш, унга танқидий ёндошувни талаб қиладиган материал кўрсаткичига киритилган ҳолларда айниқса муҳим бўлади. Ижтимоий фанлар бўйича ретроспектив қўлланмаларда материалларнинг жойлаштирилишининг расмий усуллари энг майда кичик рубрикаларда жойлаштиришдан ташқари қўлланмаслиги керак. Алфавит тартибида жойлаштириш етарли даражада катта бўлимчаларда қўлланиш мумкин. «Сиёсий-иқтисодий масалалар бўйича библиография»даги бўлимларда китоблар, мақолалар ана шундай расмий жойлаштириш усули қўлланилган.

Китоблар ва мақолаларнинг хронологик жихатдан анча мақсадга мувофиқ босмадан чиқиши вақтига қараб жойлаштирилиши фан ва илмий материалларнинг ривожланиш тарихини кўрсатиш у ёки бу муаммони ишлаб чиқиш тарихини акс эттириш имконини беради.

Ижтимоий фанлар бўйича кўпчилик ретроспектив кўрсаткичларда улар схемасининг энг майда бўлинишлари доирасида айти шундай жойлаштириш қабул қилинган.

Ретроспектив кўрсаткич схемаси қанчалик деталлаштирилмасин, у барибир мутахассислар талабини энг ҳилма-ҳил жиҳатларини акс эттириш мумкин. Асосий схемада жойлаштирилмаган материални очиб берувчи ёрдамчи кўрсаткичлар ана шу мақсадга хизмат қилиши лозим. Йирик ретроспектив қўлланмаларни ташкил қилиш амалиётида «калитлар» библиографик тизимларнинг ҳилма-ҳил йўллари билан «кириб бориш» муаммосини аллақачон ҳал қилинган. В.И.Межовнинг «Рус тарихи библиографияси» сўз бошида шундай деб ёзган эди: «Маълумот жиҳатидан алфавит кўрсаткичи, агар шундан кейин жоиз бўлса библиографиянинг жони танидир» у «алфавит кўрсаткичи» деганида умумий ҳажми 850 бетдан кўпроқ бўлган ва фан, ном, географик рукинлари ва бошқа рукинларга ягона алфавитда бирлаштирган шу асарнинг "Алфавит- тизимли кўрсаткич"ни тушуниш деган эди, кўрсаткич асрнинг 7-8 мавзуларини ташкил этган эди.

Библиографик ахборотни автоматлаштирилган тарзда излашнинг ривож топиши муносабати билан ёрдамчи аҳамияти айтиқса ошиб бормоқда, чунки аввало ана шулар ЭҲМда жорий этилиши мумкин, бу эса жорий библиографик нашрлар бўйича янги адабиётни автоматлаштирилган тарзда қидиришни анъанавий библиографик қўлланмалар тизими бўйича янги адабиётда ретроспектив изланишни қўшиб олиб боришни таъминлайди.

Афсуски, ретроспектив қўлланмаларга ёрдамчи кўрсаткичлар тузиш практикасини, методик проблемаларини ишлаб чиқиш ҳали анча талаб қилинади. Умуман ёрдамчи кўрсаткичларга эга бўлмаган ёки авторлар ва сарлавҳаларнинг кўпинча эса фақат авторларини кўрсаткичи билан таъминланган қўлланмалар ҳозиргача чиқарилмоқда, холбуки сарлавҳа остида тасвирланган китоблар одатда ретроспектив қўлланмаларда анча кўпдир.

Тарихий ва тарихий-иктисодий тематикадаги кўрсаткичларда географик номларнинг ёрдамчи кўрсаткичлари тез-тез учраб туради.

Баъзан уларнинг мазмуни этнографик кўрсаткич ёки конкрет қўлланма мавзулари учун ўзига хос бўлган бошқа кўрсаткичлар ҳисобига кенгайтирилади. Масалан, ИНИОНнинг "Улуғ Ватан Уруши" тўғрисидаги «калит» да географик ва баъзи бир этнографик терминларига эмас, шу билан бирга ҳарбий операциялар, френдлар, флотлар, партиявий отрядлари ва шу кабиларнинг номлари ҳам берилган. Шундай кўрсаткичларда одатда, рубрикалар сифатида ўша даврда мавжуд бўлган ва қўлланма- мавзу ҳисобланган географик номлар ҳам қўлланилади. Ҳозирги номларга йўналтирилмалар

берилади. Масалан, Волгоград қаралсин: Сталинград. Тор географик рубрикаларда, одатда, ушбу қишлоқ, посёлка ва шу қабилар қайси ўлка, республикага қирганлиги ҳақидаги маълумотлар берилади, лекин тескари йўналтирилмалар ушбу кўрсаткичда мавжуд кенг рубрикалардан бирмунча тор рубрикаларда одатда йўқ, бу эса турли рубрикаларга бўлиб-бўлиб юборилган, баъзан жуда кўп рубрикаларга бўлинган материални излашни шубҳасиз қийинлаштиради. Масалан, юқорида эслатиб ўтилган "Улуғ Ватан уруши" тўғрисидаги кўрсаткичда Ленинград ҳақидаги адабиёт «калит»да 50дан зиёд бири-бири билан боғланган рубрикаларга бўлинган.

Етарли даражада кўп микдорда библиографик ва мемуар адабиётни ўз ичига олган ҳамда шахсий ном асосида тузилмаган қўлланмаларда номларнинг ёрдамчи кўрсаткичлари учрайди. Буларда биографик қисқа ёзувларнинг рақамларига берилган йўналтирилмалардан ташқари баъзан қисқа библиографик справкалар ҳам берилган. Хотираларнинг авторлари тўғрисида библиографик маълумотлар баъзан уларнинг мемуарларида ёритилган факт билангина чекланган.

ИНИОНнинг юқорида айтиб ўтилган "Улуғ Ватан уруши" ҳақидаги кўрсаткичга «Фронт ва фронт ичкараси қаҳрамонлари номларининг кўрсаткичлари» берилган, бу айниқса муҳимдир, чунки кўпгина номлар тўпламларнинг мақолаларида ёки бошқа китобларидагина учрайди. Тузувчилар ана шу «калит» ни ташкил қилиш учун қўшинлар айрим турлари вакиллари, айрим жойларда туғилган кишиларга, қаҳрамонларга «Шуҳрат» ордени нишондорларига ва шу қабиларга бағишланган адабиётга аннотация тузган чоғда жуда катта иш қилишган. Масалан, В.Ф.Лебоданинг «Солдат шуҳрати» китобини тасвирлаш вақтида учинчи даражали «Шуҳрат» ордени нишондорларининг 400 дан кўпроқ номи аниқланди.

Ижтимоий фанлар бўйича ретроспектив қўлланмаларда предмет кўрсаткичлари, афсуски, ҳали жуда кам учрайди. Уларнинг баъзилари аслида асосий рубрикаларнинг рўйхатларидан иборат, масалан, "Бўлимнинг назарияси".

Ретроспектив кўрсаткичларга «калит»лар тузишни янада такомиллаштириш ҳар хил турдаги ва мазмундаги қўлланмаларда уларнинг характери тартибга солиш, шунингдек уларни тузиш чоғида ижтимоий фанлар бўйича предмет рубрикаларнинг тезуарларида ва рўйхатларида акс эттирилган нормаллаштирилган лексикадан янада кенгроқ фойдаланиш зарурати билан боғлангандир. Ана шундай қўлланмаларни тузишга оид методик ва инструктор материаллардан муайян гуруҳдаги кўрсаткичлар: мемуарлар кўрсаткичлари, мамлакатшунослик кўрсаткичлари ва шу каби бошқа кўрсаткичлар учун «калит»нинг энг кам тўпламини аниқлаш зарур. Бу

эса қўлланмаларни бир хил методик системаларига бирлаштириш имконини беради, тузувчиларни терминологияни таърифлаш ва нормаллатиришдан иборат сермеҳнат ишдан истеъмолчиларни эса ретроспектив қўлланмалар системасида зарур «кириб боришлар»ининг йўқлиги сабабли ахборотни бой беришдан халос этади.

Адабиётга аннотация ёзиш

Юқорида айтиб ўтилганидек, ретроспектив кўрсаткичларга киритилган китоблар ва мақолаларнинг мазмуни уларни системалаштириш жараёнидек, айниқса, майда кўп поғонали схемаларни қўлланиш ва хилма-хил ёрдамчи кўрсаткичларни тузиш чоғида талай даражада очилади. Ҳужжатларни таҳлили одатда, булар учун асос ҳисобланади. Бу таҳлил якуни аннотацияларда, қўлланмаларнинг сўз бошларида ва библиографик кўрсаткичларнинг бошқа элементларида ўз ифодасини топади.

Ретроспектив кўрсаткичларда справка аннотация ёзишлар қўлланилади. Унинг вазифаси – мутахассисни китоб ва мақоланинг кўрсаткичи ёки унинг бўлимининг мавзуси уларнинг номидан маълум бўлмаса, етарли даражада информатив бўлса, шуларнинг мавзуи билан алоқаси ҳақидаги маълумотлар билан таъминлашдан иборат, бу эса кўпгина ижтимоий-сиёсий мавзулардаги материаллар учун хосдир. Бундай аниқликлар киритиш заруратига сабаб шуки, илмий ёрдамчи ретроспектив кўрсаткичларда мазмун билан бирмунча умумий ёки унга яқин бўлган китоблардан олинган бобларни ёхуд хатто бетларни аналитик тасвирлаш тез-тез қўлланилади.

Тематикага оид материални таҳлил қилиш, географик, хронологик ва бошқа чегараларни аниқлаш, проблемаларни кўриб чиқиш кўпинча ана шундай аннотацияларда акс эттирилган бўлади. Китобхоннинг эътиборини авторнинг янги манбалардан фойдаланганлигига, тадқиқот қилишнинг янги методларини қўллаганлигига, оригинал эксперимент ўтказганлигига, янги фразаларни илгари сурганлигига бошқа авторлар билан мунозаралар ўтказиш элементларининг мавжудлиги ва шу кабиларга қаратиш йўли билан китоб ва мақоланинг аҳамияти тўғрисидаги баъзи маълумотлар ҳам берилган.

Баъзи аннотацияларда у ёки бу фаннинг ривожланишида унинг бош адабиёт билан алоқасида китобнинг тутган ўрнини аниқлашга уриниб кўрилади, у ҳақда танқидий мулоҳазалар (масалан, фойдаланилган манбаларнинг унчалик тўла бўлмаслиги ёки етарли даражада тўғри бўлмаслиги ҳақида кўрсатмалар) берилади.

Тарих фан сифатида мавзуига татбиқан «инкорни инкор қилиш қонунининг тарихга амал қилиши» деган аннотация ёзилиши

мумкин. Гегель тўғрисидаги ёки фалсафа тарихига оид кўрсаткич «инкорни инкор қилиш қонунининг» Гегель томонидан таърифланиши» деб ёзиб қўйилиши керак.

Аннотация масалани ёритиш жиҳати характеристикаси у назарий, тарихий, методик ёки бошқа бирон бир жиҳатдан кўриб чиқилган деган кўрсатмадан иборат бўлиши мумкин.

Тарихий манбаларга аннотация ёзган чоғда, аввало уларнинг характери: акт материали, хотиралар, хатлар ва шу кабилар ҳисобга олинади. Библиографик тасвирлашда бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда булар ҳақида аннотацияда маълум қилинади. Тарихий манбаларга аннотация ёзган чоғда кўпинча тексдан ташқари характердаги маълумотлар индивидуал ёки коллектив автор, унинг сиёсий позициялари тўғрисида: манбани конкрет эълон қилишнинг археологик сифати ёки унинг асл нусҳаси сақланадиган жой тўғрисида. У ёки бу манбани эълон қилиш ҳақида: нашрнинг справка аппаратларнинг, кўрсаткичлар ва шу кабиларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳабар қилинади. Аннотацияларнинг бир хиллиги, конкрет кўрсаткич ёки кўрсаткичлар учун тартибга солинган улардаги маълумотларнинг муайян тўплами справка аннотация ёзишга қўйилган энг муҳим методик талабидир.

Аннотацияларни бўлимнинг ёки кичик бўлимнинг сарлавҳасига чиқариш уларни бир типдаги маълумотларнинг такрорланишидан ҳалос қилиш воситаларидан биридир. Масалан, ИНИОНнинг МДХ халқ хўжалиги тўғрисидаги кўрсаткичида «Брест сулҳини танқид» бўлими номининг таърифи тузувчиларини ана шу қониданинг аннотацияларида такрорлашдан ҳалос қилади. Буларда конкрет китобда ёки мақолада бу танқид нуқтаи назаридан олиб борилаётганлиги ҳақидагина гапирилади.

Авторлар ҳақидаги маълумотлар тўғрисида дастлабки эслатиб ўтишдагина берилади. Бундай аннотациялар ҳам муайян маълумотларни ўз ичига олиши лозим. Бу қоидага риоя қилмаслик бир кўрсаткичнинг ўзида бир хил маълумотларнинг кўп марта такрорланишига ёки ҳар хил шахслар тўғрисидаги маълумотларни турлича тўлалик даражасида ҳабар қилишга олиб келади. (М: «О войне, о товарах, о себе».- 1-2-жузлар. М.: Воениздат, 1977-1982 деб аталган), 2-чи Жаҳон уруши тўғрисидаги мемуарлар кўрсаткичи айни ана шундай аннотацияларга эга.

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги ретроспектив кўрсаткичларда аннотациялар ёзиш проблемалари ҳам назарий ва методик жиҳатдан, ҳам амалий кўрсаткичнинг ўзида бир хил маълумотларнинг кўп марта такрорланишига ёки ҳар хил шахслар тўғрисидаги маълумотларни турлича тўлалик даражасида ҳабар қилишга олиб келади.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги ретроспектив кўрсаткичларда аннотациялар ёзиш муаммолари ҳам назарий ва услубий жиҳатдан ҳам амалий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилган деб бўлмайди.

Х-боб . ТАВСИЯ БИБЛИОГРАФИК ҚЎЛЛАНМАЛАР

Тавсия библиографияси китобхонларга у ёки бу долзарб ижтимоий-сиёсий, энг яхши замонавий адабиётларни танлашга ёрдам беради.

Мазмунан тавсия библиографик қўлланмалар ўрта ва олий таълим муассасаларида ўтиладиган ижтимоий фанларни ўрганишга бағишланган бўлади, лекин кўпинча мустақил билим олишга қаратилган. Кўпгина тавсия библиографик кўрсаткичлар ўзининг мавзуси бўйича бирорта тармоқ мазмунидан кенгроқ бўлади ва мазмунни ёритишда турли ижтимоий-сиёсий адабиётларни тавсия этади.

Одатда, бундай тавсия қўлланмалар бир нуча минг нусхаларда нашр этилиб, улар кейинчалик қайта чоп этилиши ҳам мумкин. Барча библиографик кўрсаткичлар ўз китобхонлар гуруҳига эга бўлади.

Тавсия библиографик қўлланмаларни, китобхонларга мўлжалланиши бўйича уч гуруҳга бўлиш мумкин: а) ижтимоий-сиёсий адабиётларга қизиқишни уйғотиш учун мўлжалланган қўлланмалар; б) мунтазам билим олиш учун мўлжалланган кўрсаткичлар; в) мутахассисларга мўлжалланган кўрсаткичлар.

Ижтимоий-сиёсий адабиётларга қизиқишини уйғотиш учун мўлжалланган қўлланмалар. Сўнгги йиллардаги изланишлар шуни кўрсатадики, китобхонларни катта гуруҳи ижтимоий воқеа ходисалар тўғрисида хабарни газета, журнал, радио, телевидениедан оладилар, сўнггра ижтимоий-сиёсий адабиётга мурожаат этадилар. Уларни ўқиш важлари у ёки бу масалаларга бўлган шахсий қизиқишлари ва шу воқеа ва ходисалардан мунтазам хабардор бўлишларидан иборат. Бундай қизиқиш бир ёки бир неча китобларни ўқигандан сўнг китобхонда пайдо бўлади. Бундай қизиқиш фақат кам тайёрланган китобхонлардагина эмас, балки малакали, уларни касби ёки ўқишига тааллуқли бўлмаган холда, китобхонларда ҳам пайдо бўлади. Ёшларга мўлжалланган тавсия библиографияси фақат уларни талабларини қондириб қолмасдан, балки ижтимоий-сиёсий адабиётларга бўлган қизиқишини ҳам оширишга мўлжалланади. Кенг китобхонларга мўлжалланган тавсия кўрсаткичлари фақат алоҳида нашрларда чиқираб келинмасдан, улар марказий газета ва журналларни саҳифаларида ҳам нашр этилади.

Мунтазам билим олиш одатда, маориф тизимида ўрта мактаб, коллеж, лицейлар ва олий ўқув юртларида амалга оширилади. Бу

китобхонлар ижтимоий-сиёсий адабиётларга қизиқишни уйғотиш учун мўлжалланган қўлланмалар. Бу китобхонлар гуруҳига мўлжалланган тавсия кўрсаткичларга адабиётни дифференциал ёндашган ҳолда танлаб киритилади. Адабиётлар тавсия этишда ҳар бир ўқув юртининг йўналиши таълим даражаси ва ўқиладиган фанларни дастурлари ҳисобга олинади. Энг кўп тарқалган бу турдаги кўрсаткичлар китоблар ён бағирларида, китоб ичида, дастурларда, услубий қўлланмаларда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларида рўйхатлар сифатида берилади. Юқори поғона ўқиш китобхонларига бундай адабиётлар рўйхати газета ва журналларда тавсия этиб борилади. Мақолаларни ичида ёки сатр остидаги маълумотлар энг янги намунавий адабиётларни тавсия этади. Бундай тавсия библиографияларни А. Навоий номли республика Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг кутубхонаси, нашриётлар, вилоят ахборот – кутубхона марказлари ҳам тузиб боришади. Кўрсаткичларда тавсия этилган адабиётлар мавзулар бўйича жойлаштирилади. Мутахассисларга мўлжалланган тавсия библиографияси анча турғун ва мунтазам чиқариладиган гуруҳга киради. Бундай библиографиялар йирик кутубхоналар, республика, вилоят кутубхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрти кутубхоналари томонидан тузилади. Ҳозирда А. Навоий номли республика Миллий кутубхонаси томонидан бир қатор тавсия библиографиясига ўхшаш услубий қўлланмалар чиқарилади. Бу услубий қўлланмалар асосан кутубхоначиларга мўлжалланган бўлиб, йирик мутафқирларга, алломаларга, муҳим ва унитилмас саналарга бағишланиб тузилган. Миллий кутубхона мунтазам равишда “Унитилмас саналар” кўрсаткичини ҳам чиқариб боради. Тавсия библиографиясининг умумий масалалари ва уларни тузиш услубиёти “Умумий библиография” фанида тўлароқ ўтилади.

Тавсия библиографик кўрсаткичларни тузиш услубиёти

Ижтимоий-сиёсий мазмундаги тавсия библиографик қўлланмаларни тузиш услубиёти тарғибот-ташвиқот ишлар олдига қўйилган мақсадларни асосий талабларини амалаг оширишга қаратилган. Кўрсаткичларни мавзуи адабиётларни мазмуни ғоявий ва тарбиявий ишларни долзарб масалаларига қаратилади. Маънавий-маърифий ишларни тўғри мақсадга мувофиқ олиб бориш учун тавсия библиографик қўлланмаларни тузишда дифференциал ёндашувни талаб этади. Маълум китобхонлар гуруҳига мўлжалланган кўрсаткичларни тузиш услубиётини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Аввало кўрсаткичларни мавзуи китобхонларга мўлжалланишидан китобларни, мазмунидан ва сонидан қатъий назар барча тавсия кўрсаткичлар бир бутун йирик ёки бир бирини давом эттирувчи кўрсаткич бўлишидан қатъий назар якка бир мақсадга қаратилган, ягона бир комплексни ташкил этиши керак. Мақсадга мувофиқ ва китобхонларга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий адабиётлар тавсия библиографияси услубиёти ҳозирги кунда бир мунча мукамал ечимга эга. Бу кўрсаткичлар ўқиш мақсадлари ва китобхонларга мўлжалланиши бўйича (ёшлар орасида, ўрта мактаб ўқитувчилари ва бошқалар) комплекс характерга эгадир.

Қўлланмани мавзусини ўрганиш. Адабиётларни аниқлаш ва танлаш

Мавзуни олдиндан пухта ўрганиш сифатли библиографик кўрсаткични чиқаришда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Даставвал тузувчи республика президенти асарларини, давлат раҳбар органларини қарорларини пухта ўрганиши керак, чунки бу материаллар келгусида тавсия библиографик кўрсаткичларни тузишда адабиётларни танлаш чегарасини ва библиографиянинг ички тузилишини белгилаб беради. Китобхонларга мўлжалланиши ва мақсадига (назарий, тарихий, аниқ амалий) қараб кўрсаткичларни мавзуси белгиланади. Мавзуни аниқлашда марказий вақтли матбуотда нашр этиладиган реакцион мақолаларни ҳам кўриб бориш лозим. Иқтисодий ва тарихий мавзудаги библиографик қўлланмаларни тузишда шу фанларга доир дастурларни, дарсликларни, ўқув қўлланмаларни ўрганиш даркор. Мавзуни ўрганиш, одатда қўлланмани тузиш режаси билан якунланади ва шунга моил адабиёт танланади.

Материаллар турли библиографик манбаларда аниқланади. Президент асарлари ва давлат ҳужжатлари тематик қидирилади ва материаллар ичидан энг янгилари танланади.

Янги адабиётлар давлат умумий жорий библиографик манбалардан олинади. Тавсия библиографияларини, одатда, йирик кутубхоналар ва библиографик-ахборот марказлари тузганлиги учун керакли бўлган материалларни шу марказларга янги келган адабиётларни кўздан кечириш йўли билан ҳам танланади, чунки давлат жорий библиографик қўлланмалар анча кечикиб чиқади.

Танланган мавзуга доир янги эълон қилинган адабиётларда керакли бўлган материаллар етарли бўлмаса, бу ҳол камдан-кам учрайди, бу ҳолатда шу мавзуда олдин нашр этилган тавсия библиографик қўлланмалардаги материаллар жалб этилади. Адабиёт аниқлаш ва танлашда серияларда чоп этилган тўпламларга мурожаат этиш ҳам тавсия қилинади. Бу серияларда, айниқса ижтимоий-сиёсий

мавзули серияларда, мавзуга доир кўпгина маълумотлар берилади. Булар қаторига таржимои ҳоллар ва мамлакатшуносликка аталган кўпгина материалларни танлаш мумкин.

Тавсия кўрсаткичларни тузишда бошланғич танланганлар адабиётлар кўпинча шу давр ёки вақт билан мутаносиб бўлади, аммо якуний жараёнда барча танланган адабиётларни яна бир-бир кўздан кечириш лозим. Сифатли танлашни меъёрий ўлчови йиғилган адабиётларни ғоявий мазмуни билан белгиланади. Даставвал танланган материаллар замон талабларига жавоб бериши, шу бугунни долзарб масалаларини ёритиши зарур, баркамол авлодни маънавий етуклигини уларда ватанпарварлик ғояларини тарбиялашга қаратилган бўлиши керак.

Материалларни тематик танлаш комплексли жабҳадаги муаммоларни ҳар томонлама ёритишга қаратилган бўлиши лозим. Масалан, иқтисодий мавзуга аталган тавсия кўрсаткичига фақат иқтисод адабиёти эмас, балки тарихий, сиёсий, очеркавий, публитистик адабиётлар ҳам жалб этилади. Тарихий мавзудаги тавсия кўрсаткичларида фақат тарихга доир адабиётлар эмас, балки халқ хўжалиги иқтисоди, халқаро муносабат, дипломатия, манбашунослик ва ҳатто бадиий адабиётлар ҳам киритилади. Масалага бундай ёндашиш танланган мавзунини тўлиқ ва ҳар томонлама ёритишга ёрдам беради. Материалларни тшун тарзда танлаш ва кўрсаткичга киритиш мавзунини хронологик ва тематик чегараларини бир мунча кенгайтиради, аммо у таъсирчанлик сифатини оширади.

Материалларни аниқлаш ва танлаш характери кўрсаткичининг маълум мақсадга қаратилганлигига ҳам боғлиқ. Олий ўқув юрти талабаларига ва ўқитувчиларига мўлжалланган кўрсаткичларда давлат қарорлари, президент асарлари акс эттирилса, мутахассисларга ва корхона бошлиқларига мўлжалланган кўрсаткичларга юқорида тавсия этилган адабиётлардан ташқари меъёрий ҳужжатлар ҳам, турли соҳага доир қонунлар ҳам киритилади. Материалларни бундай танлаш хусусияти фақат китобхонларни назарий билимларини ошириб қолмай, балки уларни амалий ишларини ҳам фаоллаштиради. (Меҳнат унумдорлигини ошириш, ишни илмий ташкил қилиш, янги технологиялардан фойдаланиш).

Ёшларга мўлжалланган комплекс характердаги кўрсаткичларда бош манба асарлардан ташқари, имкони борича, қизиқарли оммабоп адабиётлар, очеркавий, публитистик адабиётлар кўпроқ акс эттирилади.

Тарғиботчилар ва ўрта мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган тавсия библиографик кўрсаткичларга илмий-оммабоп кўрсаткичлардан ташқари илмий адабиётлар ҳам киритилади, бу адабиётлар ижтимоий

фанлар соҳаларида олимлар томонидан олиб борилаётган изланишлардан хабардор қилади.

Ўқув адабиётлардан кўрсаткичларда оммабоп, содда тилда ёзилганлари акс эттирилади, шунингдек кўргазмали қуроллар ҳам киритилади.

Тавсия ахборот библиографик манбаларига уларни таъсирчанлигини ошириш учун бадиий ва санъат асарларни ҳам жалб этилади.

Ижтимоий-сиёсий тавсия библиографияларни асосий объекти китоблар бўлиб ҳисобланади, аммо баъзи бир пайтларда вақтли матбуот асарлари ҳам киритилади, чунки бу материаллар ҳозирги кун ижтимоий ҳаётдан хабардор қилади. Мақолаларни танлашни жуда жиддий олиб бориш зарур.

Адабиётларни гуруҳлаш

Тавсия библиографик қўлланмаларнинг таркибий тузилиши унинг режасини тузиш пайтидаёқ аниқланади ва шундаёқ адабиётларни танлаш, мавзуини белгилаш, бўлим ва бўлимчаларга бўлинишини тартибга туширилади.

Мавзули кўрсаткичлар таркибий тузилиши асосида фалсафа тарихи, иқтисод назарияси фанларининг дастурлари схемаси ётади. Тарихий фанларга оид тавсия кўрсаткичларда кўпроқ тарихий хронологик тузилиш тартиби қўлланилади. Адабиётларни шу тартибда жойлаштириш тарих фанининг дастурларига мос тушади.

Мамлакатшунослик тавсия кўрсаткичларининг схемасида мамлакатнинг жўғрофияси, тарихи, иқтисоди, маданиятига аталган махсус бўлимлар ажратилади.

Кўпгина тематик (мавзули) тавсия кўрсаткичларнинг схемалари (таркибий тузилиш)нинг асосий мақсади китобхонларни эътиборини мавжуд муаммоларнинг энг муҳим жабҳаларига қаратишдан иборат. Ҳар бир бўлим ичида материаллар хусусий тушунчадан умумийга қараб мураккаблашиб бориш керак. Яъни, олдин масалага доир соддароқ адабиёт сўнгра илмийроқ тилларда ёзилган адабиётлар кўрсатилади.

Адабиётларни кўрсаткич ичида бундай мантиқий жойлаштириш китобхон қизиқишини оширади. Баъзи бир кўрсаткичларда (кўпинча бундай ҳол техника кутубхоналарни кўрсаткичларида учрайди) адабиётлар алифболи тартибда жойлаштирилади.

Асарларнинг мазмунини ёритиш

Тавсия библиография орқали китобхонлар ўқишга раўбарлик қилишда кўрсаткичнинг матнли қисми (аннотация, кириш сўзи, бўлимларга ёзилган сўз бошлари) муҳим аҳамиятга эга.

Кўрсаткичга тузилган матнли қисмининг ҳажми ва мазмуни унинг мақсади ва китобхонларга мўлжалланиши билан белгиланади. Китобхонларни эътиборини мавзу ёки китобларни мазмунига кўпроқ қаратилмоқчи бўлинса у ҳолатда кўрсаткич матни кенгроқ ва таъсирчанроқ тузилади. Бу матнларда бирламчи ва иккиламчи ахборот, яъни китоблар ва мавзу ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Кўпроқ китобхонга мурожаат шаклида тузилади. Бундай мисолларни биз А.Навоий номидаги РМК томонидан ёшларга мўлжаллаб тузилган кўрсаткичларда кўрамыз.

Кўпинча кўрсаткичнинг мақсадини сарлавҳасидан, бўлимларни номланишидан ҳам билиш мумкин: «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», «Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас» ва ҳ.к. Китобхон билан тўғри мулоқот кириш сўзиданоқ олиб борила бошлайди.

Аннотацияларни ва кўрсаткичларни бошқа матнли қисмларининг характери фақат кўрсаткичларни мўлжалланиши эмас, балки адабиётларни мавзуси уларни кўринишига ҳам боғлиқ. Кўрсаткичларга киритилган ўқув адабиётларга аннотациялар берилмайди, чунки бундай маълумотлар кириш сўзидан келтирилади. Маълум малакага эга бўлган (тарғиботчи, ўрта мактаб ўқувчилари) китобхонларга мўлжаллаб тузилган кўрсаткичларга киритилган адабиётларни аннотацияси справка (маълумотнома) характерга эга бўлади. Бадиий адабиётга аннотация фақат тарихий мавзудаги кўрсаткичлардагина тузилади.

Тавсия библиографик кўрсаткичларни тузиш борасида ҳозирги кунда яхши ўйлаб кўрилган, ҳар томонлама ўрганилган услубий материаллар ишлаб чиқиш зарурлиги сезилмоқда. Бу масалани республикамізда кўзга кўринган кутубхонашунослик, библиографияшунослик борасидаги олимлар ва республика тавсия библиография бўйича илмий-услубий марказ бўлиб ҳисобланадиган А.Навоий номидаги Республика Миллий кутубхонаси етакчи ходимлар тез орада ишлаб чиқишлари лозим.

XI-боб. КУТУБХОНАНИНГ МАЪЛУМОТ БИБЛИОГРАФИК ИШИ Маълумот– библиографик иш.

Ижтимоий – сиёсий мавзудаги маълумотлар ҳар қандай кутубхонанинг библиографик ишида катта ўрин эгаллайди. Бу эса китобхонлар энг хилма-хил гуруҳларининг ижтимоий турмуш, ижтимоий фанлар, муаммоларига доимо қизиқиб қараётганлиги билан боғлиқдир.

Бу маълумотларнинг ҳусусияти мавзуси жиҳатидан ҳам бажарилиши қийинлиги жиҳатидан ҳам, китобхон учун талаб қилинаётган ахборотнинг ҳусусиятлари жиҳатидан ҳам ғоят хилма-хилдир.

Библиографик маълумотларни аниқлашга оид маълумотлар анча катта ўринни эгаллайди. Бу, аввало давлат раҳбарларининг асарларини, давлат ҳужжатларини, улар раҳбарлари асарларининг эълон қилинган жойларини аниқлашга қаратилган талабларидир. Ана шундай изланишларнинг манбалари ва услубияти ушбу ўқув қўлланманинг олдинги бобларида кўриб чиқилган. Жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, ёшлар ҳаракати ва бошқалар) халқаро, давлатлараро ёки жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг номларини ва эълон қилинган жойларини аниқлаш юзасидан кўплаб ана шундай талаблар олинмоқда. Бу ҳужжатларни излаш йўли, уларнинг асосий нашрлари, шу жумладан уларнинг вақтли матбуотда эълон қилинишидир, чунки кўпинча энг янги ҳужжатларни сўрайдилар (одатда у ёки бу ташкилотларнинг органлари: «касаба уюшмалари», «Ёш куч», «Ёшлар овози» ва бошқалардир). Изланадиган ҳужжат мавзуси билан боғлиқ хилма-хил библиографик қўлланмалардан, шу жумладан китоб ичидаги ва мақола ичидаги рўйхатлардан, кўпинча ҳам умумий тусдаги, ҳам турли ташкилотларга ёки уларнинг гуруҳларига мос маҳсус бағишланган справка нашрларидан фойдаланиш мумкин.

Кўриб чиқиладиган соҳадаги бошқа адабиётга оид библиографик маълумотларни аниқлаш маълумотлари умумий библиография курсида кўриб чиқилган маълумотларга ўхшайди. Улар ижтимоий – сиёсий мавзуга тадбиқан библиографик ахборотни кўпинча эшитиб (радио, телевидение орқали) қабул қилиш билан боғлангандир. Ана шу каналлар бўйича асосан янги адабиёт тавсия этилади, шу адабиётнинг тасвирини аниқлаш учун ҳам тармоқ, ҳам умумий жорий библиография манбаларига мурожаат қилиш ғоят мақсадга мувофиқдир. Бундан аввал айтиб ўтилганидек, китобхонлар китоб ёки мақоланинг ҳиссиётли номини (масалан, «Эман илдизлари»,

«Сакура шохлари») кўпинча ёдда сақлаб қолиб, уларнинг муаллифларини эслай олмайдилар. Бундай ҳолларда излашнинг энг яхши йўли – кутубхонада тутилаётган бўлса, сарлавҳалар картотекасига мурожаат қилишдир. Бундай картотека бўлмаган тақдирда изланаётган асарнинг мавзусини аниқлаб, қўлланмаларга, кўпинча публицистик ва очеркавий ижтимоий-сиёсий адабиётни кўплаб ўз ичига оладиган тавсия библиографик қўлланмаларга мурожаат қилгандан кейингина излаш муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Библиографик маълумотлардаги ноаниқликлар китоб ва мақола авторлари, услубий кўрсатмалар муаллифлари, адабиётни оғзаки тавсия этган шахслар библиографик маданиятнинг пастлиги билан боғлиқ бўлса, у вақтда умумий библиография курсида кўриб чиқилган излашнинг энг хилма-хил манбаларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Мавзули маълумот-ижтимоий-сиёсий маълумотнинг энг мураккаб ва тез-тез учраб турадиган туридир. Библиограф уни бажариш чоғида мавзунинг хусусиятларинингина эмас, шу билан бирга қўйилган мақсадни, китобнинг тайёргарлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Мавзу маълумотларни бажариш манбалари СБАнинг ҳажми ва характериға, СБАдан анча йирик тармоқ марказлари сифатида ҳам, ҳудудлар корпорациялар тартибида ҳам фойдаланиш имкониятларига боғлиқ.

Оммавий кутубхоналарда ижтимоий-сиёсий мавзудаги маълумотлар кўпинча такрорланадиган характерға эға бўлади. Улар давлатнинг навбатдаги ҳужжатларни тематикаси, қасаба ўқув тизимларининг дастурлари билан, олий ўқув юртларида жамиятшуносликни ёки ижтимоий фанларни ўрганиш билан боғлиқдир. У мамлакатимиз турмушидаги, халқаро ҳаётдаги воқеалар, сиёсий компаниялари муҳим саналар, турли байрамлар ва шу қабилар билан белгиланади. Ана шундай мавзули маълумотларнинг пайдо бўлишини олдиндан кўра билиш мумкинлиги туфайли уларни ахборот – библиографик хизмат кўрсатиш режимига ўтказиш тавсия этиладиган тусдаги мавзули картотекаларини ўз вақтида ташкил қилиш ва адабиёт билан доимо тўлдирилиб туриш, библиографик обзорлар ўтказиш ва шу қабиларни бажариш ғоят мақсадға мувофиқдир. Китобхонлар доираларининг озми-кўпми доираларнинг жамоат топшириқларини бажариш билан, халқ ноибларини, маҳалла фаоллари ва шу қабиларни мавзули ахборот орқали ўз вақтида таъминлаш билан боғлиқ маълумотларни ҳам шу тарзда олдиндан кўзда тутиши мумкин.

Ёш китобхонларнинг ахлоқ-одоб масаласи бўйича мавзули талаблар (масалан, «Ҳозирги кунимизда жасорат кўрсатиш нима демак?», «Бурч, шон-шараф, виждон нима?» ва ҳоказо) тез-тез

такрорланиб туради. Бу эса илгари айтиб ўтилганидек, китобхонларнинг ана шу гуруҳи учун тавсия библиографик қўлланмалар тизимини ташкил қилган чоғда ҳисобга олинади, булар янги адабиёт ҳисобига картотека томонидан давом эттирилиши мумкин. Бироқ мавзу талаблар бўйича бевосита маълумот-библиографик хизмат кўрсатиш муайян китобхоннинг хусусиятларини анча аниқ ҳисобга олишни кўзда тутди. Чунончи, «Ёшларнинг меҳнати» маълумотини бажара туриб, ёш китобхонларнинг касб эгаллаш даражасини ҳам (меҳнатга, касб танлашга тайёргарлик кўриши ёки саноат, қишлоқ хўжалиги ва шу кабиларнинг муайян тармоғида ишлаётгани), талабининг мақсадини ҳам (касб танлаш, маъруза ёки нутқ тайёрлаш ва ҳоказо) шахс якка тузилишнинг хусусиятлари, идрок қилишнинг мантикий ёки хиссиётли типини ҳам, ўқиш умумий маданияти савиясини ҳам, ушбу мавзу бўйича адабиётдан хабардорлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Оммавий кутубхонада мавзу ижтимоий-сиёсий маълумотлар, одатда, тавсия этиш характериға эға бўлиш лозим. Уларни тайёрлаш услубияти ҳар қандай бошқа библиографик қўлланмалар тузиш қоидаларига мосдир. Номутахассис китобхонларнинг маълумот-библиографик бўлимида, уларнинг ўқишиға бевосита раҳбарлик, одатда амалға оширилди. Чунончи, аниқ сўровни қабул қилган чоғда мавзуга тузатиш киритиш, китобхонларнинг диққат-эътиборини сиёсий жиҳатдан анча муҳим бўлган унинг жиҳатларига қаратиш тез-тез рўй беради. Масалан, тарихий тусдаги мавзули китобхон воқеа ёки тарихий арбобнинг ўзи тўғрисидагиға эмас, шу билан бирға унинг замонамиз учун аҳамияти ҳақида ҳам тасаввур олиш имкониятиға эға бўлсин. Баъзан озми-кўпми хусусий тусдаги талаблар ўртаға қўйилган чоғда, мавзу чегараларини кенгайтириш зарур бўлиб қолади, токи китобхон учун тўғри услубий нуқтаи назардан ўрганадиган бўлсин. Масалан, мустақиллик йиллари ўз ўлкаси халқ хўжалигининг ривожланиши билан қизиқаётган китобхонға умуман шу йиллар тўғрисидаги энг муҳим манбани ҳам тавсия этиш керак, бу эса Ватан ривожланиш вазифалари ва йўналишлари билан таққосланиб кўриш имконини беради. Табиийки мавзунинг шу тариқа ҳаддан ташқари кенгайтириб юбориш ярамайди, бу ишни ўқишнинг аниқ мақсадларини ва китобхоннинг имкониятларини ҳисобға олибгиға қилиш керак.

Мавзули маълумотда ҳамма энг муҳим адабиётни, аввало бош манба асарларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўпинча ижтимоий-сиёсий адабиётгиға эмас, шу билан бирға бадиий адабиёт, тасвирий санъат нашрлари, аудиовизуал материал ҳам фойдали бўлади. Тавсия этиладиган адабиётни мавжуд библиографик материалларға йўналтирма бериш билан тугаллаш мақсадға мувофиқдир, бу эса

китобхонни мавжуд библиографик ресурсларга эътибор билан қарашга ўргатиш имконини беради.

Номутахассис учун мўлжалланган маълумот тавсия этиладиган адабиёт ҳажми, одатда унча катта бўлмаганлиги сабабли у кўпинча тавсия қилинадиган ўқиш тартибида ёки мавзу мазмунининг ўзи тақозо этадиган мантикий тартибда жойлаштирилади. Масалан, ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш тўғрисидаги мавзули маълумот бошда умумий тусдаги адабиёт, аввало бош манбалар, ҳужжатлар берилади. Шундан кейин мавзунинг айрим жиҳатлари бўйича, миллий мафкура тарбиясига йўналишларига мос: меҳнат тарбияси, ватанпарварлик ва интернационал тарбия ва шу кабилар ҳақидаги адабиёт акс эттирилади. Башарти маълумот ҳажм жиҳатидан анча катта бўлса, у ҳолда ана шу бўлимларининг ҳар бирида асосий ва кўшимча адабиёт ажратиб кўрсатилади. Агар маълумот ана шу ишни олиб бораётган кишилар (ўқитувчилар, мураббийлар ва бошқалар) учун бажарилаётган бўлса, у вақтда маълумот олувчининг қизиқишларига қараб мактабда, ишлаб чиқаришда, бошқа ўқув тизимида машғулотлар жараёнида ва шу каби бошқа жойларда тарбиявий иш тажрибаси тўғрисидаги китоблар ва мақолаларни ажратиб кўрсатиш фойдалидир. Ёш китобхонлар учун назарий тусдаги янги китоблар ва мақолалардан ташқари библиографик манба ҳам фойдали бўлади, бу манба меҳнатда, Ватанни ҳимоя қилишда, ўз интернационал бурчини адо этишда ва шу кабиларда мустақил Ўзбекистон кишиси, юксак ахлокий фазилатларни намоён этишни яққол кўрсатиб бериши мумкин. Бундай китоблар маълумот мавзули кичик бўлимларидан ҳар бирини тугаллаши мумкин.

Ўқишни бошқариш учун мўлжалланган ёзма маълумотларда аннотациялар, ўтиш текстлари ва ижтимоий-сиёсий тавсия библиографиянинг бошқа усуллари фойдалидир. Оғзаки маълумотни бажарган вақтда бундай вазифалар библиографнинг китобхон билан суҳбати зиммасига юкланди. Тематик маълумотларни адо этган чоғда бутун мавжуд библиографик ресурслардан нашр қилинган тавсия библиографик қўлланмалардан, шу жумладан уларнинг айрим бўлимлари ва рубрикаларидан фойдаланилади, буларнинг энг муҳимлари одатда библиографик қўлланмаларнинг картотекаларида тасвирланади. Булар каталоглар ва картотекалардан фойдаланиш йўли билан янги адабиёт ҳисобига тўлдириб турилади.

Мутахассис китобхонлардан универсал ва тармоқ библиографик марказларга тушаётган тематик маълумотлар, анча тор талабларнинг бир-мунча кенг жиҳатлари билан ажралиб туради. Одатда мутахассислар ўзбек адабиётигина эмас, шу билан бирга худди ушандай чет эл адабиётини ҳам анча катта хронологик даврдагисини талаб қиладилар. Тадқиқотчи жамиятшуносларнинг талаблари кўпинча

давр билан (масалан, "...ҳақидаги ўттизинчи йиллар адабиёти"), тил билан ("Француз адабиёти бўйича...", "Америка матбуотида Ўзбекистон Конституциясига берилган баҳо", "Халқаро ишчилар ҳаракати немис адабиётида" ва ҳоказо), ёки ҳатто нашр этилган жой билан ("Хорижий мамлакатларда нашр этилган иқтисод дарсликлари") кўпинча чеклангандир. Тадқиқотларнинг якка мавзулари ёки ўқув топшириқлари билан боғлиқ маълумотлар баъзан жуда тор бўлиб, кўп куч-ғайратни ҳамда уларни бажариш учун кўплаб библиографик манбаларни бўлишини тақозо этади.

Муассасалар ва ташкилотлар учун бажариладиган мавзули маълумотлар кўпинча ҳозирги ижтимоий турмуш нинг, мафкуравий фаолиятнинг, шу жумладан қарши пропаганданинг ҳам актуал муаммолари билан боғлангандир. Айрим тадқиқотчилар ҳам, шунингдек маҳаллий давлат органлари ҳам ўлкашунослик тусидаги, лекин чет эл адабиёти бўйича талаблар билан умумреспублика ва МДХ марказларига мурожаат қиладилар. Масалан, "Доғистон чет эллик муаллифларининг асарларида", "Чет эл матбуоти мустақил Ўзбекистон тўғрисида" ва ҳоказо. Кўпинча, тадқиқотчиларга муайян мафкуравий маслакдаги адабиётгина, муайян жамиятшунослик мактаблари ва йўналишлари (оқимлари) вакиллариининг асарларигина талаб қилинади. Номарксистик адабиётни жалб қилишни талаб этувчи (масалан, "Чет эллик тарихчиларининг, айниқса латиш миллатчи-муҳожирларининг асарларида Латвия тарихининг соҳалаштирилиши") ёки аксинча буржуа жамиятшуносларнинг ғайриилмий қарашларини танқид қилиш. "1918 - 1934 йилларда Италияда фашистларга қарши публицистика" ёки "Кейинги уч йил ичида чиққан ЦРУ ҳақидаги китоблар". Баъзи китобхонларга муайян жанр ёки адабиёт туригина зарур "...тўғрисида хотиралар", "Франциянинг ҳозирги экономикаси тўғрисидаги справочниклар", "...прейскурантлари ва баҳо кўрсаткичлари".

Мутахассисларнинг талаблари бўйича бажарилган мавзули маълумотларнинг ранг-баранглиги библиографдан, аввало мавзунинг ўзини яхши билишни ва аниқ китобхонга зарур бўлган уни ёритиш жиҳатларини аниқлашни тақозо этади. Талабни чеклаш имкониятига қараб излашнинг фойдаланилаётган манбалари торайтирилиши мумкин: муайян давр ичидаги жорий кўрсаткичларгина ёки ретроспектив кўрсаткичларгина, фақат рус тилидаги ижтимоий-сиёсий адабиётни ҳисобга оладиган ёки МДХ халқлари тилларидаги, чет тилларидаги ва айни қандай чет тилларидаги қўлланмаларгина қолиши керак. Талабнинг қўйилган мақсади алоҳида аҳамиятга эга, чунки энг малакали мутахассисга ҳам маълумот унинг бевосита тадқиқотларига балки яқин мавзу билан умуман танишиш учунгина, услубий

семинарда сўзга чиқишга тайёргарлик кўриш учун ва ҳоказолар учунгина зарурдир.

Кутубхоналар библиографик маълумотлар билан бир қаторда фактографик маълумотларни ҳам бажарадилар. Цитаталар манбаларини ёки текстларини аниқлашга оид маълумотларни ҳам баъзан шу маълумотлар қаторига киритадилар.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги фактографик маълумотлар тарихий воқеаларни саналарини, тарихий шахсларнинг фаолиятини аниқлаш билан ҳам боғлиқдир. Луғавий маълумотлар (инвестиция нима? ва ҳоказо), ва бошқа ташкилотларнинг қисқартирилган номларини ёйма қилишга оид маълумотлар («БААС» нима? – адабиётда ишлатиладиган араб социалистик уйғониш партияси) тез-тез учраб туради. Кейинги вақтларда мамлакатларнинг ўзгарадиган номларини баъзан аниқлаш талаб қилинади: «70 – йилларгача Белиз қандай аталганди?» (1973 йилгача Британия Гондураси деб аталганди). МДХ регионлари бўйича маъмурий-худудий бўлинишларнинг ўзгаришлари тўғрисида тез-тез маълумотлар тушиб туради.

Библиографик тусдаги маълумотлар ўтган йиллардаги арбоблар билангина эмас, шу билан бирга у ёки бу давлатнинг ҳозирги раҳбарлари, чет мамлакатлар хужжатлари билан боғлиқдир. Бундай маълумотлар кўпинча яқиндагина сиёсий майдонга чиққан шахслар тўғрисида бажарилади.

Статистик фактографик маълумотлар МДХ ва унинг регионлари ҳўжалиги ва маданиятининг ривожланиши тўғрисидаги кўпинча мустақилликка эришган йиллар ичида уларнинг ривожланиш яқунлари ёки шу яқин йиллик режалари ҳақидаги маълумотларни излаб топишни кўзда тутди. Баъзан мамлакатимиз, МДХ лагеридаги барча мамлакатлар иқтисодий, социал ва маданий ривожланишини умуман узоқ чет эл мамлакатлари ёки айрим мамлакатлар (кўпинча АҚШ) ривожланиши билан таққослаш кўрсаткичлари талаб қилинади. Махсус кутубхоналар ишида Ўзбекистонда ёки чет эл мамлакатларида у ёхуд бу маҳсулот турини ишлаб чиқариш билан боғлиқ статистик маълумотлар, шунингдек машина – ускуналари, ҳом-ашё ва шу кабиларнинг техника-иқтисодий характеристикалари катта ўрин эгаллайди.

Фактографик маълумотларнинг расмийлаштириш уларни бажариш учун фойдаланилган адабиётни кўрсатиш билан боғлиқ бўлиши мумкин, шу тариқа у мавзули библиографик маълумот билан қўшилиб кетади. Китобхонни якка-ягона фактгина эмас, балки воқеанинг, шахс фаолиятининг ижтимоий-тафаккур оқими ёки «мактаби»нинг озми-кўпми кенг ёритилиши ва шу кабилар ҳам қизиқтирган ҳолларда адабиётни кўрсатиш айниқса фойдалидир. Масалан, ўқувчи китобхоннинг «Неопозитивизм нима?» деган талабига

жавоб далил маълумот тарзида расмийлаштирилиши мумкин. Лекин шу нарса равшанки, шундай тайёргарлиги бўлган китобхон учун оммабоп адабиётни, ҳеч бўлмаса мақолалар тавсия қилиш анча фойдали бўлур эди, шу билан бирга унинг келиб чиқиши, семиотикаси ва бошқа фанларга ўтказаетган таъсири ҳам очиб ташланиб, неопозитивистлар ишлаб чиққан фаннинг услубий муаммолари аниқ танқид қилинган бўлур эди.

Мутахассислар, илмий марказлар, жамоа ва давлат муассасаларидан тушаётган ва далилларга асосланган маълумотлар оммавий китобхонлар учун мўлжалланган ана шундай маълумотларга нисбатан мавзу жиҳатидан анча кенгдир. Бу маълумотларни бирон бир йўл билан аниқ-пухта тавсифлаб бўлмайди. Тарихий тусдаги маълумотлар юқорида кўриб ўтган ана шундай маълумотлардан ташқари кўпинча графика ахборотнинг (масалан, «Россия шаҳарлари гербларининг тасвирлари») муайян тури билан боғлиқдир. Конкрет ташкилотлар ёки муассасаларнинг бошқариш, тизими тўғрисида («Давлат Думаси ва унинг тузилиши», «АҚШ Сенатида овоз бериш тартиби» ва ҳоказо) тез-тез талаблар тушиб турибди.

Тарихчиларни тарихий манбаларнинг у ёки бу турларини сақлаш жойи («XIX асри охири XX аср бошларида Россиядаги сиёсий партиялар ва союзларнинг ҳужжатлари қайси архивда сақланмоқда?») ёки аниқ ташкилотларнинг ҳужжатларини сақлаш жойи («Халқаро меҳнат ташкилоти ҳужжатлари фонди МДХнинг қайси ахборот марказида бирмунча тўла?») тез-тез қизиқтиради.

Статистик маълумотларни излаган чоғда тарихий маълумотлар мутахассис бўлган китобхонлардан кўра тадқиқотчиларни кўпроқ қизиқтиради. «1861-1865 йилларда Россия траспорти тўғрисида статистик маълумотларни» мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Баъзан чет мамлакатлар иқтисоди ёки маданияти айрим соҳалари ривожланиши тўғрисидаги статистик маълумотларни статистик нашрларда мавжудлигидан кўра кенгроқ нашрларидан излашни талаб қилинади.

Оммавий кутубхоналар китобхонларнинг, кўпинча коллекционерлар (филателистлар ва шу кабилар), хотиралар, муалифлари, ёки хатто жанговар ва меҳнат шухрати музейларини ташкил қилиш чоғида «изтопарлар» бўлган ўқувчиларнинг баъзи буюртмалари ҳам торлиги ва ўзига хос характери жиҳатидан фактографик талабларга яқинлашиб қолади. Ушбу оммавий кутубхона ёки МКС ўз СБАлари асосида талабни қондира олмаган ҳолларда бу талаб бирмунча йирик ахборот марказига ёзма маълумот тарзида, тарқатиб юборилиши лозим. Фақат ўз СБАга мўлжаллаб иш тутиш ҳам фактографик, ҳам библиографик маълумотни ҳамиша ҳам бажариш имкониятини бермайди. Шу билан бирга библиографиянинг ахборот-библиографик марказлар тизимларини, улар СБА хусусиятларини

яхши билиши маълумот-библиографик ишида кооперациялашнинг кенг имкониятларидан фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий маълумотлар учун хилма-хил баъзан эса анча мураккаб талабларни опреатив қондириш имконини беради.

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги маълумотларнинг ўзига хос хусусияти шуки, соф расмий характерга (саналари, рақамларини ва шу кабиларни аниқлашга) эга бўлган жавоб билан бир қаторда кўпинча ана шу маълумотларга баҳо бериш, библиографнинг уларни изоҳлаши талаб қилинади. Бу гап эса терминологик маълумотларга ҳам таалуклидир, чунки ижтимоий фанларнинг кўпгина терминлари марксистлар ва номарксистлар томонидан турлича талқин қилинади. Шу боисдан капиталистик мамлакатларда чиқариладиган энциклопедиялардан фойдаланиш китобхонни янглишишига олиб келади. Бу гап ҳозирги сиёсий терминларига (масалан, «демократия», «тоталитаризм» ва шу кабилар) эмас, шу билан бирга кўпгина фалсафий ва бошқа терминларга ҳам алоқадордир. Шу сабабли библиограф аввало, излаш манбаларига, уларнинг тўла бўлишига, янгилигига, мафкуравий кураш вазифаларига баҳо бериш йўли билан материални баҳолаши мумкин.

Чунончи, капиталистик мамлакатдаги баъзан халқаро ташкилотларидаги статистик нашрларда меҳнат, даромад тўғрисидаги статистик маълумотларнинг ва бошқа кўрсаткичлари бўйича шундай маълумотларнинг тўла бўлмаслигини, баъзан эса атайлаб соҳалаштирилганини назарда тутиб, бундай маълумотларни МДХ манбалари асосида иложи борица текшириб кўриш ёки ҳар ҳолда шу рақамли маълумотларнинг ноаниқлиги ҳақида китобхонни огоҳлантириш лозим.

Йирик илмий ва махсус кутубхоналарда одатда, хилма-хил ҳамда ўзбек ва чет эл адабиётини ғоят зўр тўлалиги билан акс эттираётган ўз СБА, каталоглари ва картотекалари ҳам библиографик, ҳам фактографик маълумотларни бажарувчи манбалардир. Шу боисдан ҳам улар кўпинча излаш учун фойдаланилади. Бироқ кўпинча хатто СБАнинг ана шундай қудратли арсенали ҳам талабни қондира олмайди. Оқибатда у ёки фондларга ёхуд конкрет китоблар ва мақолаларга бевосита мурожаат қилишга тўғри келади. Баъзи фактларга асосланган маълумотни бажариш чоғида аввал бир қанча адабиёт аниқланади, сўнгра эса уни ўрганиш асосида фактографик маълумот тайёрланади. «Европа қўшма Штатлари» шиори қачон ва ким томонидан илгари сурилган эди?» маълумоти худди шундай бажарилган эди. Фактографик ёки библиографик маълумот бирон бир янги нашрларга, хатто газеталарга мурожаат қилишга тўғри келади. Масалан, кеча «Время» (Вақт) дастури хабар қилган давлатнинг янги раҳбари тўғрисидаги библиографик маълумотлар ёхуд сўнгги квартал

ичида халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақидаги статистика маълумотлар шулар жумласидандир.

Баъзи бир қанча йирик ахборот марказларининг СБА ва фондларидан фойдаланиш талаб қилинади.

Оммавий кутубхоналарда библиографик маълумотларни бажариш манбааларининг доиралари илмий кутубхоналардагига нисбатан анча тор, албатта барибир етарли даражада кенг деса бўлади. СБФ каталог ва картотекалардан комплекс фойдаланиш кенг самара беради. Баъзан кутубхоналарнинг амалиёти кўпинча фақат каталог ва картотекалардан фойдаланаётганини кўрсатмоқда. Ҳозирда жаҳон бозорида кенг қўлланилаётган « интернет » тизимидан фойдаланиш тўғри бўлади. СБФни, айниқса, тавсия библиографик қўлланмаларини, янги справочниклардан албатта кенг изланишни кенгайтириш, раҳбарлик ҳужжатларини, шунингдек, ушбу кутубхонада бўлмаган, лекин у ёки бу маълумот манзили учун фойдали бўлган китобларни кам куч сарфлаб аниқлашга имконини беради. Тавсия библиографик қўлланмалар, шу жумладан китоб ички ёки журнал ички рўйхатлари картотекалари ҳисобига янги ижтимоий-сиёсий адабиёт билан тўлдирилиши мумкин.

Айниқса мавзули маълумотни бажариш учун етарли даражада сермехнат иш адо этилган тақдирда талабга жавоб архивда мавжуд маълумотлар асосида бажарилиши мумкин бўлган ҳоллар кам эмас. Масалан, А.Навоий номли Миллий кутубхона бажарган «Нон ҳақидаги (нонни эҳтиёт қилишга оид)» маълумот кейинги йилларда фақат янги адабиётни қўшиб яна қайта фойдаланиши мумкин. «Тўй марасимлари» маълумотидан кўп марта фойдаланилди. Ижтимоий-сиёсий маълумотлардан такрорий фойдаланиш уларни янги материаллар билан тўлдирилишгина эмас, шу билан бирга ундаги нашрларнинг номларини синчиклаб кўздан кечиришни, адабиётни мавзуй қамраб олишни маълумот структурасининг тарғибот – пропаганда ишини ҳозирги вазифалари билан боғланиши тақозо этади.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий библиографик маълумотларни бажариш библиографиядан излашнинг асосий манбаларини, библиографик эвристика қоидаларини билишгина эмас, шу билан бирга ижтимоий фанлар соҳасида яхши тайёргарликка эга бўлишни, шу билимларни доимо янгилаб туришни, шунингдек юксак сиёсий маданиятни, Давлат ғоявий фаолиятининг ҳозирги вазифаларини тушунишни, мамлакат ички турмуши ва халқаро ҳаёт воқеаларидан хабардор бўлиб туришни талаб қилади.

ХII-бoб. АХБОРОТ – БИБЛИОГРАФИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Ушбу тармоқда ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш мазмуни ижтимоий фанлар мутахассисларининг, мавкуравий иш жабҳасидаги барча ходимларнинг талаб- эҳтиёжлари билан фаолиятининг амалий иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳаларини ахборот билан таъминлаш, ижтимоий фанларни, мустақил ўқиб, сиёсий билимни оширишни ўрганиш вазифалари билан белгиланади.

Ижтимоий-сиёсий адабиёт билан ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш формалари шу ишнинг бошқа соҳаларидаги сингари қўлланилади, лекин ушбу тармоқ тадбирларининг турлари учун баъзи бир ўзига хос хусусиятларига эга.

Чунончи, ижтимоий-сиёсий мазмундаги китоблар кутубхоналарнинг фондларига янгидан тушган хилма-хил бюллетенларда доимо акс эттирилади. Бундай бюллетенлар умумий тусга эга бўлса, у вақтда ана шундай адабиёт одатда, рўйхатнинг бош қисмида жойлаштирилади. Бундай ахборот абонентларининг озми-кўпми барқарор гуруҳларини ажратиб кўрсатиш имконияти бўлса; у чоғда янги адабиёт рўйхатлари гуруҳли ахборот шаклида юборилади. Масалан, олий ўқув юртларининг кутубхоналари уларни кўпинча ижтимоий – сиёсий фанларнинг айрим кафедралари учун тайёрлайди. Корхоналарнинг кутубхоналари эса буларни иқтисодий профилдаги режа, молия ва шу каби бошқа бўлимлар учун тайёрлайди. Баъзи вилоят кутубхоналари тарих ва жамиятшунослик ўқитувчилари учун мўлжалланган янги адабиёт рўйхатларини ҳудуддаги мактабларга юборадилар. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги китобларга доир ахборот учун маҳаллий газеталар, шу жумладан кичик нусхали газеталар, радио, телевидение сингари воситаларидан кенг фойдаланилади. Бир ойлик ёки бошқа давр учун кутубхонага келтирилган янги ижтимоий-сиёсий адабиёт обзорлари магнитофонга ёзилиб, телефон тармоғига уланади.

Картотекалар, обзорлар ва ахборотнинг бошқа библиографик формалари, одатда, кутубхона ишининг «Ахборот кунлари», «Библиография кунлари» ва шу каби бошқа усуллари билан бирга ташкил қилинади ва ўтказилади. Маънавият ва маърифат миллий ғоя ва миллий ғурурларга бағишланган ўқишлар каби оммавий тадбирлар тўла-тўқис шу соҳага алоқадордир. Кутубхоналар бундай тадбирларни одатда, шаҳар, район, корхона ва камолот, маънавият ва маърифат ташкилотлари, маданият уйлари билан биргаликда ўтказадилар. Ёшлар бундай ахборотнинг асосий адресатидир. Шу боисдан маърузаларга, оғзаки журналларга ва ана шундай тадбирларда қўлланиладиган китобни тарғиб қилишнинг бошқа усулларига библиографик материаллар тайёрлаш чоғида китобхонлар шу гуруҳи учун

мўлжалланган тавсия библиографик қўлланмалар тузишнинг услубий принципларига асосланиши зарур. "Камолот" жамғармаси фаоллари ана шу мактаб машғулотлари асосида сўнгра ўз ташкилотларида турли сабоқлар, ижтимоий-сиёсий ўқишлар ўтказадилар. "Мен мустақил Ўзбекистон фуқаросиман", "Мамлакат ва ўз тақдири хўжайини" (мамлакат ва ўлка ёшларининг ишлари ҳақида), "Ўз вақтим учун мен жавобгар" ("ёшларнинг халқаро демократик ҳаракати тўғрисида"), "Ёшлар, одоб, ХХІ аср» (Ҳозирги йигит ва қизнинг маънавий қиёфаси ҳақида) ва бошқалар мактаб машғулотларининг мавзуларидир.

Тавсия этиладиган қисқача рўйхатлар, обзорлар ягона сиёсий кунларда тузилади ва ўтказилади, турли ташкилотлар бундай кунларни барча меҳнат жамоаларида ой сайин ўтказадилар. Бундай кунлар, одатда, ички ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим масалаларига бағишланади. Ҳозирги сиёсат мавзулари китобларда хали ёритилмаганлиги сабабли бундай рўйхатларга мақолалар, шу жумладан хатто газета материаллари ҳам кенг қўламда киритилади. Аммо бундай ҳолларда Президент асарлари ва давлатнинг раҳбарлик материалларини биринчи навбатда тавсия қилиш зарурлигини эсдан чиқармаслик керак.

Кейинги вақтларда оммавий кутубхоналарда китобни тарғиб қилишнинг ижтимоий-сиёсий клублар сингари формалари қўлланимоқда. Бундай клубларнинг мақсади қизиқишини чуқурлаштиришдан, ижтимоий - сиёсий адабиётни ўқиётган китобхонлар билан муттасил равишда иш олиб боришдан иборат. Бу уюшмалар қатнашчиларини кундалик сиёсий воқеалар билан таништиришни мақсад қилиб қўйганликлари туфайли уларнинг иши оммавий ахборот воситалари газеталар, радио, телевидение ўтказаетган тарғибот билан боғланган бўлиши мумкин. Чунончи, тематикага оид библиографик рўйхатлар марказий радио эшиттириш ва телевидениенинг етакчи дастурлари: «Время», «Халқаро обзор», «Ёшлар телеканал», «Ассалом Ўзбекистон», «Ахборот» ва бошқа дастурлар билан боғланган бўлиши керак. Уларнинг вазифаси ҳозирги сиёсий воқеаларни имкони борида тезкор акс эттиришдан иборат. Шу сабабли, одатда кўргазмалар ташкил қилиш, плакатлар намоиш этиш ва китобни кўргазмали тарғиб қилишнинг бошқа турлари билан бирга уюштириладиган рўйхатлар (ёки картотекалар) ҳар куни тўлдирилиб, янгиланиб туриши керак. Буларни янги мақолаларгина эмас, шу билан бирга кундалик сиёсат билан боғлиқ шунга ўхшаш бир қанча муаммоларга оид китоблар акс эттирилган бир мунча тўлиқ рўйхат ва картотека билан ҳам қўшиб олиб бориши мумкин. Баъзан ана шундай клубларнинг машғулотлари мамлакатимиз айрим ўлка ёки туманлари турмушига бағишланади. Масалан. «Сайёҳатчилар клуби»

эшиттириши ҳаваскорлар учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолларда адабиётни тавсия қилиш имконияти анча кенгдир.

Кутубхоналар клублар билан биргаликда амалга ошираётган бошқа оммавий тадбирлар: тематик кечалар, мунозаралар, конференциялар ва шу кабиларни тайёрлаш ҳамда ўтказиш чоғида ҳам ана шундай библиографик ахборот олиб борилади. Ижтимоий-сиёсий адабиёт табақалаштирилган, гуруҳли ва якка шахс ахборот-библиографик иш кенг кўламда олиб борилмоқда. Масалан, ушбу кутубхонанинг барча китобхонлари учун мўлжалланган «Ахборот кунлари» ёки «Библиография кунлари» билан бир қаторда, одатда, ахборотнинг библиографик шакллари билан биргаликда ўтказиладиган «Тарғиботчи кунлари», «Мураббийлар кунлари» ва шу кабилар кенг оммалашди. Бундай материалларда китобхонларнинг ана шу гуруҳлари билан олиб борилаётган иш мазмуни ва унинг услуби, илғор тажрибага оид адабиётлар, қўшилади. Одатда мавзулар айниқса тарихий ва иқтисодий мавзулар умумий тусдаги адабиётдангина эмас, шу билан бирга маҳаллий, ўлкашунослик материалларида ҳам очиб берилади. Баъзан озми-кўпми катта гуруҳлар ичида анча катта аниқ кичик гуруҳлар ажратилади. Чунончи, тарғиботчилар учун мўлжалланган ахборотда уларнинг фаолиятини мавзу бўйича услубий тайёргарлик савияси бўйича табақалаштириш назарда тутилади. Одамлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлмаган ва алоҳида эътиборни талаб қилаётган ёш пропагандистлар мулоқот дарсларини олиб борувчилар гуруҳи тез-тез ажратилмоқда. «Ўқитувчилар куни»га оид библиографик ахборот ҳам балки табақалаштирилгандир: ўрта мактабда ижтимоий-сиёсий фанлар ўқитувчисига ёрдам тариқасидаги материаллар билан бир қаторда мактаб жангговар ва меҳнат шуҳрати музейларига бошчилик қилаётган ўқитувчиларга ёрдам сифатида ҳам ажратиш фойдалидир, бунда ана шу мазмуни бўйичагина эмас, балки моддий маданий ҳужжатлар ва ёдгорликларини тўплаш ва сақлаш методикаси бўйича ҳам адабиёт ажратиш маъқул. Интернационал дўстлик клубларининг раҳбарлари бўлган ўқитувчилар учун мамлакатшунослик характеридаги адабиётни ҳам, шунингдек интернационал тарбия методикасига оид адабиётни ҳам ажратиш фойдали бўлур эди. Кўпгина кутубхоналар гуруҳий ахборот абонементлари сифатида бошқарув ҳақидаги адабиётга ҳам, бошқарув учун мўлжалланган адабиётга ҳам муҳтож бўлган маҳаллий бошқарув органлари ходимларини Маҳаллий ҳокимият ва Олий кенгаш депутатларига ажратадилар. Бу гуруҳда ҳам турли кичик гуруҳлар: раҳбарлик таркиби (ҳоқим, унинг ўринбосарлари, котиба, ҳокимият аъзолари), ҳокимиятларда унинг бўлимлари ва секторларида, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа ишларини олиб борувчи ёрдамчи иш аппарати, тегишли депутатлар гуруҳлари билан биргаликда ҳудуддаги

хўжалик ва социал-маданий қурилиш тармоқларига бевосита раҳбарлик қилаётган тармоқ бўлимлари ва бошқармалари бор. Баъзан кичик гуруҳлар – мувофиқлаштириш – тартибга солиб туриш ва режа – назорат ишларини амалга оширувчи бўлинмалар ходимлари: режавий комиссиялари, молия бўлимлари ва шу кабилар махсус ажратилади. Ана шундай китобхонларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш кўпинча ДОР тизими бўйича олиб борилади, бу тизим «муқобил алоқа» йўли билан материалга ўз вақтида тузатишлар киритиш имконини беради. Бошқарув ходимларининг мансаб даражаси нақадар юқори бўлса, улар район хўжалиги ва маданиятининг озми-кўпми тор тармоқлари юзасидангина эмас, шу билан бирга унинг ишининг маъмурий-бошқарув жиҳатлари юзасидан ҳам материаллар, қонун актлари ва бошқа норматив актлар, шу жумладан уларга киритилган жорий ўзгаришлар ёки қўшимчалар ҳақида тезкор ахборот, давлат иш тажрибаси, инструктив – услубий материаллар ўшанча кўпроқ зарур бўлади. Уларнинг ахборотга бўлган талаби шуки, у юксак даражада умумлаштирилган, янги ва айни вақтда тўла, аниқ ва лўнда бўлсин. Улар иш мазмунига кўра одатда ҳудуд ёки унинг хўжалиги ва маданияти тармоқлари тенденциялари ва асосий муаммоларга оид, шу жумладан олдиндан айтиб бериладиган ахборотни, жамланган статистик маълумотларни ва шу кабиларни ўз ичига оладиган адабиёт ҳам одатда талаб қилинади.

Олий ўқув юртларининг кутубхоналари ҳам ўқитувчиларга, ҳам талабаларга библиографик ахборот хизмат кўрсатишни ташкил қилмоқда. Ижтимоий фанлар кафедралари ахборот-библиографик хизмат кўрсатиши (бу хизмат баъзан ҳудуддаги турли олий ўқув юртлари кафедралари учун «доиравий (айланма) почта» йўли билан ёки кафедралари коллективларидан ахборотчиларни жалб қилган ҳолда олиб борилади) билан бир қаторда, бошқа ўқитувчиларнинг талаб-эҳтиёжлари эътиборга олинади, жумладан талабалар гуруҳларга ёки олий ўқув юртида тарбиявий иш муаммолари бўйича курсларга кўпинча ахборот-библиографик хизмати кўрсатилади. Жамиятшунослик тадқиқотларининг, кўпинча кафедралараро тадқиқотларнинг ёки хатто бошқа илмий марказларини жалб қилган ҳолда олий ўқув юртлараро тадқиқотларининг энг муҳим мавзулари библиографик ахборот билан таъминланади.

Талабаларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш уларнинг ижтимоий фанларни ўрганишга, курс ва малакавий битирув ишларида ҳамда бошқа ўқув топшириқларини (УИРС конференцияларда ва бошқалар) бажаришларига қаратилгандир. Бундай ахборот кўпинча Олий ўқув юртида ўрганиладиган ижтимоий фанлар картотекалар шаклида ёки ўқув машғулотларининг бошқа формалари бўйича: УИРС учун тавсия этилган талабалар докладлари ва шу кабилар мавзу

асосида олиб борилади. Баъзи олий ўқув юртларининг кутубхоналари талабалар мустақил билим олишлари учун, тарбия қилиш қийин бўлган ўсмирларнинг мураббийлари ва шу кабилар учун ахборот библиографик хизмат кўрсатишни ташкил қилиб, ўқишдан ташқари ишда ҳам талабаларга ёрдам бермоқдалар.

Корхона ва муассасаларнинг кутубхоналари гуруҳий ахборот библиографик хизмат кўрсатиш учун энг кўп имкониятларига эга. Шу кутубхоналарда ахборот материалларнинг мавзуни аниқ белгилаш, абонентларнинг аниқ гуруҳларини ажратиш, ахборотнинг энг самарали формаларини (ДОР, ИРИ ва бошқалар) қўллаш мумкин. Бундай ахборот одатда махсус кафедралар асосида олиб борилади, бу карталарда корхонанинг, унинг бўлимлари ва хизматларининг умумий профилигина эмас, шу билан бирга иқтисодий таълим ва сиёсий маориф кадрлар касба уюшмаси ва ишлаб чиқариш ўқуви системаларнинг ташкил этилиши, маданий-оммавий иш билан шуғулланаётган билимларнинг ва шу кабиларнинг фаолияти ҳам ҳисобга олинади. Ана шундай карталарнинг таҳлили гуруҳий ахборот вазифаси ва мавзуси бўйича мақсадга мувофиқ йўналишни белгилаб олиш имконини беради. Бу ахборот мазмун жиҳатидан аниқ жамоа вазифаларига энг кўп даражада яқинлаштирилиши лозим. Бунда мамлакатни, тармоқни, регионни, умуман корхонагина эмас, шу билан бирга унинг айрим бўлимларини ҳам иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг умумий вазифалари ва яқунлари ҳисобга олинади. Масалан, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш талаб қилинган цех ходимлари учун ана шу мавзу юзасидан ахборот тайёрланиши лозим бўлади. Шу билан бирга иккинчи бир бўлинма учун ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш масаласи, учинчи бир цех учун эса энг муҳим муаммо бўлиши мумкин. Ана шу кутубхоналарнинг библиографиялари тармоқ бўйича жорий библиографик қўлланмалар марказлаштирилган тизимига таяниб янги адабиёт тўғрисидаги кўпроқ мақсадга қаратилган ахборотни вужудга келтириб оладилар. Одатда, бундай ахборотда сиёсий ва иқтисодий адабиёт бошқа тармоқ (Техника, қишлоқ хўжалик) адабиёти билан бирга берилади. Бундай ахборот кўпинча оғзаки обзорлар тариқасида "Доиравий (айланма) почта" йўли билан (бир қанча бўлинмалар учун қизиқарли мавзулар бўйича), телефон орқали, кўпинча китобхонлар турли гуруҳлари учун кўп каналли ахборотлардан фойдаланган ҳолда бевосита цехларда ёки бошқа бўлимларда ўтказилади.

Тадқиқотчиларга ва илмий марказларга, давлат аппарати юқори бўлимига, ва шу жумладан айрим министрлик идораларига ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш ишини ҳам кўп тармоқли (ИНИОН ва унинг тармоқлари ҳамда шу кабилар), ҳам тармоқ марказий ахборот марказлари олиб борадилар. Бу марказларнинг

аксарияти ўзларининг ҳозирги библиографик нашрларини тармоқ мутахассисларининг асосий гуруҳларига юбормоқдалар. Кўпгина марказларда адабиёт тўғрисидаги янги ахборот айтилиш вақтида ЭХМ хотирасига киритилмоқда ва у бевосита марказнинг ўзида ҳам масофада туриб ҳам абонентлар томонидан фойдаланиши мумкин. Бундан аввал айтиб ўтилганидек, АСНТИ ИНИОН нинг ривожланиши билан раҳбар олий ўқув юртларининг ўқитувчиларнинг социал-иқтисодий ахборот билан таъминлашнинг кенг истиқболлари очилмоқда. Бундай ахборот ИНИОНдаги ахборотни магнит тасмаларидан чиқаради, улар мамлакатимиздаги ва МИСОН аъзоси бўлган мамлакатлардаги кўпгина илмий-техника ахборот марказларига юборилмоқда. Кейинчалик маълумотлар ва картографик тизимларнинг муаммоли мўлжал базаларининг яратилиши кўзда тутилмоқда. ИНИОН АИПС ва ижтимоий фанлар соҳасида тармоқларни вужудга келтириш тажрибасини оммалаштириш методик марказидир.

Энг актуал ва муҳим комплекс мавзулари ишлаб чиқиш билан тадқиқот учун жамиятшунослик жамоаларга, айрим етакчи олимларга шунингдек давлат аппаратининг ходимлари ИРБИС бўйича ахборот хизмати кўрсатилади. ИНИОНда ахборот – библиографик хизмат кўрсатишнинг бу йўналиши 1976 йилдан ривож топди. ИРБИС бўйича МДХ республикаларининг ЦНИОН ҳам хизмат кўрсатилади. Кўпгина бошқа кутубхоналар ва тармоқ марказлари ҳам ўз абонентларига ИРБИС бўйича хизмат кўрсатадилар. Ана шу абонентлар жамоаси аниқ имкониятларини ҳисобга олиб белгиланади. Чунки ахборотнинг бу шакллари ҳаёт сермеҳнат бўлиб библиографларнинг юксак малакали бўлишини тақозо этади. Худуд ёки тармоқнинг раҳбар кадрлари, етакчи жамиятшунос олимлар, кўпгина илмий жамоалари, баъзан жамоадаги ахборот вазиятини олдиндан ўрганиш йўли билан норасмий раҳбарлар ижтимоий-сиёсий мавзуга оид ахборотнинг ана шу шакллари билан одатда гуруҳий ёки яқка тартибда хизмат кўрсатадилар. Бунда шу нарсани эътиборга олиш муҳимки, ўша бир шахснинг турли ахборот талаби эҳтиёжлари ҳар хил ахборот марказларининг куч-ғайратлари билан таъминланиши мумкин. Масалан, китобхон ўзининг тадқиқот ёки ишлаб чиқариш мавзуи бўйича махсус кутубхонада ёки тармоқ ахборот марказида ИРИ ёхуд ДОР абоненти бўлади. Шу билан бирга тарғиботчи сифатида унинг эҳтиёжи махсус кутубхонани анча кенг гуруҳий ахборотнинг ўша методлари ва воситалари билан қондириладиган бўлади.

Ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш соҳасида маълумот-библиографик ишдаги сингари мувофиқлаштириш корпорациялаш муҳимдир. Бу эса ижтимоий-сиёсий мавзулар юзасидан ахборотга бўлган хилма-хил талаб эҳтиёжга хизмат кўрсатишда турли марказлар фаолияти соҳасини чегаралашдангина намоён бўлаётгани йўқ. У ёки бу

ахборот тадбирлари, айниқса шундай оммавий тадбирлар кўпинча бир канча кутубхоналар кучи билан тайёрланади ва ўтказилади. Масалан, корхона «Мутахассислар куни»ни ўтказишни техника адабиёти кутубхонаси тайёрлайди. Бу кутубхона одатда, ҳам иқтисодий мавзудаги, ҳам касаба уюшма мавзусидаги адабиётни, мутахассисга фойдали ўз фондларида бўлган бошқа ижтимоий – сиёсий адабиётни етарли даражада кенг комплектлайди. «Маънавият кунлари» ҳам худди шундай региондаги оммавий ва махсус кутубхоналар билан биргаликда ўтказилади.

Ахборотни тайёрлаш ва унинг яқунларига баҳо беришга ижтимоий сиёсий адабиёт китобхонларининг ўзлари жалб қилинган ҳолларда ахборот- библиографик хизмат кўрсатиш энг кўп самаралар берди. Мутахассисларга ахборот-библиографик хизмат кўрсатган чоғда бу айниқса муҳимдир. Лекин у ёки бу ахборотни олаётган китобхонлар билан оғзаки суҳбатлар тарзида бўлса ҳам «Муқобил алоқа» воситалари оммавий ва гуруҳий ахборот талаб-эҳтиёжларининг ўзгаришларига ўз вақтида муносабатларини билдириш ва шуларга мувофиқ тарзда ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш шакл ва услубларини такомиллаштириш, ахборот материалларининг мавзусини аниқлаш имконини беради.

Талабалар ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ижтимоий –сиёсий адабиётлар ва умуман китоблар ҳақида алломалар ва йирик давлат ва Фан арбобларининг фикрлари.
2. Ижтимоий-сиёсий адабиётларни шаклан ва мазмунан тушунчаларнинг чегараси.
3. Ижтимоий-сиёсий адабиётларни нашр типологияси.
4. Ўзбекистон ва МДХда ижтимоий-сиёсий адабиётларни нашр этувчи махсус ва универсал нашриётлар.
5. Китобхонларни ўқи швақтларига қараб библиографик ахборот истеъмолчиларини дифференциаллаш.
6. Ижтимоий-сиёсий адабиётларни истеъмол қилувчи етакчи гуруҳлардан бирини (илмий ходимлар, ўқитувчилар, ташвиқотчилар) касбий талабларини мазмуни ва таркибий тузилиши.
7. Мустақил билим олувчи китобхонларни ижтимоий, илмий ва умумиижтимоий адабиётларга бўлган талаблари.
8. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг мазмуни ва вазифалари.
9. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборот манбааларининг классификацияси таснифи.
10. Ижтимоий-сиёсий, илмий-ёрдамчи библиографияни ташкил этилиши ва тарқатиш шакллари.
11. Ижтимоий-сиёсий тавсия библиографиясини ташкил этилиши.
12. Россия ИНИОН (ижтимоий фанлан илмий ахборот институти) илмий ёрдамчи библиографиясини яратиш бўйича МДХда етакчи ўрни ва роли.
13. А.Навоий номли Ўзбекистон Республикаси илмий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси асосий кутубхонаси ва бошқа кутубхона ахборот ресурс марказларининг ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясини ташкил этишдаги роли.
14. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографияси борасида халқаро алоқала рва истиқболи режалари.
15. Жорий библиографик ахборотнинг моҳияти ва уларнинг аҳамияти.
16. Ижтимоий фанлар бўйича жорий библиографик манбааларни асосий бўғинлари.
17. Жорий библиографик кўрсаткичлар мазмуни ва услубий хусусиятлари.

- 18.Жорий рефератив кўрсаткичлар тизими ва Янги адабиётлар ҳақида олиб борилган ахборотнинг роли.
- 19.Ижтимоий-сиёсий вақтли матбуотлардаги жорий ахборотларни шакллари.
- 20.Жорий ижтимоий-сиёсий библиографияни асосий услубий принциплари.
- 21.Жорий тармоқ, мавзули, муаммоли, мавзули, мамлакатшунослик библиографиялар учун адабиётларни танлаш хусусиятлари.
- 22.Рефератив нашрлар учун адабиётларни танлаш хусусиятлари.
- 23.Ижтимоий сиёсий жорий библиографияларда адабиётларни гуруҳлаш услубияти.
- 24.Жорий библиографик кўрсаткичлар ва рўйхатларда адабиётларни аннотациялаш услубияти.
- 25.ИНИОН мисолида адабиётларни рефератлар услуги.
- 26.Ретроспектив библиографик кўрсаткичлар тизими.
- 27.Турли ижтимоий фанлар соҳасидаги адабиётларни ретроспектив библиографиялар.
- 28.Ретроспектив библиографик кўрсаткичлар тузиш услубияти.
- 29.Ретроспектив библиографик кўрсаткичларда адабиётларни танлаш, гуруҳлаш ва уларни характерлаш услубиятининг ўзига хослиги.
- 30.Универсал ва махсус кутубхона –ахборот марказларида МБА (Маълумот библиографик аппарат)нинг ижтимоий-сиёсий қисмини шакллантириш.
- 31.Илмий кутубхоналар СБАнинг таркибий қисми.
- 32.Кутубхона МБА нинг шакллантириш принциплари.
- 33.Бош манбаа асарларини МБА га киритиш хусусиятлари.
- 34.Кутубхона каталог ва картотекаларида ижтимоий-сиёсий адабиётларни акс эттирилиши.
- 35.Кутубхона ижтимоий-сиёсий адабиётлар китобхонлар гуруҳига библиографик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 36.Ижтимоий-сиёсий маълумотномаларнинг турлари ва уларни тўлдириш услубияти.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусағасида: Хавфсизликга таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон,1997.- 315б.
2. Каримов И.А.Барқарор тараққётга эришиш-устивор вазифа (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи,1998 йил 256 февраль).- Т.: «Ўзбекис- тон», 1998.-95б.
3. Каримов И.А.Баркамол авлод орзуси.-Т.: Шарқ, 1998.-65 б.
4. Каримов И.А.Кучли давлатдан кучли жамият сари.-Т.: Шарқ, 1998-63 б.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ 1998-78 б.
6. Каримов И.А. Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида қарор ПП №134, 20 июн 2006 й.
7. Ахунджанов Э.А. Очерки по истории книги и книжного дела в Средней Азии. Древность. Средние века.- Т.:Академия.-1993-268с.
8. Бойкова О.Ф.,Веревкина А.Н.Текущие библио- графические пособия ЮНЕСКО || Сов. Библио- графия.- 1971.-№ 4.- с 99-110.
9. Долгополова И.В.,Шамсиев Ш.М.История библио- графии в период средних веков(до изобретения книгопечатания):Учебное пособие.-Т.: Узин- ком- центр,2003.-54 с.
10. Душенко К.В., Либерман А.А.Ретроспективнўе указатели по отечественной истории в оценках экспертов || Библиография. -1997.-№ 4- с.8-17.
11. Ильичева Л.С.,Сахаров Н.И., Архипова М.К. Библиография общественно-политической лите- ратурў: Учебник.- М.: К.Н. палата, 1988.-240 с.
12. Туропов М.М., Маматраимова Х., Ляпустина Н.П. Ўзбекистон ретроспектив библиографияси: Ўқув кўлланма.-Т.: ФБАН РЎз.,1996.-82б.
13. Шамсиев Ш.М. Ижтимоий фанлар библиографияси: Ўқув кўлланма.Т.:ТДСИ; 2003.-96б.

14. Интернетда
www. Sitecatalog.ru Fdeser.phtml? itema 367244 gvoup id
2568=Иқтисодий адабиётлар библиографияси.
http.www.Msuc. Edu.ru.-Мос. гос. унив. культ. и искусства.

Шартли қисқартмалар

1. ВГБИЛ-Россия давлат чет эл адабиётлар кутубхонаси
2. ВНИЦЕНТР-Илмий тадқиқот маркази
3. ГПБ(РМК)-Россия миллий кутубхонаси
4. ГПИБ-Россия давлат оммавий тарихий кутубхонаси
5. ГПНТБ-Давлат оммавий илмий-техника кутубхонаси
6. ДОР(ТОР)-Раҳбар ходимларга табақалашган хизмат кўрсатиш
7. ИРИ-Ахборотни танлаб тарқатиш
8. ИНИОН-Ижтимоий фанлар илмий ахборот институти
9. КБК-Кутубхона библиографик классификацияси
10. МДУ-Москва давлат университети
11. МДХ-Мустақил давлар ҳамдўстлиги
12. МИСОН-Халқаро ижтимоий фанлар ахборот маркази
13. МЦНТИ-Халқаро илмий-техника ахборот маркази
14. РС-Рефератив тўплам
15. РЖ-Рефератив журнал
16. РНПБ-Россия илмий педогогика кутубхонаси
17. РФА-Россия фанлар академияси
18. СТО-Меҳнат ва муҳофаза кенгаши
19. ФБОН-Ижтимоий фанлар асосий кутубхонаси
20. ЦНСХБ-Маразий қишлоқ-хўжалик кутубхонаси
21. YGSSO-Халқаро библиографик марказ

МУНДАРИЖА:

Кириш.	
I-боб. Ижтимоий-сиёсий адабиёт – библиография объекти сифатида	
II-боб. Жамиятни ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжлари	
III-боб. Ижтимоий-сиёсий библиографиянинг ўзига хос хусусиятлари	
IV-боб. Ижтимоий-сиёсий мазмундаги библиографик манбаларнинг классификацияси, уларни тайёрлаш ва тарқатиш асосий каналлари	
V-боб. Ижтимоий фанлар библиографиясининг тарихи.	
VI-боб. МДХда ижтимоий-сиёсий адабиётлар библиографиясининг ташкил этилиши	
VII-боб. Жорий илмий ёрдамчи библиографик қўлланмалар тузиш услубиятининг умумий масалалари	
VIII-боб. Ретроспектив кўрсаткичлар тизими	
IX-боб. Ретроспектив илмий ёрдамчи библиографик қўлланмаларни тузиш услубияти	
X-боб. Тавсия библиографик қўлланмалар тизими	
XI-боб. Кутубхонанинг маълумот библиографик иши	
XII-боб. Ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш . . .	